

443  
444

Ўттиз саккизинчи йил чиқиши  
Зулхижжа-муҳаррам 1444ҳ  
Июл-август 2023м



# Ал-Ваъй

Кенг кўламли,  
фикрий, сақоғий журнал

## Ал-Ваъй сўзи

Нусрат, байъат ва ҳижрат...  
Ислом ҳовлисига олиб борадиган йўлни  
ёритувчи ҳидоят нури

Покистон қуролли кучларини  
молиялаштиришни қисқартириш  
Ҳиндистоннинг нуфузли минтақавий  
куч сифатида юксалишига  
имкон беришdir

Ҳизб ут-Тахрир...  
Рошид Халифаликни  
барпо этишга  
чақирувчи ягона,  
мислсиз даъват >

Фарбнинг шиддатли  
хўжуми Ислом  
Умматини Халифалик  
давлатини барпо  
етишдан асло  
қайтара олмайди

76

Фитрат бўзилиши-  
нинг инсон учун  
дунё ва охиратдаги  
хатари

18



443  
444

Ўттиз еттинчи  
йил чиқиши  
Июл-август 2023м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ўшибу сонга

- **Ал-Ваъй сўзи:** Нусрат, байъат ва ҳижрат... Ислом ҳовлисига олиб борадиган йўлни ёритувчи хидоят нури ..... 3
- Ҳизб ут-Тахрир... рошид Халифаликни барпо этишга чақирувчи ягона, мислсиз даъват..... 7
- Фитрат бузилишининг инсон учун дунё ва охиратдаги хатари..... 18
- «Янги» атеизм... ижтимоий феноменни ёки яширин режа?..... 30
- Фарб ҳазорий лойиҳасининг муваффакиятсизлиги... 41
- Фарбнинг шиддатли ҳужуми Ислом Умматини Халифалик давлатини барпо этишдан асло қайтара олмайди..... 46
- Покистон куролли кучларини молиялаштиришни қискартириш Ҳиндистоннинг нуфузли минтакавий куч сифатида юксалишига имкон беришdir ..... 51
- Мусулмон оила ва «жодугарлар болғаси» ..... 58
- Мафкуравий кураш, Исломга карши мақр-хийла қилиш ҳамда Халифаликни барпо этиш харакатига зарба бериш бўйича мустамлакачи Farbning усувлари ..... 67
- «Эсланг, (эй Мұхаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман», деганида улар айтдилар: «У ерда бузгунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиши билан Сени улуглаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутмамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»» ..... 74
- «Мендан кейин бир-бирингизни ўлдириб, коғир бўлиб кетманглар»..... 81
- **Олам мусулмонлари хабарлари**..... 88
- **Қуръони Карим суҳбатида**..... 100
- **Жаннат боғлари:** Ислом шариатида гайримусулмонлар қонини тўкишнинг ҳаромлиги ... 104
- **Сўнгги сўз:** Афғонистонда икки йиллик ҳукмронликдан сўнг Толибон ҳаракати... Тажриба муваффакиятли ўтдими?..... 107
- (Исроил) Американинг қулашидан кейинги кунни хисобга олиб, Хитойга эшикни очишга чақирмоқда.... 108

## НУСРАТ, БАЙЪАТ ВА ҲИЖРАТ... ИСЛОМ ҲОВЛИСИГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИ ЁРИТУВЧИ ҲИДОЯТ НУРИ

Ҳижрат Маккадаги даъват босқичининг якуний натижаси эди. Ресулulloҳ ғанинг Маккадаги барча харакатлари ҳижратга этишга ҳамда Мадинада дастлабки Ислом давлатини барпо этиш орқали куфр ҳовлисидан Ислом ҳовлисига кўчиб ўтишга қаратилган эди. Шунинг учун ҳижрат мухим кўчиш бўлди. Ҳижратдан кейинги ишлар ҳижратдан олдингисидан бошқача тус олган. Ҳижратдан олдин даъватни бир уюшма олиб борган. Бу уюшмани Ресулulloҳ ғанинг бошқарганлар. У зот билан бирга иймон йўлида событқадам бўлган ва бунинг натижасида турли балоларни бошдан кечирган бечораҳол саҳобалар жамоасигина бўлган. Ҳижратдан кейин эса, даъватни Ресулulloҳ ғанинг бошчилигидаги давлат олиб борган. Мана шу давлат ёрдамида Ресулulloҳ ғанинг Ислом билан ҳукм юритиш, Исломни татбиқ этиш каби Исломнинг буюк мақсадларини амалга оширганлар. Инсонларни даъват ва жиход йўли билан Исломни тарқатишга ундашга мана шу давлат орқали эришганлар. Шунинг учун ҳам ҳижрат Ресулulloҳ ғанинг амалга оширган энг муҳим рамзлардан бири бўлган. Эҳтимол, бунинг қадрини энг биринчилардан бўлиб иккинчи рошид халифа Умар ибн Хаттоб ғанинг англаган бўлсалар ажаб эмас. Чунки у киши мусулмонларнинг тарих санасини мана шу ҳижрат ҳодисасидан бошлаган эдилар. Бунинг замирида эса, жуда катта маъно ётади.

Бугунги кунда ҳижратнинг моҳиятини тушунишни истаган ҳар бир мусулмон Исломни қоим қилишнинг нима эканини англаши лозим. Ислом ҳижратдан олдин давлат ва бошқарув низоми сифатида гавдаланмаган эди. У пайтда Ислом барча соҳаларда Ислом аҳкомларини татбиқ қилиш, Аллоҳнинг йўлида жиход қилиш ҳамда одамларни унга киришга даъват қилишга асосланган ҳаёт низоми сифатида шаклланмаган эди. Ҳақ билан ботил, Ислом билан куфр ўртасидаги курашга асосланган халқаро курашни ўрнатишга ҳали эътибор қаратмаган эди... Шунинг учун ҳам ҳижрат катта маънога эгадир. Агар биз унинг ҳаққини адо этишни истасак, унинг ҳаққи жуда улкандир.

Ким Ислом рисолатининг воқесини идрок эта олса, Аллоҳ Таоло умумбашарий ва энг сўнгги қилиб кўйган Ислом рисолатининг мохиятини англаб етса, мусулмонлар ҳаётида Ислом давлатининг мавжудлиги Исломнинг муҳим бир қисми эканлигини албатта англайди. Бу албатта динимиздан маълум. Халифа Аллоҳ Таоло Исломни татбиқ этиш ва уни тарқатишни топширган органдир. Исломни тўғри тушунган ҳар бир киши ҳижрат сўзсиз Ислом давлатини тиклаш эканини англаб етади... Варақа ибн Навфал мана шу ҳақиқатни англаб етган эди. У Росулуллоҳ ﷺ Ҳиро ғорида бўлиб ўтган ҳодисани айтиб берганидан кейин шундай деган эди: «Сенга Мусога келган энг катта Номус келибди. Қасамки, албатта қавминг сени ёлғончига чиқаради, сен улардан кўп озор кўрасан. Юрtingдан қувиб чиқариласан ва улар билан уруш қилишгача етиб борасан. Агар менга ўша кунлар насиб қилса, мен сенга Аллоҳнинг йўлида мислсиз ёрдам берар эдим». Шунда Росулуллоҳ ﷺ: «**Улар мени юртимдан қувишадими?**» дейдилар. Варақа эса: «**Ҳа, сен келтирган нарсани олиб келган киши борки, албатта, у тажовузга йўлиққан**», деди.

Маккадаги даъват ҳодисалари ва кофирларнинг унга қаршилик билдиришлари унинг тарқалишини олдини олиш ва уни бешигидаёқ йўқ қилишга қаратилган эди. Токи, даъват бутларни парчалаш, уларга ибодат қилишга барҳам бериш ҳамда ўша сифинишга асосланган яшаш тарзи ва ижтимоий алоқаларни парчалашдек мақсадига эришмасин. Сахрода яшайдиган бир бадавий араб Росулуллоҳ ﷺнинг сўзларини эшитгач: «Бу подшоҳлар ёқтирамайдиган ишдир», деган экан. Эҳтимол унинг бу сўзлари Маккадаги даъватни таърифлашда энг тўғри ва энг мўъжаз таъриф бўлса, ажаб эмас. Айтиш жоизки, куфр раҳнамоларининг ўша даврда энг кўп кўрқканлари шу эди. Шунинг учун улар нусрат ва байъатдан хабар топган заҳоти уни бекор қилишга уриниб, Росулуллоҳ ﷺ ва унинг даъватидан бутунлай қутилиш учун харакат қилишга шошилдилар. Улар Росулуллоҳ ﷺни ўлдиришга ва бу жиноятни барча қабилаларга бўлиб юборишга келишишди. Шунда Аллоҳ Таоло улар Росулуллоҳ ﷺни хунук тарзда қатил қилишни истаганлари учун ушбу буюк ҳодисани, яъни Ислом давлатининг барпо бўлишини хоҳлади. Мана шу жойдан ҳижрат давлатининг тикланишига йўл очди. Ҳижрат, албатта, нусратдан кейин бўлган эди.

Ҳижрат, албатта, байъатдан кейин бўлган эди! Бу ерда бир савол туғилади: нима учун қабилалар Пайгамбаримиз ﷺни

ўлдиришда иштирок этишга рози бўлдилар, ҳолбуки у Зот уларнинг ўз аҳлидан эмасми?... Гап шундаки, қабилаларнинг бунга рози бўлишларининг сабаби улар ҳам худди Макка етакчилари каби бу даъват бутпарастлик ва ширкнинг Макка ва унинг ташқарисидаги барча кўринишларига барҳам берадиган тавхид даъвати эканини жуда яхши англашган. Шунингдек, улар бу даъват шерикликка рози бўлмаслигини ва фақат тавхидга асосланганлигини англашган. Эй мусулмонлар, жоҳилиятдаги куфр етакчилари ҳижрат нима эканлигини бугунги мусулмон уламоларидан кўра яхши тушунишган. Бундан ҳам даҳшатлиси, бугун ҳам Ғарб ва мусулмонларнинг заарали ҳокимлари ҳижрат нима эканлигини мусулмонлардан кўра яхшиrok тушунишади.

Албатта бизлар бир биримизга савол берамиз: Нега мусулмон уламолари ҳижрат маъносини англатувчи ҳақиқатлардан гафлатда қолмоқдалар? Нега бу хотира уларни ўз ҳаётларида ҳижратни жонлантиришга ундамаяпти?... Аслида эса, бундай саволларни ана ўша уламоларга бериш лозим. Чунки ҳижратнинг ҳақиқатини англаб етиш энг аввало ана ўша уламоларнинг елкаларига тушади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, улар мусулмонларга ҳижрат нима эканини тушунтириб беришлари ҳамда уни биргаликда қоим қилишга ундашлари лозим. Аммо улардан бундай иш содир бўлмади. Содир бўлиши кутилмайди ҳам. Чунки улар динни мукаммал ўргатмайдиган шаръий институтларни битиришган... Эй уламолар!... Нусратнинг маъноси мана шудир. Сизлар эса, мусулмонларга ҳижратнинг ҳақиқий маъносини эслатмасдан, уни зое кетказяпсизлар, ҳижратни увол қиялпсизлар. Сизлар бу хақда албатта сўраласизлар! Чунки ҳижратнинг битта маъноси бор, у ҳам бўлса, мазкур маънодир...

Мана шу маънодаги ҳижратни унга ҳаракат қилиш орқали тирилтириш лозим. Ҳижратни тирилтиришга бўлган бу ҳаракатрошид Халифаликни тиклашга ҳаракат қилиш билан бўлади. Рошид Халифаликни барпо қилишга қаратилган ҳаракат эса, жамоий бўлиши шаръян талаб қилинади. Чунки Рошид Халифаликни барпо қилиш шу қадар муҳим фарзи кифояки, бошқа фарзлар фақат мана шу фарз билан адогига етади... Бу мана шу фарзни адo этишга ҳаракат қилаётган жамоаларни излашни талаб қилади. Аммо, афсуски, ўзгартиришга ва Халифаликни тиклашга ҳаракат қилаётган Ҳизб ут-Тахрирдан бошқа ҳеч қандай жамоат йўқ... Нима учун бу жамоатдан бошқа жамоат йўқ?... Сабаби, Халифаликни барпо қилиш орқали Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатишига даъват ва ҳаракат қилаётганлар барча жойларда азоб чекмоқда ва

хатарга йўлиқмоқда. Шунингдек, коғир Ғарб ва унинг малай ҳокимлари бу даъватга қарши энг қаттиқ тарзда курашмоқда. Шунинг учун қийинчилик ва таҳдидларни фақат Исломни тўғри тушунган ҳамда иймони ва иродаси кучли бўлган қишилар жамоасигина кўтара олади. Ушбу жамоат ҳар-хил фикрий келишмовчиликлар сабабли заифлашмаслиги учун битта ишончли етакчининг қўл остида бўлиши энг тўғри ва ишончли йўлдир. Шулардан келиб чиқиб, кейинги мавзуда Аллоҳ Таоло рошид Халифаликни барпо қилиш фарзини адо этиш бахтига муяссар қилган ана шу жамоат ҳақида сўз юритамиз... Бизларни ушбу жамоага, уни ҳимоясига ва уни қўллаб-қувватлашга ҳидоятлагани учун Аллоҳ Таолога чексиз ҳамдлар айтамиз. Биз Аллоҳдан тўғри йўлга ҳидоятлашини ва ёрдам беришини сўраймиз. Зеро, У барча нарсага қодир ва ўз ишида ғолиб Зотдир. □

## ХИЗБ УТ-ТАХРИР... РОШИД ХАЛИФАЛИКНИ БАРПО ЭТИШГА ЧАҚИРУВЧИ ЯГОНА, МИСЛСИЗ ДАЬВАТ

Хизб ут-Тахрир Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَئِنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ﴾

«Ораларингиздан эзгуликка чақирадиган бир жамоа бўлсин»

[Оли Имрон 104]

деган ояти асосида ташкил этилди. Хизб ут-Тахрир мусулмонлар хаётида Исломни қарор топтириш учун ташкил топди. Ислом рошид Халифаликни барпо этишга асосий фарзлардан бири сифатида ҳаракат қилиш билангина қарор топади. Демак, Халифаликни барпо қилишга ҳаракат қилиш фарздир. Бу фарзни фақат жамоат ёки хизб бажаради. Рошид Халифаликни тиклаш учун сўзсиз Росулуллоҳ ﷺнинг тариқатидан юриш ҳамда У зот шаръий аҳкомлар сифатида бажарган амалларнинг айни ўзини бажариш шарт. Мана шу шаръий аҳкомлар Халифаликни барпо этиш фарзини қарор топтиради. Масалан, уюшма тузиш ва муракказ сақофат бериш шулар жумласидандир. Росулуллоҳ ﷺ ўзларига иймон келтирган саҳобаларни шакллантиришда, уларни бунёд этишда мана шу йўлни тутганлар. Росулуллоҳ ﷺнинг тариқатларидан яна бири жамоий сақофатдир. Росулуллоҳ ﷺ жамоий сақофат йўлида, Аллоҳ ўзига нозил қилган нарсаларни етказиш учун кофиirlарнинг мажлис ва йиғилишларига борардилар. Даъват ёйила бошлаган жамиятларда фикрий ва сиёсий кураш олиб бориш ҳам Росулуллоҳнинг Исломни қарор топтириш йўлида босиб ўтган тариқатларидандир.

Бугунги кунда эса, ўзини жамиятни ўзгартиришга ҳаракат қилаётганини даъво қилаётган жамоалар жуда кўплигига қарамай, бирортаси ҳам ушбу буюк фарзни қабул қилишга ва уни адo этувчи жамоа эканини эълон қилишга журъат қилолмади. Бунинг сабаби аниқ: ушбу амални адo этаётганлар кофир Farb давлатлари томонидан қаттиқ қувғин қилинмоқда. Мусулмон юртлари устидан ҳукмронлик қилаётган Farb давлатлари айни қувғинни «терроризмга қарши кураш» никоби остида мусулмонларга қарши курашда бор кучларини аямаётган малай ҳукмдорлар ёрдамида амалга оширияпти... Ушбу буюк фарзни ёлғиз Ҳизб ут-Тахриргина илк тузилган кундан бошлаб адo этишга киришди. У даъватда ростгўйлиги билан намуна бўлди. Росулуллоҳ ﷺнинг амалидан ибрат олишда Аллоҳнинг сиротул мустакимига юрди.. Ҳизб Аллоҳдан ўзини замон охирида чиқадиган ва нусратга сазовор

бўладиган эзгулик тоифаси қилишини умид қиласди. Зеро, Аллоҳ томонидан ваъда қилинган ва золим подшоҳликдан кейин бўлиши Росули ﷺ томонидан башорат этилган ушбу мансур тоифа орқали Аллоҳ Таоло рошид Халифаликни барпо этади. Мана, Ҳузайфа ибн Ямон ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ марҳамат қилганлар:

«تَكُونُ النُّبُوَّةُ فِيْكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِمًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَزِيرَةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعُهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَّتَ». .

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». (Ином Аҳмад муснади). Хўш, ушбу буюк фарзга даъват қилишда етмиш йилдан бери Ислом Уммати орасида бир ўзи ҳаракат қилаётган Хизб ут-Тахрир қандай ҳизб?

• Хизб ут-Тахрир ўзини бундай дея танитади: «У мабдаи Ислом бўлган сиёсий ҳизбdir, унинг фаолияти сиёsat, мабдаи Ислом бўлиб, Уммат орасида ва Уммат билан биргаликда ҳаракат қиласди. Умматдан Исломни ўзига асосий масала қилиб олишини истайди ҳамда Халифаликни қайта барпо этиш ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомларни ҳаётга қайтариш ишида Умматга етакчилик қилишга ҳаракат қиласди...». Ҳа, Хизб ут-Тахрир сиёсий уюшмадир, рухий ёки илмий ёхуд таълимий ёки хайрия уюшмаси эмас. Исломий мафкура Хизбнинг жисмоний рухи ва тириклиги сиридир. Хизбга асос бўлган, Хизб аъзоларида гавдаланган ва Умматни у билан эритиш ва Уммат уни ўзига масала қилиб олиши учун ҳаракат қилаётган бу мафкура Ислом мафкураси, яъни Ислом ақидаси ва ундан балқиб чиққан нарсалар ҳамда унинг устига курилган фикрлардир. Хизб бу фикрлардан жамиятда Исломни вужудга келтириш, яъни Исломни бошқарув, алоқалар ва бошқа

Хизб ут-Тахрир... рошид Халифаликни барпо этишга чакирувчи ягона, мислсиз даъват ишларда гавдалантириш учун фаолият қилишда ўзига етарлича миқдорда қабул қилди. У қабул қилган барча фикрларни ўзининг чоп этган китоб ва нашрларида батафсил ёритиб берди, ҳар бир ҳукм, ҳар бир фикр ва ҳар бир тушунча учун батафсил далилларни баён қилди.

• Даъватни етказишида юриладиган тариқатга келсак, у шаръий аҳкомлар бўлиб, Ҳизб уларни Росууллоҳ нинг даъватни етказишидаги тариқатларидан олди. Чунки улар эргашиш фарз бўлган аҳкомлардир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لَّئِنْ كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْآيُومَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا﴾

«(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг Пайгамбарида гўзал намуна бордир» [Аҳзоб 21]

Яна бундай деди:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّئِعُونِي يُحِبِّكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни магфират қиласди. Аллоҳ (гуноҳларни) магфират қилгувчи, меҳрибондир» [Оли Имрон 31]

Яна бундай деди:

﴿وَمَا آتَيْتُكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَاتَّهُوا﴾

«Пайгамбар сизларга ато этган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсадан қайtingлар» [Ҳашр 7]

Булардан бошқа Росууллоҳ дардан ибрат олишга буюрган яна кўплаб оятлар бор. Шунга биноан, Ҳизб ўз фаолият йўлини уч босқичда белгилади:

**Биринчи:** ҳизбий уюшма ташкил қилиш мақсадида Ҳизбнинг фикратига ва унинг тариқатига иймон келтирган шахсларни вужудга келтириш учун сакофатлантириш-таълим босқичи.

**Иккинчи:** Уммат билан бирга ишлаш (тафоул) босқичи. Бу босқичда Исломни ҳаёт воқелигида вужудга келтириш учун уни ўзига асосий масала қилиб олишга Умматни ундейди;

**Учинчи:** Ҳокимиятни қўлга олиш босқичи. Бу босқичда Ҳизб ҳокимиятни олиб, Исломни тўлиқ кенг миқёсда татбиқ қиласди ва уни оламга рисолат сифатида етказади.

Хизб биринчи босқични буюк олим, етук муфаккир, иқтидорли сиёсатчи ва Куддусдаги «Истеъноф маҳкамаси» (Апелляция суди) козиси шайх Тақийюддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ томонидан 1372-ҳижрий, 1953-милодий йилда бошлади. Бу босқичда Ҳизб Уммат шахслари билан боғланди, улар билан алоҳида-алоҳида учрашиб, ўз мафкура ва тариқатини кўрсатди. Ораларидан қабул қилган кишини Ҳизбнинг ҳалқаларида марказлашган дарсга қўшди. Уни Ислом билан мулоқотда бўлиши, исломий ақлия ва исломий нафсиядан баҳраманд бўлган ҳолда Исломий шахсияга айланиши, сўнг даъватни одамларга етказишга киришиши учун Ҳизб табаний қилган Ислом фикрлари ва аҳкомлари билан пиширди. Шахс мана шундай даражага етса ва ўзини Ҳизбга бағишиласа, уни Ҳизб аъзолигига қабул қилди. Бу худди Росулуллоҳ даъватнинг илк бошланишида қилганлари кабидир. Уч йил давом этган ўша босқичда сарвари олам одамлар билан алоҳида учрашиб, уларга Аллоҳ юборган ишни кўрсатардилар. Улардан ким иймон келтирса, уни ушбу дин асосида яширинча уюшмага қўшар ва унга Ислом таълимотларидан беришда, Қуръондан нозил бўлган ва бўлаётган оятларни ўқитишда, шу орқали Ислом билан пиширишда астойдил ҳаракат қилардилар. Улар билан ошкор этилмаган жойларда яширинча учрашиб, яширинча таълим берар, ибодатларини ҳам маҳфий равишида адо этар эдилар. Кейин Маккада Исломнинг номи чиқди ва одамлар у ҳақда гапирадиган, биттама-битта унга кирадиган бўлди.

**Ушбу сақофат-таълим босқичида** Ҳизб барча дикқатини ўз жисмини барпо этишга, ҳажмини оширишга ва ҳалқаларида шахсларга бир нуқтага қаратилган ҳизбий сақофат беришга қаратди. Ва ниҳоят, Ислом билан пишиб етган, Ҳизб фикрларини қабул қилган ва бу фикрлар билан муносабатда бўлиб, уни одамларга етказадиган йигитлардан ҳизбий уюшма ташкил этишга муваффақ бўлинди. Ҳизб ушбу ҳизбий уюшмани тузишга ҳамда жамиятга Ҳизбни хис қилдириб, танитиб, унинг фикрлари ва даъват қилаётган нарсалар билан билдиришга муваффақ бўлгандан сўнг, Ҳизб иккинчи босқичга кўчди. Бу тафоул босқичидир, яъни Уммат билан мулоқот қилиш босқичида Ҳизб унга Исломни етказади ва унда Ҳизб табаний қилган Ислом фикрлари ва аҳкомларига нисбатан ваъи ом ва раъи ом пайдо қиласди, токи бу фикрларни Уммат ўзининг фикрларига айлантирсин, уларни ҳаёт воқеида вужудга келтиришга ҳаракат қилсин ва Халифалик давлатини барпо этиш, халифа сайлаш, шу орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш ва Исломни бутун оламга етказишда Ҳизб билан

Хизб ут-Тахрир... рошид Халифаликни барпо этишга чакирувчи ягона, мислсиз даъват харакат қилсин. Ушбу босқичда Ҳизб халққа оммавий мурожаат қилишга ўтди. Дарҳақиқат, бу босқичда қўйидаги ишларни қилди:

1 – **Ҳалқаларда шахсларга муракказ таълим бериш.** Шу орқали Ҳизб ўз жисмини ўстиради ва кўламини кенгайтиради ҳамда даъватни етказишга, фикрий ва сиёсий курашга қодир исломий шахсиялар этиштиради.

2 – **Ҳалққа оммавий сақофат бериш.** Ҳизб бунда ўзи табаний қилган Ислом фикрлари ва ахкомларини масжидлардаги дарсларда, форумларда, лекцияларда, жамоат йиғилиш жойларида, матбуотда, китобларда ва нашрларда беради, шу орқали Умматда жамоатчилик фикрини яратади ва ўз таъсирини ўтказади.

3 – **Фикрий кураш.** Ҳизб шу орқали куфр ақидалари, тузумлари, фикрлари, бузук эътиқодлар, нотўғри фикрлар, адашган тушунчаларга қарши курашиб, Умматни улардан ва уларнинг оқибатларидан қутқариш учун барчасининг сохталиги, хатолиги ва Исломга зидлигини очиб беради.

4 – **Сиёсий кураш.** Бу қўйидагилардан иборат:

а) Мусулмон юртларида нуфузи бўлган мустамлакачи кофир давлатларга ҳамда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий барча кўринишдаги мустамлакачиликка қарши курашиб, унинг ҳар қандай нуфузи таъсиридан Умматни озод этиш учун режа ва тил бириктирувларини фош этиш.

б) Араб ва исломий юртлардаги хукмдорларга қарши курашиб, уларнинг кирдикорларини очиб ташлаб, уларни ҳисоб-китоб қилиш, улар Умматнинг ҳақ-хукуқларини ейишган ёки Уммат олдидаги ўз бурчларини адо этишда қусурга йўл кўйишган, ёхуд унинг ишларига эътибор қаратишмаган ёки Ислом ахкомларига тескари иш юритишган пайтда уларни ўзгартариш, бошқарувларини ағдариб, ўрнига Ислом бошқарувини барпо этиш.

5 – **Уммат манфаатларини қабул қилиш ва ишларини шариат ахкомларига мувофиқ бошқариш.**

Ҳизб буларнинг барчасини Росулуллоҳ ﷺ га эргашган ҳолда қилди. Дарҳақиқат, у зот Аллоҳ Таолонинг

﴿فَاصْدَعْ بِمَا تُؤْمِنُ وَأَغْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишини юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўғиринг!» [Ҳижр 94]

деган ояти нозил бўлгандан сўнг ўз ишларини юзага чиқардилар ва Қурайшни Сафога чақириб, уларга ўзининг Аллоҳ томонидан юбориленган Пайғамбар эканлигини хабар қилдилар ва улардан иймон келтиришларини талаб қилдилар ҳамда даъватни жамоалар

билан бирга шахсларга ҳам етказдилар. Қурайшга, уларнинг илоҳларига, ақида ва фикрларига қарши туриб, уларнинг бузук, сохта, хато эканини очик айтиб, барчасини айбладилар, барчасига хужум килдилар, шу билан бирга, ақидалари ва мавжуд фикрларига ҳам хужум қилдилар. Оятлар Қурайшнинг ҳар бир қилмишларига қарши биттама-битта нозил бўлиб, судхўрлик, қиз чақалоқларни тириклайн кўмиш, тарозидан уриб қолиш ва зино қилишларига хужум қилиб турди... Шунингдек, оятлар Қурайшнинг раҳнамо ва хўжайинларига хужум қиларди. Уларнинг ўзларини ҳам, ота-боболарини ҳам, хом хаёлларини ҳам аҳмоққа чиқаарди. Уларнинг Росууллоҳ  га, даъватга ва саҳобаларга қарши қилган хоинликларини очиб ташларди.

Ҳизб ут-Тахрир ўз фикрларини етказишида, бошқа фикрлар ва сиёсий уюшмаларга қарши туришда, мустамлакачи коғир давлатларга қарши курашишида, хукмдорлардан ҳисоб талаб қилишда очик, курашувчан бўлди, натижа ва вазиятлардан қатъий назар, муроса қилмади, ялтоқланмади, хушомад қилмади, жонини ширин деб билмади... Ислом ва унинг аҳкомларига қарши чиққан ҳар бир кимсага қарши чиқди... Ҳизбнинг мана шундай позицияси унинг йигитларини хукмдорларнинг қаттиқ озорларига, жумладан, қамаш, қийноққа солиш, қувғин қилиб, қочқинга айлантириш, ишдан маҳрум қилиш, сафар қилишни тақиқлаш ва ҳатто ўлдириш кабиларга рўпара қилди. Дарҳақиқат, Ҳизб йигитларидан ўнлаби Ўзбекистон, Ироқ, Суря ва Ливия хукмдорлари томонидан ўлдирилди. Иордания, Суря, Миср, Ливия, Туркия, Покистон, Ўрта Осиё айниқса Ўзбекистон ва бошқа юртларимиз қамоқ зоналари Ҳизб йигитлари билан тўлди. Ҳизб буларнинг барчасини Росууллоҳ  га эргашган ҳолда адо этди. Дарҳақиқат, Росули акрам  бутун оламни очик-ошкор, хужумкорлик билан олиб келдилар, ўзлари даъват қилган ҳаққа чуқур ишониб, бутун дунёни курашга чақириб, одамларга улар қора, қизил ва оқ танли бўлишларидан қатъий назар ҳаммасига қарши уруш эълон қилдилар.. Ислом рисоласидан бошқа ҳеч нарсага қарамадилар. Биринчи ишни Қурайшдан бошладилар, уларнинг олиҳаларини тилга олиб, уларни қораладилар. Эътиқодларида курашга чорладилар, уларнинг сохталигини очиб бердилар. Ваҳоланки, у зот қурол-яроғсиз ва мудофаа қилувчисиз ёлғиз эдилар. Роббиси берган Ислом рисоласига бўлган чуқур иймонларидан ўзга куроллари йўқ эди.

Ҳизб ўзининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни ҳамда курашувчанликни танлади. Бу ишда сиёсий ишларга чекланди.

Росууллоҳ Ҳининг Маккада олиб борган даъват тариқатига эргашиб, ҳукмдорларга ёки даъватига тўсқинлик қилаётгандарга қарши моддий ишларга ўтмади. Зеро, Росууллоҳ Ҳижрат қилгунларича ҳеч қандай моддий иш қилмадилар. Ўшанда иккинчи Ақаба байъатида қатнашганлар у Зотдан Мино аҳолисига қарши қилич билан жанг қилишга рухсат сўрашганда «**биз ҳали бунга буюримадик**», дедилар. (Табақотул Кубро асаридан). Аллоҳ Субҳанаҳу у Зотдан озорларга худди аввалги пайғамбарлар сабр қилгунларидек сабр қилишни талаб қилиб, бундай деди:

﴿وَلَقَدْ كَذَبَتِ رُسُلٌ مِّنْ قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِبُوا وَأُوذُوا حَتَّىٰ أَتَهُمْ نَصْرٌ﴾

«Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилингандар. Бас, то уларга Бизнинг нусратимиз келгунича ёлғончи қилингандарни ва озорланганларига сабр қилгандар»

[Анъом 34]

Хизбнинг ўзини ҳимоя қилиш учун ёки ҳукмдорларга қарши моддий куч ишлатилмаслигининг жиҳод мавзусига алоқаси йўқ. Чунки жиҳод қиёматга қадар давом этади-тўхтамайди. Мабодо кофир душманлар бирор мусулмон юрга ҳужум қилса унинг мусулмон аҳолисига, шу жумладан, ўша юртнинг мусулмонларидан бир қисми бўлмиш Хизб аъзоларига ҳам душманга қарши жанг қилиш ва мусулмонлар сифатида уларни қайтариш фарз бўлади. Агар бир мусулмон амир вужудга келиб, Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун жиҳод эълон қилса ва одамларни бунга сафарбар қилса, Хизб ут-Тахрир аъзолари ўша сафарбарлик эълон этилган юртдаги мусулмонларнинг бир қисми сифатида буни қабул қиласидар.

Умматнинг ўзи умид боғлаган етакчиларига нисбатан ишончини йўқотиши... ҳар хил фитналар туфайли минтақанинг қийин ахволга тушиб қолиши... ҳукмдорлар томонидан халқа нисбатан кўлланаётган зулмлар... Хизб ва унинг аъзоларига нисбатан амалга оширилаётган таъқиблар... мана шуларнинг барчаси натижасида жамият Хизб қаршисида қотиб туриб олса, Хизб нусрат беришга қодир куч эгаларидан нусрат талаб қила бошлайди. Нусрат талаб қилишдан иккита мақсад кўзланади:

**Биринчи:** Ўз даъватини тинч-омон етказишда харакат қила олиши учун ҳимоя мақсадида;

**Иккинчи:** Халифаликни барпо этиш ва Исломни татбиқ қилиш учун ҳокимииятга чиқиш мақсадида.

Ушбу нусрат талаб қилиш ишлари билан бирга, Хизб ўзи қилиб келган барча ишларни ҳам давом эттириди. Масалан, муракказ

халқалардаги дарслар ва жамоий сақофат бериш, Исломга амал қилиши учун Умматга эътибор қаратиш, унда жамоатчилик фикрини вужудга келтириш, мустамлакачи коғир давлатларга қарши курашиб, уларнинг режаларини фош этиб, тил бириктирувларини фош этиш, ҳукмдорлардан ҳисоб сўраш, шунингдек, Уммат манфаатларини табаний қилиш ва ишларига ғамхўрлик қилиш каби. Ҳизб мана шу ишларнинг барчасини давом эттирас экан, ўзига ва Исломий Умматга Аллоҳдан муваффақият ва нусрат беришини, учинчи босқичнинг ҳокимиятни олиш, яъни рошид Халифаликни барпо этиш босқичига айлантиришини умид қилиб қолади. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар.

### **Ҳизб ут-Тахрирнинг ғояси**

Ҳизб ғояси исломий ҳаётни қайта бошлаш ва исломий даъватни оламга олиб чиқишидир. Бу ғоя мусулмонларнинг қайтадан Ислом диёрида ва исломий жамиятда Ислом билан яшашларини англатади. Бундай ҳаётда ҳаётнинг барча ишлари шаръий аҳкомларга мувофиқ жорий бўлади, ундаги нуқтаи назар эса Ислом давлати бўлмиш Халифалик давлати соясида ҳалол ва ҳаром бўлади. Барча мусулмонлар битта халифани сайлаб, унга Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати билан бошқариши ҳамда Исломни оламга даъват ва жиҳод билан олиб чиқиши шарти билан қулоқ солиб, итоат қилишга байъат қиласидар.

Ҳизбнинг мақсади Умматни ёрқин фикр билан тўғри уйғотишидир. Ҳизб уни собиқ иззат ва қудратига эриштиришга ҳаракат қилмоқда. Умматнинг давлатлар, умматлар ва халқлардан ташаббус тизгинини тортиб олишини ва қайта дунёнинг биринчи давлатига айланиб, илгари бўлганидек оламни Ислом аҳкомларига мувофиқ бошқаришини истаяпти. Ҳизб, шунингдек, Умматнинг инсониятни тўғри йўлга етаклашини ҳамда Ислом ер юзига кенг ёйилиши учун куфрга ва унинг тузумларию фикрларига қарши курашда етакчилик қилишини мақсад қилмоқда.

### **Мусулмонларнинг ва бутун оламнинг уйғониши йўлидаги Ҳизбнинг тариқати**

Инсон ҳаёт, коинот ва инсон ҳақидаги ҳамда буларнинг дунё ҳаётидан илгариги вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги фикр билан уйғонади. Шунга кўра, бугунги инсон уйғониши учун унинг фикрини тубдан умумий равишда ўзgartириб, унга бошқа фикрни вужудга келтириб бериш керак. Чунки ушбу фикр нарсалар ҳақидаги тушунчаларни вужудга келтириб, уларни бир нуқтага боғлайди. Инсон ўзининг ҳаётдаги

Хизб ут-Тахрир... рошид Халифаликни барпо этишга чакирувчи ягона, мислсиз даъват

сулукини (ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондириш йўлини) ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига мос равиша шакллантиради. Юксалиб борган сари уйгонишни пайдо қиладиган фикр ҳаётга ва ундаги нарсаларга қарашга бўлган фикрdir. Чунки фикрнинг юксалиши соғ ҳайвоний жиҳатдан инсоний жиҳатга кўчишdir. Масалан, таомга эга бўлишга оид фикр бу ҳам бир фикр, аммо инстинктга оид тубан фикрdir. Таомга эга бўлишни тартибга солишга оид фикр ундан кўра юқорироқ фикрdir. Оила ишларини тартибга солиш билан боғлиқ фикр ҳам фикrdir, бироқ қавм ишларини тартибга солиш билан боғлиқ фикр ундан юқоридir. Аммо инсон ишларини бир шахс эмас, балки инсон деган эътиборда тартибга солиш фикри эса ҳамма фикрлардан юқоридir. Демак, айнан шу фикргина уйгонишни пайдо қилади. Шунинг учун мана шу фикрни ёйиш ва уни бошқа фикрларга асос қилиш керак. Шунингдек, илм-фан ва маърифатларни ҳам шу фикрнинг устига қуриш лозим.

Хизб ут-Тахрирning фикрича, уйгониш фикрий юксалишdir, аммо иқтисодий ривожланиш уйгониш деб ҳисобланмайди, шу билан бирга ахлоқий ривожланиш ҳам уйгониш бўлмайди. Зоро, уйгониш тўғри уйгониш ва нотўғри уйгониш бўлиши мумкин. Уйгонишнинг тўғри-нотўғрилигини унинг қурилган асоси белгилайди. Қачон фикрий юксалиш руҳий асосга қурилган бўлса, уйгониш тўғри уйгониш бўлади, чунки ушбу уйгониш ҳақидаги фикр камчилиги бўлмаган асосга таянган. Зоро, бундай фикрга асос жиҳатидан хато сизиб кирмайди. Шунинг учун у асоси ишончли, йўналиши мустаҳкам ва натижалари қатъий фикр бўлади. Аммо агар фикрий юксалиш руҳий асосга қурилган бўлмаса, у уйгониш ҳисобланади, бироқ тўғри уйгониш бўлмайди. Чунки ундаги фикр камчилиги бўлмаган асосга таянмаган. Оқибатда, бу уйгониш хатога, бузилишга, бекарорликка, адашишга ва барча турдаги нуқсонга дуч келади... Аммо шундай бўлса ҳам уйгониш бўлиб қолаверади. Масалан, Америка ва Европа уйғонган давлатларdir, бироқ уйгонишлари нотўғри бўлган, чунки бу уйгониш руҳий асосга қурилмаган, балки динни ҳаётдан ажратиш асосига қурилган. Яъни бу давлатлар аслида амалий ҳаётларидан руҳий асосни четлатишган. Шунинг учун Хизб ут-Тахрир Ислом мафкурасига асосланган уйгонишдан бошқа барча уйгонишларни, яъни исломий уйгонишдан бошқасини нотўғри уйгонишdir, чунки ёлғиз исломий уйгонишни руҳий асосга қурилган фикрий юксалиш, дея ишониш мумкин, деб билади.

Ха, Хизб ут-Тахрир уйғонишга эришиш тариқатини белгилади ва уйгониш содир бўлиши учун албатта бошқарув ва ҳокимият

ақида устига қурилиши ва бу ақидадан ҳаёт муаммоларининг кундалик ечимлари балқиб чиқиши, яъни тузумлар, қонунлар ва ахкомлар балқиб чиқиши шарт, деди. Бунда ҳам Ҳизб Росууллоҳ ﷺдан ўрнак олди, Росууллоҳ ﷺ Мадинада ҳокимииятни олиб, уни Ислом ақидасига асослаганлар ва бундай деганлар:

«أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِ النَّاسَ حَتَّىٰ يُشْهِدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ، وَيُؤْتُوا الرِّزْكَةَ، فَإِذَا فَعَلُوا عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءُهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا وَحِسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ»

«Одамлар то «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Мухаммад Унинг Росули», деб гувоҳлик бермагунларича, намозни барпо этиб, закотни адо этмагунларича уларга қарши жанг қилишга буюрилдим. Бас, агар шундай қиссалар, мендан қонларини ва молларини сақлаб қоладилар. Магар (қотилнинг ўлдирилиши, зинкорнинг тошбўрон қилиниши каби Исломнинг) ҳақлари бундан мустасно. Уларнинг (қалбидаги нарса) Аллоҳга хавола».

Яъни у зот мафкурага даъват қилишда давом этдилар. Шу билан Мадинада, кейин араблар орасида уйгониш юз берди. Исломга кирган яъни фикратни қабул қилган барча халқларда, ишларини исломий фикрат асосида бошқарган барча салтанатларда уйгониш содир бўлди. Буларнинг барчаси, Ҳизб ут-Тахрир назарида, уйгонишга эришишнинг йўли бошқарувни сиёсий ақида устига қуришдан иборат эканига қатъий далилдир.

Демак, уйгониш йўли битта. У ҳам бўлса исломий ҳаётни қайта бошлиашdir. Бошқача ибора билан айтадиган бўлсанк, уйгониш бўлиши учун албатта Ислом диёрида ва исломий жамиятда исломий ҳаёт кечиришимиз, унда исломий фикрлар ва исломий туйғулар хукмрон бўлиб, Ислом тузумлари ва ахкомлари татбиқ бўлиши, ҳаётнинг ҳар бир ишлари Аллоҳнинг амру тақиқлари билан юргизилиши ва дунёқараш ҳалол ва ҳаром бўлиши керак, шундагина уйгониш ҳосил бўлган бўлади. Бунинг йўли битта, яъни Исломни ақида ва низом сифатида тўлиқ қабул қилишимиздир. Биз Исломни инсоннинг энг катта муаммосини ечиб берадиган ва ҳаётдаги дунёқараш унинг асосига қуриладиган ақида сифатида қабул қилишимиз лозим. Шунингдек, асоси Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати бўлган ақидадан келиб чиқкан, сақофий бойлиги эса, фикҳ, ҳадис, тафсир, тил ва бошқалардан иборат исломий сақофат бўлган низом сифатида қабул қилишимиз лозим. Исломий ҳаётни қайта бошлиш учун Ислом давлатини тиклашдан бошқа йўл йўқ. Ислом давлатини тиклаш учун эса, исломий фикрий етакчиликни мукаммал тарзда етказиш лозим. Бунинг учун Исломга даъват қилиш, Исломни

Хизб ут-Тахрир... рошид Халифаликни барпо этишга чакирувчи ягона, мислсиз даъват хаётда, давлатда ва жамиятда вужудга келтиришга ҳаракат қилиш ҳамда Исломни бутун оламга ҳужжат, даъват ва жиҳод билан олиб чиқиш лозим бўлади... Уйғонишининг ягона йўли мана шудир. Яъни бу йўл – Ислом хаётини қайта бошлиш учун мусулмонларга исломий фикрий етакчиликни етказиш, сўнгра уни Ислом давлати орқали бутун инсониятга етказишидир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الْذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اُسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمُ الَّذِي أَرَتَنَّ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ حَوْنَهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ دَلِيلَكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْقَسِّفُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солих амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишини ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишини ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир»

[Нур 55] □

## ФИТРАТ БУЗИЛИШИННИГ ИНСОН УЧУН ДУНЁ ВА ОХИРАТДАГИ ХАТАРИ

### Мұхандис Шафіқ Хамис – Яман вилояты

Америка гомосексуализм бўйича дунёда етакчилик қилмоқда:

Гомосексуализм узоқ вақт давомида Ғарбликлар учун муқаддас саналган Рим меросининг акс садосида ўзини сиёсий ва тизимли равишда ташкил этди. Таъсисчи оталар (америкаликларнинг таъсисчи бобокалонлари) гомосексуализм учун кўлланадиган жазони зўрлаш учун кўлланадиган жазо сифатида кўришган. Жорж Вашингтон ўзининг видолашув нутқида: «Ахлоқни динсиз сақлаб қолиш мумкин, деган фикрга берилманг», дейди. Гомосексуаллар Рим империясидаги гомосексуализм тарихини тақрорлашади. Шунинг учун бемаъни шаҳвоний хирслар ортидан қувиб, ўзларининг баҳтсиз қисматларини унудишидаи. Улар босим ўтказувчи гурухларни ташкил этиб, улар орқали моддий ва маънавий таъсир кўрсатишидаи. Америкалик гомосексуаллар ва гей эмансипацияси (ижтимоий қарамликтан, масалан боланинг отонага, хотиннинг эрга итоат қилишдан бош тортиши) тарафдорлари бўлган эркак ва аёллар Америка мактабларида жинсий таълимга таъсир ўтказишини мақсад қилишган. Улар университетлардаги таълим бошқармаси қўмиталарини ўз назоратларига олиб, уларни гомосексуалларга қарши туриш ўрнига улар билан бир қаторда турадиган қилишган. Шунингдек, штатлардаги қонун чиқарувчи кенгашларни ҳам назоратларига олиб, гомосексуализмга қарши қонунларни бекор қилишган. Голливуд гомосексуалликни эркак ва аёллар хавфсиз ва танқиддан йироқ бўлишлари мумкин бўлган қонуний турмуш тарзи сифатида тарғиб қилувчи кўрсатувларни тайёрлай бошлади. Бундай кўрсатувларни тайёрловчилар гомосексуалларнинг қаршиликка ва танқидга учрашларини, шунингдек, хатти-харакатлари учун айбланишларини камайтиришга муваффақ бўлишди. Америкадаги «фуқаролик эркинликлари» иттифоқи гейлар хукуқларини ҳимоя қиласи. Шимолий Америкада «Эркак кишининг болага бўлган севгиси» деб номланган гейлар уюшмаси мавжуд.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларига қадар Кўшма Штатларда ҳам, Европанинг бошқа жойларида ҳам, гомосексуализм қабул қилинмаган. Эллигинчи йилларда Америкада гомосексуализм «ҳеч ким унинг номини айтишга журъат қила олмайдиган севги эди. Бугун эса, у оғзини ёпмайди». (Патрик Бюккенен: «Гарбнинг ўлими» китоби, 95-саҳифа). Унинг жазоси ўлим эди, кейин умрбод қамоқ жазосига, кейин эса жаримага алмаштирилди. Чунки у

ривожланиб, унинг тарафдорлари ва ҳимоячилари пайдо бўла бошлади. Иккинчи жаҳон урушида Америка гомосексуал эркак ва аёлларни ҳарбий хизматдан четлаштиришга ҳаракат қилди. АҚШ давлат котиби Самнер Уэллес поезднинг ухлаш вагони ишчисидан гомосексуал муносабатни талаб қилгани учун истеъфога чиқишига мажбур қилинган. АҚШ президенти Линдон Жонсон ўз ёрдамчиси гомосексуал муносабат билан шуғуллангани учун маҳфий полиция томонидан ҳибсга олинганидан кейин, ундан воз кечган. Боб Боуман Колумбия округида йигирма ёшли йигит билан гомосексуал муносабат билан машғул бўлиб турган ҳолида қўлга тушгач, вакиллар палатасидаги ўрнидан маҳрум бўлган. Президент Эйзенхауэр гейларнинг давлат ишларида ишлашини тақиқлаган, улардан бир қанчасини ҳарбий хизматдан ва фуқаролик лавозимларидан четлатган.

Аммо, Америкада гомосексуализмга нисбатан вазият ўзгарди. Американинг Сан-Франциско шаҳри дунё гейларининг пойтахтига айланди. Альфред Ленсининг 1948-йилда тайёрлаган кўра, американлик 16 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг 10 фоизи гомосексуалдир, эркакларнинг 37 фоизи ўзига жинседош эркакларга мойил. (Буларнинг барчаси туфайли Америка йўқ бўлиб кетади. Олег Платонов, 146-саҳифа). 10 йилдан ортиқроқ вақт ўтгач, бу кўрсаткич 3-4 маротаба ортиб кетди.

Бу 1960 йилда Америкада бошланган жинсий (сексуал) инқилобнинг табиий натижаси ҳисобланади. 1962 йилда олий суд гомосексуалларга хос нашрлар фойдасига хукм чиқарди. Бу эса матбуотга гомосексуализм ҳақида кўпроқ нашрлар чиқаришига ёрдам берди. 1969 йилда 2000дан ортиқ гомосексуаллар Нью Йоркдаги Стоунвол Ин меҳмонхонасида полицияга қарши исён кўтарди. Бу гомосексуаллар оммавий чиқишининг бошланиши бўлиб, бунда улар ўз талабларини илгари суришди. Улар ҳокимиятдан ўз истаклари бажарилишини талаб қилиб, ўзларидан бири «Ҳарфи Малик»ни фаолиятларини бошқариши ва хукуқлари кўлга киритилишини таъминлаши учун масъул қилиб тайинлашди. Улар талаб қилган хукуқлар қуидаги ишларда гавдаланади: Никоҳ шартномаси учун ҳужжат олиш; Бола асраб олиш, уларни мактабларда ва болалар муассасаларида ўқитиш; Гомосексуалларнинг диндорлар ва диндор бўлмаганлар томонидан бўладиган қаршиликлардан ҳимоя қилиниши. Уларнинг байрами 1970 йилдан бери «Қадр-қиммат марши» доирасида ўтказиб келинади. Гомосексуал кўнгиллilar таҳдида остида 1970 йилда Америка психиатрия ассоциацияси «Иккинчи гуманистик

баённома»да гомосексуализм ташхисини потологик касалликлар рўйхатидан чиқариб, 1952 йилда гомосексуаллар учун белгиланган ташхисдан чекинишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, мезон ўзгарди ва «Гомосексуаллардан нафратланиш» энди рухий касаллик деб ҳисобланадиган бўлиб қолди. АҚШнинг демократ президенти 1978 йилда оқ уйда гейлар делегациясини қабул қилди. 1982 йилда Далласда гомосексуал эркак ва аёлларнинг биринчи конференцияси ўтказилди. 1981 йилда Америкада ОИТС пайдо бўлиб, унга чалингланлар сони 3000га етди ва улардан 1283 киши вафот этди.

1983 йилда Массачусетс штатидан сайланган конгресс аъзоси Жерри Стаддс ўзининг гомосексуаллигини ва 16 ёшли боланинг талабига биноан у билан гомосексуал муносабатда бўлганини эълон қилди. Шундай бўлсада, у конгресс аъзолигига яна қайта сайланди. Барни Франк гей бола билан бирга яшашига қарамай, вакиллар палатасида қолди. Ўтган асрнинг саксонинчи ва тўқсонинчи йилларида Америка минглаб гомосексуалларнинг никоҳ шартномасини тузганига ва бола асраб олганига гувоҳ бўлди. 1987 йилда гомосексуаллар 300000 киши иштирок этган намойишга чиқиб, оммавий жойларда ўз хуқуqlари ҳимоя қилинишини талаб қилишибди. 1989 йилда Сан-Францискода гомосексуаллар никоҳи тасдиқланди.

1992 йилда демократик партиядан президентликка номзод Билл Клинтон, ўз рақиби катта Бушдан фарқли равища, АҚШ армиясидаги гейларни ҳимоя қилувчи қонун лойиҳасини илгари сурди. Клинтон ғалаба қозониши биланоқ, «Сўрама, ҳеч кимга айтма» қонунини қабул қилди. Бу қонунга кўра, ҳарбий хизматга чақирилганларнинг гей ёки гей эмаслиги сўралмайди ва модомики гейлар ўзларининг жинсий ориентацияларини яшириб, ошкор қилмас экан, уларнинг армияда хизмат ўташига рухсат берилади. АҚШ армиясидаги гейлар сони 65000га етади. Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Нью Йоркда бўлиб ўтган гей-парадда иштирок этди. («Гомосексуаллик ифтихори» деб номланган биринчи марш 1978 йил 17 майда Сан-Францискода бўлиб ўтган. «Ифтихор» фояси «Гомофобия лугати» китоби муаллифи Луи-Жорж Тэн ташаббуси билан пайдо бўлган. Бутун дунёга гомосексуалларни ва гомосексуализмни қабул қилдириш учун глобал кампания ўтказилган. Уни араб шаҳарларига, жумладан Куддусга кўчириш уринишлари кетмоқда). Таймс газетаси муҳбири «Лесбиян ва Гей Журналистлар Миллий Ассоциацияси»нинг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган йигилишда газета муҳаррирларининг

тўртдан уч қисми гейлар эканлигини маълум қилди. Барни Фрэнк Оқ уйдаги ижтимоий тадбирларга ўзининг гей йигити билан бирга келди.

Хиршфельд томонидан гомосексуаллар иттифоқи ташкил қилиниши ва бутун дунё кўз ўнгидаги пайдо бўлишининг 100 йиллиги (1897-1997) муносабати билан Сан-Франциско губернатори Вилли Браун ҳамда ҳукумат ва конгресс вакиллари иштирокида бутун дунё бўйлаб гомосексуаллар уч ой давомида Сан Францискода йиғилишди. 500-700 минг атрофидаги гомосексуал иштирокчилар ва уларнинг тарафдорлари «Худо барча болаларини севади» деб ёзилган баннерларни кўтариб туришди.

2001 йилда Жон Эшкфорт гомосексуал Жеймс Хормелнинг АҚШнинг Люксембургдаги элчиси этиб тайинланишига қарши чиққани учун Демократик партия сенаторлари томонидан танбех олди ва ҳатто ўлгудек калтакланди. Президент Барак Обамага келсақ, у 2012 йилда гомосексуалистларни қўллаб-қувватлади. АҚШ олий суди гомосексуалларга турмуш қуриш ҳуқуқини берувчи қарор чиқарганида, уларнинг турмуш қуриш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаб, уни «Американинг ғалабаси... севгининг ғалабаси» деб атади. (Гомосексуализм Farb тафаккурида, Нуҳо Аднан Қотиржий, 100-саҳифа). Обама 2008 йилда гомосексуализмга қарши чиққан эди. 2012 йилда уни қўллаб-қувватлагач, гомосексуаллар ўз журналлари муқовасига унинг суратини жойлаштиришди. АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картернинг «Агар Масих бор бўлганида, гомосексуализмга рухсат берарди» деб айтган гапи энг ғалати гаплардан биридир.

АҚШ давлат котибаси (2009-2012), 2016 йилдаги президентлик сайловида АҚШ президентлигига Демократик партиядан кўрсатилган номзод Хиллари Клинтон ўзининг «Оғир танлов» номли китобида бутун бир бобни гомосексуализмга бағишлиб, бу бобни «Инсон ҳуқуқлари-тугалланмаган иш» деб номлади. Бу бобнинг хulosаси шуки, гомосексуализм ва гомосексуаллар «Самнер Уэллис билан бўлгани каби» исталмаган. Хилларининг вазирлиги остида эса, улар олқишиланган. Чунки у «Гомосексуаллар эмас, балки уларни ёмон кўриш йўқ қилиниши керак бўлган ёвузликдир» деган тушунча остида гомосексуал ходимлари, уларнинг қариндош ва танишлари учун зиёфатлар ўюштирган. («Farbning ўлими» китоби, 109-саҳифа, Патрик Бюккенен). Шунингдек, у Оқ уйни бутун дунёдаги гомосексуалларни олқишилашга кўндириди. Бунинг учун бутун

дунёдаги режимларга Америка томонидан қўрсатиладиган ёрдамларни гомосексуализмнинг қабул қилинишига боғлашни ҳамда 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган «Аҳоли конференциясида» аёллар учун квота ажратилгани каби, улар учун ҳам квота ажратишни таклиф қилди. Бугунги кунда президент Байден ва давлат котиби Блинкенning бутун дунё бўйлаб гомосексуалларни ва гомосексуализмни қўллаб-қувватлаши айни шу сиёсатнинг ўзидир.

Капиталистик Фарbdаги судлар ва қонунлар гомосексуализмга қарши чикувчиларни оғзини ёпишга мажбур қилаётган бўлсада, Америка ичкарисида гомосексуализмни ҳаёт ва жамият учун жиддий хавф деб ҳисоблайдиган овозлар янграмоқда. Улар гомосексуаллар бир уйда жамланган шароитда, асраб олинган ўғил ва қизларни нима кутаётганини англағанлари учун гомосексуалларнинг бола асраб олишига рухсат бермасликка чақиришмоқда. Албатта, бу овозларга болаларнинг гомосексуализмга берилиб кетган муҳитда ўсиб улгайиши хавфини ҳис қилган Фарbdаги ақли расо кишиларнинг овозлари уланиши табиий. Ахир, норасида ўғил ёки қиз отасиз икки лесбиян она қўлида ёки онасиз икки лўттибоз ота қўлида қандай ўсиб улгаяди.

БМТнинг гомосексуализмни қўллаб-қувватлашдаги роли: БМТ томонидан 1948 йилда чиқарилган умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси бутун дунё бўйлаб гомосексуаллар ва гомосексуализмнинг қўллаб-қувватланишидаги балонинг боши ҳисобланади. Ташки кўриниши инсон ҳуқуқлари бўлган ушбу декларация гомосексуализмнинг инсон ҳуқуқлари номи остида кириб келишига кенг йўл очди. Декларация инсон ҳуқуқларини, яъни эркак, аёл ва «гомосексуаллар» ҳуқуқларини ўз ичига олади. Бунинг тасдики сифатида, БМТ ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг «демография» мавзусига бағишлиланган конференциялари бошланиб, яширин нарсани фош қилди. Конференцияларда беҳаёларча гомосексуаллар, уларнинг жамоатчилик олдida ошкора чиқиши ҳуқуқлари ва уларга эътиroz билдириласлик хақида гапирилди. Қолаверса, БМТ дунё ҳукуматларини гомосексуализмни жиноят деб ҳисоблайдиган, гомосексуалларни жазолайдиган қонунларини ўзгартиришга чақирди ҳамда бутун дунёга, унинг эътиқод ва динларини заррача ҳисобга олмасдан қарши чиқди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ҳомийлигига бутун дунё бўйлаб ўтказилаётган демографик жараёнларга бағишлиланган

конференциялар берган кўрсатмалари ва илгари суреб, қабул қилган бузғунчи гоялари билан хавфли ролни ўйнади. Бундай бузғунчи гоялар аввал «Европа ва Америка» давлатларида кўлланди. Кейин бутун дунё уларни қабул қилишга мажбурланди ҳамда Европа ва Америка давлатларига эргашишга ундалди. Бу нарса пул, озиқ-овқат, стипендиялар ва булардан бошқа ёрдамларни кўрсатишни ўз ичига олган дастурлар орқали тарғиб қилинди. Изоляция, қамал, уруш ва ҳокимиятдан ағдариб ташлаш билан таҳдид қилинди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти бутун дунёга ўзини ғамхўр қилиб кўрсатиб, Мальтус назариясини қабул килди. (Мальтус – «Одамлар геометрик прогрессияга, ресурслар эса, арифметик прогрессияга кўра кўпаяди. Шунинг учун одамларга ресурслар етишмайди» деган фикрни илгари сурган британиялик иқтисодчи). У туғилишни назорат қилишга чақирган. Фарбда аҳолининг қисқаришига келсак, Мальтус илгари сурган фикрнинг фукароларга таъсири натижасида, улар роҳат-фароғатга интиладиган ва турмуш қуришни ортга сурадиган бўлиб қолиши ҳамда бола туғувчи аёллар озайди). Фарбий Европа ва Америкада аҳолининг қисқариши кузатилаётган бир пайтда, дунёнинг қолган қисми аҳоли сонининг кўпайиши билан улардан ўзиб кетмаслиги учун, туғилишни назорат қилиш ва тартибга солиш орқали аҳоли ўсишини чеклаш бўйича дастурлар ишга туширила бошланди.

1994 йилда демографик жараёнларга бағишлиланган Қохира конференциясида «гендер» (ижтимоий жинс) гояси илгари сурилди. Бу гоянинг асосий мазмуни гомосексуалликни эркак ва аёллардан ташқари учинчи жинс сифатида қабул қилиш, уларга ҳаётдаги табиий нарса сифатида муносабатда бўлиш ҳамда эркак ва аёллар учун қўшимча гомосексуаллик майдонини очишидир. Ажабланарлиси шундаки, 1995 йилдаги демографик жараёнларга бағишлиланган Пекин конференциясида «барча турмуш тарзлари тенгдир» шиори остида ҳар икки жинсдаги 7000 нафар гомосексуал иштирок этди. Гомосексуализм ҳақидаги хужжат тасдиқланиши ортидан улар конференция майдонида марш ўтказишиди.

2006 йилда БМТ Швецариянинг Женева шаҳарида гомосексуаллар учун халқаро симпозиум ўтказди. «Гомосексуал бўлиш ҳукуқи» номи остида ўтган бу симпозиумда 200 нафар Фарб гомосексуаллари қатнашди. Симпозиумда гомосексуализмга қарши диний тўсиқларни қандай енгиб ўтиш мумкинлиги муҳокама қилинди ва диндор гомосексуалларни топиш ечим сифатида таклиф қилинди. Бунинг ортидан 2008 йилда

гомосексуалларни қўллаб-қувватлаш ва уларни жиной жавобгарликка тортувчи қонунларни бекор қилиш бўйича Европа ташаббуси илгари сурилди. 2011 йилда БМТ гомосексуаллар хукуқларини тан олди. SEDAW фояси айни шу шиордан олинди. У эркаклар ва аёллар ўртасидаги камситишларга қарши курашишини даъво қилди. Аслида эса, мактабларда гомосексуалларнинг пайдо бўлиши, уларга ғамхўрлик кўрсатилиб ҳимоя қилиниши учун замин тайёрлади. Қуддус шаҳарида гомосексуалларнинг «ифтихор» кунини ўtkазиш режаси муваффақиятсизликка учраганидан кейин, уларни эркак ва аёллардан ажратмаслик керак деган баҳона билан жамиятлар уларни қабул қилишга мажбурланди.

Кейин Гарбнинг бошланғич мактабларига жинсий таълимни киритиши орқали учинчи қадам ташланди. Бундан мақсад ўкувчиларга сурат, мультфильм ва видеоларни кўрсатиш орқали, уларни жинсий алоқа билан таништириш, уларнинг хатти-харакатларини ўзгартириш ва уларга янги фояларни бериш эди. Бу – ўкувчи бола ва қизларнинг аврат жойларини очиш, синф хонасида жинсий алоқа қилиш орқали амалда қўлланади. Уларга ҳомиладорликни олдини олиш воситаларидан ва перезервативдан фойдаланиш орқали ҳомиладорликдан сақланиш ўргатилади. Улар бир-биридан лаззатланишга, турмуш қурмасликка ёки турмуш куришни кексайиб қолгунга қадар кечикитиришга ундалади. Қизларни туғишини кечикитириш ёки уни умуман инкор қилиш билан никоҳ ва оналикка қарши тарбиялайди. Хоҳлаган пайт ҳеч қандай чекловсиз жинсий алоқа билан шуғулланишига имкон яратади. Ўғил болаларга эркак бўлиб қолиш ёки жинсий аъзосини ўзгартириб, хунасага айланиши ҳақида танлаш хукуқини беради. Хунаса бўлиб олгандан кейин эркаклар билан лўттибозлик қилаверадилар, эркаклар оила қуриб, бир уйда табиий равиша хаёт кечираверадилар! Патрик Бюккенен «Гарбнинг ўлими» китобининг 474-саҳифасида қўйидагича савол ташлайди: «Давлат мактабларида жинсий бузуқликнинг лаззатлари ўргатилса, маданиятимиз заҳарлансан... бундай аҳволга рози бўлишимиз керакми? Бу – биз хурмат қилишимиз керак бўлган «ранг-баранглик»ми?... Ҳар ҳолда, бу ўз-ўзидан пайдо бўлмади. 1999 йилда Гагада мактаб ўкувчиларига тегишли қонунлар доирасида жинсий ва репродуктив хукуқларини ўргатишга чакирган конференция бўлиб ўтди. 2013 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мактабларда жинсий таълим беришга, шунингдек, ўсмир қизларнинг ҳомиладорликни олдини олувчи воситалардан

фойдаланишига ва аборт қилдиришига рухсат беришни ўз ичига олган келишувни тасдиқлади. 2015 йилда БМТнинг «Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача барқарор ривожланиш лойиҳаси» номли резолюцияси қабул қилинди. Бу резолюция бутун дунё бўйлаб гомосексуализмни қўллаб-кувватлашга қаратилди.

### Черковнинг гомосексуализм ва гомосексуалларга нисбатан позициясининг ўзгариши

Насронийлик жиддий ахлоқий ўзгаришларга гувоҳ бўлди. Черков баччавозликни яратувчининг қонунига тўғри келмайдиган, файритабиий, ахлоқсизлик ва жиноят деб ҳисоблар эди. Унинг наздида бундай иш жирканчли, уни қабул қилган жамият тубан бўлиб, бундай жамиятни ислоҳ қилишни ўз бурчи деб биларди. Буларнинг барчасидан кейин, черков баъзи ходимларининг хижолатомуз норозиликлари ва ҳукуматларнинг босимлари ортидан баччавозликни файритабиий ва файриахлоқий деб ҳисоблашдан уларнинг бундай файритабиий ишларига баракот сўраб дуо қилишга ўтди. Бундан ташқари, катта ва кичик ёшдаги черков зиёратчилари билан файритабиий жинсий муносабатда бўладиган руҳонийлар бор эди. Бундай ишлар Германиядаги 170 нафар руҳоний, жумладан, Ватикан Папаси Францискнинг укаси томонидан тўртга черковда бошланди. Кейин Австралия, Америка, Ирландия, Хорватия, Словения ва Италияда давом этган. Уларнинг бу қилмишлари янги минг йилликнинг бошларида фош бўлган. Ҳатто Ватиканнинг штаб-квартирасида лўттибоз эркакларнинг борлиги маълум бўлган. 2004 йили Ген Робинсон Американинг Нуи-Хемпшир епархияси епископи этиб тайинланган. У машхур лўттибоз бўлган. Швеция черкови лесбиян аёлни руҳоний этиб тайинлаган. 2003 йили Кентербери архиепископи Роун Вилямс шундай деган эди: Бир жинсли икки шахс орасида жинсий алоқа никоҳланган икки шахс орасида бўлгани каби Худонинг хам севгисини акс эттиради. (Фарбдаги лўттибозлик. 55-саҳифа).

Гомосексуалларнинг касалликлари:

Ибн Можжа ўз «Сунан»ида Абдуллоҳ ибн Умар Росулуллоҳ ﷺдан ривоят қилган беш хислат тўғрисидаги ҳадисни келтиради. Бу ҳадисда шундай келади:

«... لَمْ تَظْهِرْ الْفَاحِشَةُ فِي قَوْمٍ قَطُّ حَتَّى يُعَلِّمُوا إِلَّا فَشَا فِيهِمُ الظَّاعُونُ وَالْأَوْجَاعُ الَّتِي لَمْ تَكُنْ مَضَتْ فِي أَسْلَافِهِمُ الَّذِينَ مَضَوْا..»

«... Агар бирон бир қавмда зино ошкор қилинса, уни очиқдан-очиқ қиласидиган бўлсалар, уларнинг орасида ўлат ва ўтган отабоболарида бўлмаган касалликлар тарқалади...».

Гомосексуаллар қариндошлари, болаликдаги дўстлари ва ишдаги ҳамкаслари орасида ўзларини айбдор ва камситилган деб билишади. Уларда ўзларига нисбатан ишонч бўлмайди ва гомосексуал бўлганлари учун уялишади, ўзларини ёлғиз хис қилиб, уларнинг гомосексуаллигини билган ва улардан узоқлашган жамиятдан ажралиб қолишади.

Кариндошларининг қайғу ва қувончларига шерик бўла олмаганликлари учун қайғуга тушишади. Улар руҳий тушкунликдан азият чекишидаги ўзларидан жирканишади. Ўзларининг табиий хилқатдаги тенгдошларидан кўра кўпроқ ўз жонига қасд қилиш ҳақида ўйлашади. Чунки уларнинг психологияси бузилган ва бекарор бўлади. Буларнинг барчаси Америка, Франция, Британия ва булардан бошқа мамлакатларда гомосексуаллар устида ўтказилган бетараф тадқиқотлар хulosаларидир. Гомосексуаллар томонидан молиялаштирилган тадқиқотлар хulosаларида эса, улар баҳти ва ўзларининг гомосексуаллигидан мамнун қилиб кўрсатилган.

Гомосексуал эркаклар гомосексуал бўлганларни натижасида кўплаб органик касалликлардан азият чекишидаги. Бундай касалликлар бошида гонорея, сифилис ва герпес (гомосексуаллар орасида кенг тарқалган, ўсиб кўпаядиган қизил яралар билан ажралиб турадиган мияда оғир асоратлар билан кечадиган ўта оғир жинсий касаллик) каби касалликлар, шунингдек, гомосексуалларнинг 73-75 фоизи орасида кенг тарқалган ОИТС касаллиги туради. Файритабии жинсий муносабатларда ишлатиладиган суюқлик мойлардан фойдаланиш натижасида гомосексуаллар анал саратон ва сурункали простатит касалига чалинишади. Лесбиян аёллар бактериал вагиноз, вагинал замбуруқлар, одам папилломавируси (юздан ортиқ турга эга вируслар гурухи), трихомоноз (жинсий йўл билан ва хўл нарсалар, масалан, сочиқ ва кийим орқали юқадиган паразитар касаллик), герпес (инкубация даврида вирусни ташувчи аёлдан юқадиган вирусли касаллик), гонорея ва сифилис касалликларидан азият чекишидаги. Гомосексуаллар орасида яна бир қанча касалликлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, улардан энг хавфлиси оғиз ва тил саратонидир. (Оғиз ва тилда пайдо бўладиган оқ доғлар тезда саратонга айланади. Бу касаллик гомосексуал бўлмаганларда учрамайди).

Гомосексуалларга нисбатан дунё қаёққа қараб кетмоқда?

Лут ﷺ ўз қавмини соғлом фитратга қайтиш ва қилаётган ишларини тарқ этиш орқали Аллоҳнинг амрига жавоб беришга

чақирганида, қавми унга қандай жавоб қилган эди? Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمٍ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَخْرِجُوهُمْ مِنْ قَرِيَّتِكُمْ إِنَّهُمْ أُنَاسٌ يَتَظَاهَرُونَ﴾

«Қавмнинг жавоби эса фақат мана бундан иборат бўлди:

«Уларни (яъни Лут ва тобеъларини) қишилогингиздан чиқариб юборингиз! Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан»»

[Аъроф 82]

Улар ораларидан Лутни қувиб чиқаришни тўғри деб ҳисоблашганди.

Гомосексуаллар ўз ҳаёт тарзларини бутун дунёга мажбуран жорий қилишга ҳаракат қилишмоқда. Улар дунёning турли бурчакларида гомосексуалларга қўлланиб келган ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, очиқ майдонга эга бўлиш учун дунёга босим ўтказиш орқали ўз мақсадларига олиб борадиган йўлнинг ярмини босиб ўтдик деб билишмоқда. Ўз олдиларидағи тўсиқларга барҳам бериш учун Америка, Европа давлатлари, Канада ва Австралиядан бошлаб Ғарб олами давлатларига кириб боришид. Улар ўз йўлларидағи енгиб бўлмас тўсиқ бўлмиш «Ислом» томон кетишимоқда. Зеро, Ислом уларни қабул қилмайди ва Унинг улар борасидаги ҳукми барқарор бўлиб, замон ва макон уни ўзгартира олмайди. Шунинг учун улар ўз ўқларини Исломга қаратиб, мусулмон мамлакатлардан гомосексуалларни қидириб топиб, уларни ҳимоя қилишга ва улар учун режа тузиб, уларга йўл кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.

Араб дунёсидаги гомосексуаллар Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади. Чунки бу ташкилотлар бутун дунёдаги гомосексуаллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳамда гомосексуализмни жиноят деб ҳисоблаган конунларини ўзгартиришлари учун давлатларга босим ўтказишни ўз зиммаларига олишган. (Ғарб тафаккурида гомосексуализм, 349-санахифа).

Британия бош вазири Дэвид Кэмерон гомосексуаллар ҳуқуқларини тан олмаган давлатларга санкция жорий қилинишини айтиб, Commonwealth робитаси (Британия бош 53 давлатни ўз ичига олган ташкилот) раҳбарларига таҳдид қилди. Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр ҳам ўз ҳукмронлиги даврида гомосексуаллар ҳуқуқларини кафолатлашга эришганини фахр билан эълон қилган эди.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, бироз фарқ билан гомосексуализмни маъқуллаган ва бунда ёмонликни кўрмаганлар

ёлгиз европалик ва америкаликлардир. Айни пайтда гомосексуализм Осиё, Африка, Россия ва Лотин Америкасида маъқулланмайди.

Бугун Гарб бутун оламга нисбатан олиб қараганда, инсонлар олдига жуда зийнатланиб чиққан кишига ўхшайди. У киши одамлар орасида юраркан, кимлардир унга ҳасад қилади. Кўп ўтмай кийимлари орасидан унинг авратлари кўриниб қолади. Одамлар унинг очилиб қолган авратига ишора қилишади. Шунда у қараб, очилиб қолган, осилиб қолган авратини ўз кўзи билан кўради. Бироқ, у ҳеч нарса бўлмагандек, буни оддий ҳол билиб, ўз йўлида давом этади.

### **Хотима**

Капиталистик мабдадаги динни ҳаётдан ажратиш ақидаси одамлар турмуш тарзида ахлоқий бузукликнинг пайдо бўлишидаги асосий сабабчи бўлди. Одамлар турмушида пайдо бўлган ахлоқий бузуклик гомосексуал муносабатлар билан ошкора шуғулланишгача етиб борди, шунингдек, заволга юз тутган ҳазоратларнинг энг кўзга кўринган хусусиятига айланди. Бу эса, давлат томонидан одамлар ҳаётини тартибга солинишида динни четлатилишининг табиий натижаси ва капиталистик ҳазоратнинг меваси бўлди. Дин ҳаётдан четлатилган бир манзарада шахс эркинлиги одамларни тубсиз жар ёқасига олиб келди.

Тарих такрорланади. Қаерда ахлоқий таназзул бўлса, одамлар хоҳлайдими ёки хоҳламайдими бундан қатъий назар, охир-оқибат ҳалокат юз беради. Гомосексуалларнинг борлигини ва уларнинг фаолиятини олқишилаган мамлакатлар ҳалокат ёқасида турибди. Чунки улар Лут қавмига азоб тушган пайтдаги ўзларининг илк ҳаёт тарзларини такрорлашмоқда. Улар ўз бузукликларини зулмат коронғисида қилиш билан қаноатланмай, Аллоҳга очиқчасига осийлик қилишмоқда. Аллоҳнинг уларга Ўз азобини тушириб, дунё бошқаруви ва сиёсатини улардан бошқаларга ўтказиб беришига оз қолди.

Дунё уни қабул қилишга мажбур қилинаётган гомосексуализмга таслим бўлганлар иймонлари заиф ва ўзлари заиф бўлганлари учун унга қарши тура олмадилар. Улар бузуклик, беҳаёлик ва гомосексуализмни рад эта олмадилар. Аммо ҳақни айтувчи, ҳақда собит туриб ботилга қарши чиқувчи, Аллоҳга ва Мухаммад нинг энг сўнгги пайғамбар эканлигига иймон келтирган садоқатли мўминларга келсак, улар ўзларини ва бошқа инсонларни дунё шармандалигидан ва охират азобидан қутқарадилар.

Бу – лўттибозлиқ балчигига ботишни истамаётган олам учун йўлланган номадир, токи, дунё соғлом фитратнинг бузилишига қарши қатъий тура олсин... Бу – Ислом низомига мувофиқ бошқарадиган сиёсий вужудни яратиш учун жиддий харакат қилиш мухимлиги тўғрисида мусулмонларга йўлланган номадир. Зеро, Ислом низоми гомосексуализмни мусулмонлардан йироқлаштиради... Бу – қувват эгаларига, аҳли донишларга, фаолларга ҳамда Аллоҳга ва Росулуллоҳ ﷺнинг энг сўнгги пайғамбар эканлигига иймон келтирган мўминларга йўлланган номадир... Нома мазмуни шуки, орангизда гомосексуалларнинг бор бўлишига сукут сақлашингиз сизлар томондан содир бўлиши мумкин бўлмаган хавфли ишдир. Қуртубий Аъроф сураси тафсирида Лут қавми хақида шундай дейди: «Иккинчисига келсак, уларнинг баъзилари (бузуқликни) қилувчи, баъзилари эса, (бузуқликка) рози эди. Шунинг учун бузуқликка сукут сақлаш оммавий бўлгани боис ҳаммаси жазоланди. Бу Аллоҳнинг ҳикмати ва бандалари учун қўйган суннатидир. (Бузуқликни) қилувчиларни жазолаш масаласи давомий сақланиб қолади». Бу сизлар ҳамда маъсият ва гомосексуализмдан нафратланганлар учун хушхабардир. Шунинг учун пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳнинг динига ёрдам беринг. Сизлар учун Аллоҳнинг нусрати яқиндир. Чунки сизларнинг кучли таянчингиз бор. Гомосексуаллар учун эса, шайтоннинг макридан бошқа таянч йўқ.

﴿إِنَّ كَيْدَ الْشَّيْطَانِ كَانَ ضَعِيفًا﴾

**«Шубҳасиз, шайтоннинг макри заиф бўлгувчиidir»** [Нисо 76]

Чунки сизларнинг қаршингиздагилар шайтони лайн уларга ғолиб келган бир гуруҳ хунаса ва гомосексуаллардир. Сизлар эса, соғлом фитратли, содик иймонли ва ҳаққа эргашувчи кишиларсиз. □

## «ЯНГИ» АТЕИЗМ... ИЖТИМОЙ ФЕНОМЕНМИ ЁКИ ЯШИРИН РЕЖА?

Наср Фаёз – Абу Иброҳим  
Қилқилия – Муборак Фаластин замини

Америка ва Европадаги капиталистик Farb давлатлари Исломни йўқ қилиш ва унинг ҳокимиятга келишига йўл қўймаслик кампанияси доирасида мусулмонларга қарши олиб борган шиддатли моддий урушларда муваффакиятсизликка учраганидан кейин, фикрлар урушини бошлаб юборди. Мусулмонлар билан бўлган ушбу қарама-қаршилик бобларидан (босқичларидан) бири атеизмни рағбатлантириш ва уни мусулмон мамлакатларда кенг ёйилган феноменга айлантириш устида иш олиб бориш эди. Америка коғир Farb найзасининг учи (бошчиси) сифатида ушбу қарама-қаршиликда турли воситаларни ишга солди. Исломни шубҳа остига қўйиш ва уни йўқ қилиш, шунингдек, уни бошқарувдан ва татбиқ этилишдан узоқлаштириш учун унга қарши уюштирилган ва тизимли кампаниялар бошланди. Ўн биринчи сентябр воқеаларидан ва террорга қарши уруш номи остида Исломга қарши уруш эълон қилинганидан кейин, Америка Ислом дунёсида атеизмни қўллаб-қувватлашга эътиборини қаратди. У ўз мақсадларини амалга ошириш учун ўзи қўллаб-қувватлаган ва рағбатлантирган атеизм тушунчасини кенгайтирди. Шундай қилиб, «янги атеизм» атамаси кенг қўлланадиган бўлди ва уни энг кўзга кўринган феноменга айлантириш устида иш олиб борилди.

«Янги атеизм» атамаси билан илгари сурилаётган атеизм тушунчасига яхшироқ ойдинлик киритиш учун Аллоҳдан тавфик сўраган ҳолда, қуидагиларни айтамиз:

- (الحاد) атеизм)нинг лугавий маъноси: мақсаддан чекиниш ва бирор нарсадан юз ўгириш. Унинг ўзаги «الحاد» бўлиб, қабр учун қазилган чуқурни англатади. Луғатда (الحاد) сўзидан «мақсаддан ва ҳақдан юз ўғирганлар» иродада қилинади.

Дин ва секталар илми терминологиясида атеизм – коинотни яратган яратувчи борлигини инкор этадиган фикрий мазҳаб (йўналиш) бўлиб, бу ном юонча «atheos» сўзидан олинган ва у «худосиз» деган маънони англатади. Википедия энциклопедиясида ҳам «атеизм» таърифida айни шу маъно келтирилган. Демак, атеизм атама сифатида «динни инкор этиш ва бу инкорнинг асли Худонинг борлигини инкор этиш» деган маънони англатади.

Аммо атеизмнинг замонавий маъносига (янги атеизмга) келсак, унинг маъноси кенгайтирилди. Яъни замонавий атеизм – уларнинг айтишича – гуманистик фикрларни қабул қилиш учун диндан ва

унинг чекловларидан воз кечишиң англатади. Бу фикр эркак ва аёл хукуқини таъминлайди, плюрализм ва ранг-барангликни кафолатлайди ҳамда шахслар ва уларнинг фикрлари мустақиллигини қўллаб-кувватлади. Бу маъно илм-фанни муқаддаслаштирадиган ва динни эътибордан четда қолдириб, уни ҳаётдан ажратадиган илмонийликка мос келади. Чунки илмонийлик диннинг тан олиниши ёки инкор этилишига аҳамият бермайди.

Илм-маърифат гуллаб яшнаган даврдан кейин Фарбдаги фикрий ўзгаришлар натижасида пайдо бўлган материалистик атеизм «замонавий атеизм» деб номланди. Чунки бундан олдин Европа бундай атеистик фикрларни билмагани ҳамда динга ишониш жамиятда устунлик қилгани учун унга (атеизмга) «замонавий» деган ном берилди.

Янги пайдо бўлиб, унга «замонавий материалистик атеизм» номи берилган атеизм, биринчи навбатда, Аллоҳнинг борлигини инкор этишига асосланади. Атеистлар унга илм-фан, аниқ тадқиқотлар, тажриба ва ўрганиш орқали эришишганини даъво қилишади. Социалистик, шу жумладан, коммунистик фикр айни шу атеизмга асосланган.

Ўн биринчи сентябр воқеаларидан кейин Фарбдаги тадқиқотчи ва олимлар томонидан янги ёки замонавий атеизм атамасининг қўлланиши, атеизм тушунчаси кенгайишининг натижаси бўлди. Чунки ғарблик тадқиқотчи ва олимлар Фарбдаги атеизм феноменини ҳамда атеистлар сони қўпайишини ўрганишар экан, уни ҳар хил турлар ва шаклларга кенгайтиришган эди. Ушбу турлар ва шаклларни қамраб олиши учун атеизм тушунчаси ҳам кенгайтирилди.

Ушбу атамага биноан, уларнинг наздида атеизм жуда кўп тур ва шаклларга эга бўлиб қолди. У ғарблик олимлар, профессорларнинг динсизлик хақидағи дарсликлари қаторидан ўрин олди. Ёзувчилардан бири атеизмнинг тадқиқотчи ва олимлар томонидан илгари сурилган тур ва шаклларининг бир қисмини қўйидагича келтиради: «Атеист: у динни ва Худонинг борлигини инкор қилувчи кишидир... Динсиз: бу сўз динга ишонмайдиган кишини англатсада ва унга кўра динсизнинг Худо борлигини инкор этиши зарурат бўлмасада, қўпчилик атеистлар томонидан бу ном афзал кўрилади... Антитеист – Худога, динга ва диндорларга душманона муносабатда бўлган атеист... Деист – коинотни Худо яратган деб ишонадиган, Аммо Унинг динлар орқали одамлар билан боғланишини инкор этадиган киши... Агностик – улуҳият ва ғайб

масалаларини исботлаш ва уларга ҳужжат келтириш ҳам, уларни инкор этиш ҳам мумкин эмас деб, ишонган киши. У бу нарсаларни ақл идрок қилишдан ожиз деб билади... Скептик – улухият далилларини қаноатлантириш учун етарли эмас ва айни пайтда уларни эътиборсиз қолдириш ҳам мумкин эмас, деб биладиган киши... Илмоний (секуляр) эса, секуляризм моддий илм ва ақлга асосланган ҳаётни ўрнатишга ҳамда манфаатни диндан ташқарида деб ҳисоблашга чақиради. У шахснинг диний эътиқодига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган сиёсий атамадир...».

«Атеизм шакллари: атеизмнинг шакл ва турлари у билан боғлиқ тадқиқот ва изланишларга кўра фарқланади. Бу ерда мен у ҳақда ўзим билганишларимнинг бир қисмини келтираман ва уларни алоҳида тартибда санаб ўтаман. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг баъзилари бошқа баъзиларини ўз ичига олади. Табиийки, уларнинг аксарияти пайдо бўлиш сабаби ва мотивларида бир-бирига ўхшагани учун ўзаро бир-бири билан туташади: 1 – Фалсафий атеизм... 2 – Илмий атеизм... 3 – Кучли атеистик фикр... 4 – Кучсиз атеистик фикр... 5 – Мутлақ атеизм... 6 – Жузъий атеизм... 7 – Фатализм ва нигилизм... 8 – Ўткинчи атеизм... 9 – Ҳақиқатни изловчи атеизм... 10 – Қасоскор атеизм... 11 – Исёнкор атеизм... 12 – Коммунистлар... 13 – Диндан қочувчилар... 14 – Скептиклар...». Мақоладан олинган иқтибос тугади.

Юқорида айтилганлардан шуни кўрамизки, атеизм энди динни ва Худонинг борлигини инкор этишни англатмайди. Аксинча, у бир қатор кўриниш ва шаклларга эга бўлиб қолдики, уларни кўллаб-қувватлаш устида иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда Америка ёйишга ҳаракат қилаётган атеизм капитализм, либерализм ва Фарбга тақлид қилишдир. У ёйилишида дадиллиги ва ошкоралиги билан ажralиб туради. Унда дин ва қадриятларга жиддий карши чиқиш бор. Шунингдек, унда матнлар, тарих ва муқаддас рамзларнинг рад этилишига эътибор қаратилган. У ижтимоий тармоқларни ёйилишнинг асосий майдони қилиб олди ҳамда инсонпарварлик, оламшумуллик, хукуқларни ҳимоя қилиш ниқоби остида иш тутади ва ўзини тараққиёт кафолати сифатида намоён этади.

Шундай қилиб, атеизм феномени ҳақида глобал феномен сифатида гапириладиган бўлиб қолди. Дунёнинг аксар давлатларида у мониторинг қилинади ва у ҳақда статистик маълумотлар берилади. Бошқа статистик маълумотларда мусулмонлар улуши энг паст кўрсатгичда кўрсатилган, мусулмонлар сонини ҳисобга олганда атеистлар сони деярли йўқ

бўлган бўлсада, мусулмон мамлакатлардаги атеистлар сони атайлаб бўрттириб кўрсатилади. Тадқиқотлардан бирига кўра, Яқин Шарқ динга ишонувчилар энг кўп бўлган минтақа ҳисобланган. Айни шу тадқиқотда кўрсатилишича, дунё ахолисининг 84 %дан ортиғи самовий динга эргашувчилар ёки қандайдир бир эътиқод ёки нарсага ишонмайдиганлардир. Аммо колганлари эса, мутлақо бирон бир нарсага ишонмайдиганлардир. 2010 йил давомида дунёнинг 230та давлат ва географик минтақасида 25000дан ортиқ статистик маълумотларни йигиш кампаниясида улар ўзларини шундай таснифлайдилар. Бундан кўриниб турибдики, Арабия веб сайтига кўра, Яқин Шарқ ахолиси энг кўп динга ишонувчилар ҳисобланади.

Американинг динлар ва эътиқодларга ихтисослашган «Bio Forum for Religion and Public Life» тадқиқот маркази олиб борган кампания натижасида атеизм сони бўйича дунёда насронийликдан ҳамда энг тез тарқалиб бораётган ҳақ дин бўлган Исломдан кейинги учинчи динга айлангани тасдиқланди. Британиянинг Би-Би-Си ахборот агентлиги берган тадқиқотга кўра, атеизм муайян давлатларда феномен бўлиб, ундан умуман Farb давлатлари азият чекмоқда. Бу жамиятлар динни ҳаётдан ажратадилар ва динни умуман қадрламайдилар. Мусулмонларга келсак, улар орасида атеизм яққол кўзга ташланмайди. Британиянинг Би-Би-Си ахборот агентлиги бу ҳақда қуйидагича маълумотни беради: «... Бошқа тадқиқотларга кўра, атеизм кўрсаткичи Европада ва Шаркӣ Осиёда жуда юқори. Рухларнинг, Худо ва ташқи кучларнинг борлигига ишонмасликларини айтганлар Францияда 40 %, Британияда 39 %, Швецияда 34 %, Норвегияда 29 %, Германияда 15 %, Голландияда 25 %, Австрияда 12 %ни ташкил этади. Рух ёки қандайдир куч борлигига ишонишини айтиётгандарнинг сони кўпроқ. Улар динсизлар ёки агностиклар деб аталади. Шаркӣ Осиёдаги нисбат қуйидагича: Хитой 61 %, Жанубий Корея 47 %. Японияда эса ҳолат жуда мураккаб. Чунки у ерда бир киши бир вақтнинг ўзида бир нечта эътиқодни қабул қилган. Шимолий Америкада эса қуйидагича: Кўшма Штатларда ўзларини атеист деб ҳисоблаганлар 12 %, Агностиклар 17 %, қандайдир рух борлигига ишонадиган, бироқ динсиз бўлганлар 37 %, Канадада 28 %». Би-Би-Си.

Мусулмон мамлакатлардаги атеизмни кузатган киши унинг табиий бўлмаган ҳолат эканлигини билади. Атеизм мусулмон мамлакатлардаги жамиятларда салмоқли фоизни ташкил этмайди. Унинг кенгайиб бораётганидан қўрқитиш ва уни бўрттириб

кўрсатишдан сиёсий мақсадлар кўзланган. 2014 йилда Саудия оммавий ахборот воситалари «Ueyn Gallup» Халқаро тадқиқот институти томонидан ўтказилган тадқиқотни тарқатди. Унда маълум қилинишича, 5 %дан 9 %гача бўлган саудиялик ўзининг атеист эканлигини билдирган. Бу бўрттирилган статистика. Миср фатво идорасига қарашли тақфирий фатволар обсерваторияси (Ислом оламида мавжуд, гарбга қул давлатларга қарши фикр билдирадиган ва уларга қарши курол ишлатишга тарғиб қиласидиган кишиларни, ҳаракатларни кофирга чиқарадиган ташкилот) «Глобал» институтнинг «Ред Си» маркази томонидан берилган бутун дунё мамлакатларидағи атеизм индексига оид рақамларга ойдинлик киритган ҳисоботни нашр қилди. Ҳисоботда «Ueyn Gallup» институти томонидан берилган рақамлардан бошқа рақамлар кўрсатилган. Ҳисоботда келтирилишича, Саудияда 170та, Мисрда 866та, Марокашда 225та, Тунисда 320та, Ироқда 242та, Сурияда 56та ва Ливияда 34та атеист бор... Бу статистикадан кўриниб турибдики, Ислом мамлакатларида атеистлар онда-сонда учраб туради.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Мисрнинг «Daily News» веб-сайтига кўра, Миср фатво идораси атеистларни уч гурухга бўлган:

**Биринчи:** Ислом динига зътиroz билдирамайдиган, аммо, диннинг сиёсатлаштирилишини рад этиб, илмоний давлат қуришга чақирадиган атеистлар.

**Иккинчи:** Исломни дин сифатида бутунлай рад этадиган атеистлар.

**Учинчи:** Исломдан чиқиб, бошқа динга кирганлар.

Шу ўринда Ироқни ва у ердаги атеистлар сонини мисол қилиб келтирамиз. «Ироқда динсизлар ва атеистлар сони қанча» сарлавҳаси билан берилган мақолада зиддиятли статистик маълумотлар келтирилган. Унда шундай келади: «... Ироқда 18 ёш ва ундан катта ёшдагилар сони 18 миллионга яқин. Атеистлар сони ҳақидаги у ер, бу ердаги тахминлар бир-биридан фарқ қиласиди. Айтилишича, Ироқнинг дунёдаги еттинчи энг диндор давлат экани ҳисобга олинса, уларнинг сони нольдан иборат. (БМТнинг статистик маълумотларига кўра, у ерда диндорлик даражаси 88 %ни ташкил этади). Ал-Азҳар тахминига кўра, уларнинг сони 242 кишидан ошмайди. Тахминан икки йил олдин атеистлар сонига оид рақамларни эълон қиласиди. Голланд тадқиқотчисининг тахминига кўра, уларнинг сони 400 билан 500 оралиғида эканлиги айтилади. Ўтган ой бошида Ироқнинг деярли барча веб-сайтлари «Ироқда Худонинг ўлими» сарлавҳаси остида

Хуан Коул исмли америкалиқ блогер томонидан тайёрланган статистик маълумотларни тарқатди. Ундаги маълумотларга кўра, 32 % ироқлик, яъни 6 миллион киши атеистдир. Бу рақам жуда бўрттирилган ва жуда кулгили. Бирок, сўров Курдистонда ўтказилган бўлиши мумкинлиги ва бутун Ироқ воқелигини акс эттирмаслиги эътибори билан, биз бу рақамларни шубҳа остига олган мақола ва нашрларга гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари, сўровнома ортида турғанлар номаълум ва уларнинг ҳақиқатини аниқлаш ҳам мумкин эмас. Сўровноманинг асл нусхасини кидириш ва ундаги рақамларни қайта кўриб чиқиш билан ҳам ҳеч ким шуғулланмаган. Яратувчи борлиги ёки йўклигига шубҳа қилувчиларнинг ҳаммасини атеистлар ва динсизлар қаторига қўшишимиз ҳам мумкин эмас.

Шунинг учун биз бу борадаги тадқиқот ва статистик маълумотларнинг камлигини, ишончли эмаслигини ва улар Гарб томонидан бўрттириб кўрсатилаётганини кўрамиз. Биз биламизки, бундай статистик маълумотлар атеистик электрон сайтлар ва уларни кузатувчилар сонига таянади. Бу соҳадаги мутахассислар ва кузатувчиларга маълум бўлган кўплаб объектив сабабларга кўра, улар аниқ ёки ишончли статик маълумотлар эмас.

Шунга кўра, айтишимиз мумкинки, Гарб атеизмни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали уни бир феномен сифатида кўрсатиш, шунингдек, атеизмни ёки динларни менсимасликни жиноят деб ҳисобламаслик учун қонунларни ўз фойдасига ўзгартириш устида иш олиб бормоқда. У болаларни ҳимоя қилиш қонуни ва SEDAW конвенцияси каби атеизмни рағбатлантирадиган баъзи қонунларни киритиб, уларни амалга оширишга, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уни рағбатлантириб тарқатишга ҳаракат килмоқда. Би-Би-Си ахборот агентлиги 2015 йилда олиб борган тадқиқотга кўра, бу борада инглиз ва араб тилида фаолият қиладиган юзлаб ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари бор. Бу эса, атеизмга ва атеистларга ҳақиқатан ҳам катта имконият беради ҳамда уларнинг бузук тезисларини ривожлантириш ҳисобланади. Саудия Арабистони март ойида суриялик алавий тоифасидан бўлган атеист Адонис (Али Аҳмад Сайд)га мезбонлик қилди. У араб мамлакатларида замонавийлик таълимотининг биринчи тарғиботчиси ҳисобланади. Адонис (Али Аҳмад Сайд) «турғун ва ўзгарувчан» сарлавҳаси билан Ливандаги «муқаддас Юсуф» университетида докторлик даражасини олиш учун тақдим этган диссертациясида Ислом тарихига, динга ва

ахлоққа ҳужум қилди ҳамда Аллоҳ Азза ва Жаллага уруш қилишга очиқ даъват этди. У олқишилар билан кутиб олинди ҳамда Риёз, Тоиф ва Жидда шаҳарларида лекция ўқиди. Бу Америка Ғарб томонидан Исломни бузиб йўқ қилиш ва атеизмни қўллаб-кувватлаш учун ишлаб чиқилган сиёsat доирасида бўлди. Унинг айтганларидан олинган иқтибос: «Ислом жамоий дин ёки давлат динига эмас, балки индивидуал динга айланиши керак. Бусиз тараққиётга эришиб бўлмайди». «Бугунги кунда Исломда ақлли кишилар йўқ ва Ислом маданиятдан маҳрум. Атеизм эса, ижтимоий, маданий ва инсоний ўзгаришлар учун ташланган асосий қадамдир».

### **Американинг «Исломни ислоҳ қилиш» номи остида Исломни йўқ қилиш ва атеизмни ёйиш стратегияси.**

Америка стратегияси бир қанча мақсадларга асосланади, жумладан:

1 – Исломни ислоҳ қилиш: Бундан Куръон матнларини, шунингдек, диний нутқни янгилашга чақириш орқали уни (диний нутқни) ўзgartириш кўзланади.

2 – Ислом ҳукмлари, Пайғамбар ﷺ суннатлари, Ислом фиқхи, Ислом тарихи, саҳобалар, буюк пешволар ва олимларни шубҳа остига қўйиш ҳамда уларга нисбатан ишончсизликни пайдо қилиш. Динни шубҳа остига қўйиш учун ихтилофни ёйиш ҳамда унинг муқаддаслигига барҳам бериш ва унга қарши журъат қилиш орқали мусулмонлар қалбидан уни ўчириш.

3 – Исломий сиёсий лойиҳага зарба берib, унинг муваффақиятсизлигини тарғиб қилиш ҳамда муваффақиятсизликни Исломнинг ўзи ва бошқаришга қодир эмаслиги билан боғлаш.

4 – Илмонийликка, янги атеизмга чақириш ва муштарак инсоний қадриятлар дея номланган қадриятларни ёйиш, шу жумладан, иброҳимий динига, шунингдек, БМТни янги дин деб хисоблашга чақириш.

Ушбу стратегияни амалга ошириш учун Америка таълим программаларини ўзgartириш, оммавий ахборот воситаларига йўлланма бериш, ушбу вайронкор фикрларни кўтариб чиқаётганларни таниқли қилиб кўрсатиш, бу чақириқларни тарғиб қилиш, мақола ва китобларни нашр этиш устида иш олиб борди. Айниқса, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва гуруҳлар, ютуб каналлари орқали кибермаконга алоҳида эътиборини қаратди. Шу ўринда айтишимиз мумкинки, бизнинг юртлардаги атеистлар уюшмалари ва гуруҳлари халқаро тармоқларга уланган ва Ғарбдан ёрдам олади.

Бу соҳада Фарб фойдаланган энг хавфли қуроллардан бири динда илмий даражага эга бўлганлар, мансабдорлар, журналист (ёзувчи)лар ва муфаккирлар дея номланган кишилар орасидаги Фарбга малай мунофиқлардир. Уларнинг роли хавфли, ишлари фаразли ва макрлидир. Чунки улар Исломни шубҳа остига қўйиш, унинг асослари ва аҳкомларига, унга алоқадор сақофат ва шахсияларга нисбатан ишончсизликни пайдо қилиш мақсадида унга ҳужум қилишади. Шунинг учун биз кўрамизки, улар Исломга алоқадор бўлган ҳар бир нарсани шубҳа остига қўйишга... мусулмонлар қалби тўридан жой олган саҳобалар, олимлар ва етакчиларнинг намунавийлигини йўқ қилишга... исломий ўзликни ва тарихни бузиб кўрсатишга... шариатнинг исломий ақида, аҳкомлар ва фикҳдаги ўзгармас асосларини хирадаштириб, шубҳа остига қўйишга... Росулуллоҳ ғанинг суннатларини ва уни тўплаган имомларни обрўсизлантиришга ҳаракат қилишади. Айни шу вактнинг ўзида, ақлдан фойдаланиб, шаръий нусусни тарқ этишга ҳамда ёлғондан умуминсоний деб аталган илмоний фикрларга тарғиб қилишади.

АҚШ ҳукуматига қарашли Ранд корпорацияси 2003-2004 йиллар учун тайёрлаган ҳисоботида қуидагича маълумот беради: «Инноваторлардан (Ранд мусулмонларидан) намунавий шахсларни яратиш... Уларни тарбиялаб, замонавий исломнинг юзи сифатида кўрсатиш. Кофирлиги, муртадлиги ёки хоинлиги учун хибсга олиниши мумкин бўлган RAND мусулмонларини фуқаролар ҳукуқини ҳимоя қилувчи етакчиларга айлантириш... Уларнинг ижодий асарларини нашр этиб тарқатиш ва уларни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш... Уларни китобхонлар оммаси ва ёшлар учун асарлар ёзишга тарғиб қилиш ҳамда исломий таълим программаларида уларнинг кўз-қарашларини илгари суриш... Уларга оммавий платформалар яратиш... Шу ишларни амалга ошириш лозим. Усули дин – диннинг асосини етказишдаги асосий масалаларда уларнинг фикрлари ва ҳукмлари ҳамма учун очик бўлсин. Сайтлар, нашриётлар, мактаблар, институтлар ва бошқа йўллар билан ўз дунёқарашларини ёйишга имкони бор ҳақиқий мусулмонларнинг фикрларига қарши курашишда Ранд мусулмонларининг фикри барчага очик бўлиши лозим». (RAND корпорацияси Вил Дюранд асос солган, Америка ҳукумати учун хизмат қиладиган, Исломга ва мусулмонларга ҳақиқий душман бўлган ташкилот).

Айни шу контекстда 2022 йил 5 сентябрда TRT веб-сайтида қуидаги хабар пайдо бўлди: «Шу ой бошида мамлакатдаги энг

йирик исломий тарғибот ва фуқаролик ҳуқуқлари ташкилоти ҳисобланган «Америка-Ислом Муносабатлари Кенгаши» (CAIR) давлат департаментининг Осиё ва Яқин Шарқдаги мусулмонлар кўп бўлган ҳудудларда атеистик ҳаракатларни рағбатлантиришга қаратилган грант дастуридан «ташвишини» билдириди».

«Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат» бюроси (DRL) маълумотларига кўра, маблағлар маълум мамлакатлардаги атеист ва гуманистлардан, шунингдек, диний фаолият билан шуғулланмайдиган ва диний тоифаларга мансуб бўлмаганлардан ташкил топган турли жамоалар учун «адвокатлар тармоқларини яратиш ва мустаҳкамлашга сарфланади».

Шу муносабат билан АҚШ давлат департаменти «Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат» бюроси (DRL) орқали дунё миқёсида диний эркинликни қўллаб-куватловчи лойихаларга ариза топширишдан манфаатдор бўлган ташкилотлар учун очиқ танлов эълон қилди. Бу танловда, хусусан, Осиё ва Яқин Шарқдаги мусулмонлар кўп бўлган мамлакатларда атеизм ва гуманизмни тарқатиш билан шуғулланувчи ташкилотларга 500000 доллар миқдорида грантлар ажратилади.

Ажратиладиган бу грант ушбу тадбирлар ўтказилиши учун танланган 2-3 мамлакатда барча одамларнинг диний эркинликдан, шу жумладан, диний эътиқодларга эътиroz билдириш ва диний урф-одатларга амал қилмаслик эркинлигидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, ариза берувчилар тадбирларнинг АҚШ конституциясидаги шартларга мувофиқ амалга ошишини ва самарадор бўлишини таъминлашдан жавобгар бўлади.

### **Хотима**

Атеизмга бўлган даъват «мафқуралар жанг» деб аталмиш Исломга қарши идеологик кураш остида шиддат билан давом этмоқда. Бу даъват ҳукмрон тизимлар билан ҳаракатдаги Ислом орасидаги жанг замирида тинимсиз олиб борилмоқда. Илмонийлик ва Ғарб сақофатига бўлган чакириқлар доирасида жадаллик билан давом этмоқда. Ғарбнинг мусулмонлар ўртасида атеизмни ёйиб кенгайтириш, шунингдек, Исломдан узоқлаштириб уни йўқ қилиш учун уни шубҳа остига қўйиш, ихтилоғли масалаларни ёйиш, асос ва намуналарни йўқ қилиш уринишларига қарамасдан, турли статистик маълумотлар ва тадқиқотлардан маълум бўлганидек, исломий жамиятларда атеизм кам учрайдиган (табиий бўлмаган) ҳолат бўлиб қолмоқда. Айни пайтда Ғарб жамиятларида динни ҳаётдан ажратишга чақириш, динга эътиборсизлик қилиш, илм-

фанни ва илмий назарияларни муқаддаслаштириб, динни эмас, балки илм-фанны манба қилиб олиш натижасида атеизм феномени чуқур илдиз отган.

Ушбу кўриниш (феномен)нинг Ғарб учун таъсири фожиавий бўлди. Фитратнинг бузилиши бу фожиавий таъсирларнинг энг муҳимиdir. Гомосексуализм, порнография ва гендер тенглик чакириқлари... руҳий тушкунлик... турмушнинг оғирлиги... ҳаёт ва борлиқнинг онгли равишда талқин қилинmasлиги... гаризаларнинг бўш кўйилиши ва шаҳвоний ҳирслар ортидан қувиши... буларнинг барчаси оиланинг бузилишига, жамиятнинг парчаланишига, муаммо ва инқирозларнинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида ўз жонига қасд қилувчилар ва дарбадарлар кўпайди.

Ғарб ўзи бошдан кечираётган нарсаларни мусулмонлар жамиятига кўчиришга, мусулмонларнинг Исломни тарқ этиб, ундан воз кечишлирига эришишга ҳар қанча уринмасин, буни мусулмонлар орасида жамоавий даражада амалга ошириши имконсизdir. Чунки ақл ва ҳужжатга асосланган Ислом ақидаси одамлар қалбини эгалласа, мусулмонларни динидан қайтара оладиган бирон бир куч ер юзида топилмайди. Андалусиядаги инквизиция судлари, шунингдек, қувгин ва қирғинларга қарамай Совет Иттифоқидаги мусулмонларнинг динда событ тургани биздан йироқ эмас. Хитой ва Бирмада содир бўлаётган даҳшатли воқеалар ҳам мусулмонларни динидан қайтишга мажбур қила олмади. Мусулмонлар динини ўзгартиради ёки ундан чиқади, деб гаров бойлаган киши гаровда ютқазади. Ҳатто мўътадил исломчиларнинг (Ғарб уларни шундай номлашни хуш кўради) бошқарув тажрибасида муваффақиятсизликка учраганига ҳамда баъзи жамоаларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларига караб, мусулмонлар Исломни татбиқ этиш ва уни ҳокимиятга олиб келиш учун ҳаракат килишни тарқ этади, деб умид килиш ҳам хомхаёлликдир. Мусулмонлар яхши биладиларки, Ислом ундан ва унинг аҳкомларидан четга чиқиш ҳисобланган барча хатти-ҳаракатлардан, шунингдек, унинг манҳажи ва шариатига қарши чиқсан кимсаларнинг барчасидан покдир. Улар бундай ишларни динларига боғламайдилар, балки, душманларининг макр-ҳийлаларини англаб етадилар. Уларнинг қўлида Аллоҳ Таолонинг Китоби ва Росууллоҳ  Суннатлари бор бўлиб, улар уни маҳкам ушлайдилар ва ҳаргиз адашмайдилар.

Мусулмонлар ҳар қандай муртадни ҳамда динни шубҳа остига кўйиш ёки уни йўқ қилишга, шунингдек, унинг аҳкомлари, мусулмонлар тарихи ва Ислом асосларига птур етказишга,

саҳобаларнинг ёки буюк олим ва қўймондонларнинг гўзал намуналарини йўқ қилишга ҳаракат қилаётган ҳар қандай Фарб малайнини, мавқеи ва номидан қатъий назар, рад этадилар. Мусулмонлар кофириларни ва уларнинг тарафдорларини ғазабга келтириб, макр-хийлаларини бўғизларига қайтарадилар.

Улар биладиларки, Ислом хужжат бўлиб, унга қарши хужжат йўқ. Шунинг учун динларини маҳкам ушлайдилар, ер юзида Ислом бошқарувини ўрнатишга ва Халифалик давлатида Унинг аҳкомларини татбиқ этишига ҳаракат қиласидилар. Мусулмонлар ўн уч асрдан ортиқ вақт давомида дунёда биринчи давлат бўлиб келди. Уларга нусрат, ғолиблик ва пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликнинг қайта барпо бўлиши ваъда қилинганд. Келажақда Халифалик бутун ер юзини фатҳ қиласиди ва Ислом барча динлар устидан ғолиб бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يُرِيدُونَ أَنْ يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْتِيَ اللَّهُ إِلَّا أَنْ يُتَمَّ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكُفَّارُونَ﴾  
﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَإِلَهَهُمْ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظَهِّرُهُ وَعَلَى الَّذِينَ كُلَّهُ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾  
«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, бехуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирилар) хоҳламаслар-да, фақат Ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйини истайди. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушириклар хоҳламасалар-да – барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» [Тавба 32-33] □

## ҒАРБ ҲАЗОРИЙ ЛОЙИҲАСИННИГ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ

Мухаммад Иёс

Фасод (бузгунчилик) умматлар ва халқларни қийин ахволга соладиган касалликлардан бири ва халқлар ҳалокатининг асосий сабабидир. У эътиқодий масалалардаги, иқтисод ва таълим соҳасидаги, оммавий ахборот воситаларидағи, ахлоқий масалалар ва хавфсизлик соҳасидаги фасодни ўз ичига олади. Куръони Каримда фасод сўзининг кўп маънолари, жумладан маъсият, ҳалокатга учраш, ҳароб бўлиш, мункар ва вайрон бўлиш каби маънолари бор... Фасод (бузгунчилик) ва фасод тарқатувчиларнинг заарларидан бири шуки, у жамиятлар ва умматларнинг ҳалокатига олиб келади.

Бугунги кунда дунёда кенг тарқалаётган ва умматларнинг ҳалокатидан дарак бераётган фасодлар (бузгунчиликлар) қаторига қуидагилар киради:

Зулм: Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида зулм умматлар ҳалокатининг сабабларидан бири сифатида келтирилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَتُلْكُ الْفُرَىٰ أَهْلَكْنَاهُمْ لَمَّا ظَلَمُوا﴾

«Ана у шаҳарларни (уларнинг аҳолисини, улар) зулм қилишига,  
ҳалок қилдик» [Кахф 59]

﴿وَكُمْ قَصَمْنَا مِنْ قَرْيَةٍ كَانَتْ طَالِمَةً﴾

«Қанча золим-кофир бўлган қишлоқ-шаҳарларнинг (аҳлини)  
ҳалок қилдик» [Анбиё 11]

Булардан бошқа оятларда ҳам зулм ҳалокатга учраган олдинги умматлар ҳалокатининг сабабларидан бири сифатида келтирилган.

**Зулмга қўшимча жиноятчилик ва гуноҳларнинг қўплиги:** Бизга маълумки, Гарб икки юз йилдан бери дунёга етакчилик қилиб келади. Биз тубанликка ва фикрий турғунликка юз тутган, ерга (юртимизга) ёпишиб олиб, Аллоҳнинг рисолатига лоқайдлик қилган кунимизда, у бу етакчиликни Ислом Умматидан тортиб олган... Гарб ҳокимият жиловини ўз қўлига олгач ҳаётнинг барча жабҳаларида фасод (бузгунчилик) бошланди. Бугун Европа зоҳирланган эришган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт бизда хавас уйғотмайди. Чунки бу ҳазоратда қонхўрлик, ок танлиларнинг такаббурлигини мужассам этган жирканч ирқчилик яширинган. Бугунги Гарб бу такаббурликини олдинги ҳазоратлардан мерос қилиб олган бўлиб, Гарб халқларининг

сиёсий ва популистик йўналишини шу тақаббурлик ташкил этади. Замонавий Ғарбнинг йўлини онгли равишда кузатган ҳар бир киши биладики, у ўзидан олдинги, ўзига яқин бўлган ҳар қандай ҳазоратдан халос бўлишга интигувчи ҳазоратларнинг бузилган (майиб-мажрух) эмбрионидир. Аянчли тарихга ва ранг-баранг воқеликка беэътибор бўлган баъзи кишилар илгари суроётган «ҳазоратлар диалоги»ни бу ҳазорат қабул қилмайди. У ўзидан бошқасининг нуфузли ва мутлақ ҳокимият соҳиби бўлишига ҳам рози бўлмайди.

Тарихни синчковлик билан ўқиган киши биладики, Ғарб ҳазорати ўзининг узун тарихи давомида эксклюзив ёндашуви билан алоҳида ажралиб турган. У бошқаларни ҳамкор сифатида эмас, балки ашаддий рақиб ва эҳтимолли душман сифатида кўради. Тарих ва биз яшаётган воқелик ёлғон гапирмайди. Ғарбнинг тинчлик, эркинлик ва демократия ҳақидаги ёлғонларини ва булардан бошка кўплаб ёлғон чақириқларини кўрсатадиган ўнлаб, ҳатто юзлаб ҳисоботлар мавжуд. (Ғарб жамиятининг ёлғонлари ва бузғунчилигини тилга олиб ўтишга ушбу мақолада жой етишмагани учун, уларни бироз қисмини айтиб ўтамиш). Ғарбнинг аёллар хуқуqlари, уларни ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш бошка дъяволаридан соchlар оқариб кетди. Аёлни азиз ва ҳимояланган ҳолда яшаётган мамлакатидан (уийдан) чиқариш учун кимлардир биз уларнинг тарафдоримиз, деб даъво қилишди. Фарзандларини яхши тарбиялаши учун аввало унинг таълим олишини талаб қилиб, «Агар онага таълим берилса, у яхши хулқли халқни тайёрлайдиган устоз бўлади», дейишиди.

Улар буни амалга оширишгач, уни уйидан олиб чиқишиди. Чунки унинг на болага, на эрга ва на ўзига фойдаси тегди. Биз тақлид қилган Ғарб аёллари уйга қайтишни талаб қила бошлишди. Муслима аёл ҳам ўзи тушиб қолган оғир вазиятдан чиқиш йўлини излар экан, тақлидан Ғарб аёлига эргашади. Аммо ота, эр ва бола ғаюрлик (рашк)ни йўқотиб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйганидан ҳамда унинг меҳнати мевасини ейишга одатланиб қолганидан сўнг, онанинг уйга қайтиш учун олиб борадиган кураши уйдан чиқиш учун олиб борган курашидек осон кечмайди. Масалан, Британия адлия вазири Доминик Рааб аёлларни ҳимоя қилишга, уларга эркинлик ва хуқуqlарни беришга, шунингдек, уларнинг ўзларига бўлган ишончларини қайта тиклашга чақириди. У қўшимча қилиб шундай деди: «2020 йилнинг март ойигача бўлган 12 ой давомида 1.6 миллион аёл оиласиий зўравонлик қурбони бўлган, 600 мингдан ортиқ аёл жинсий зўравонликка, 900 мингга

яқин аёл тегажоқликка учраган». Агар Ғарб ҳукуматларининг ўз ахолисига ғамхўрлик қилиши хақида гапирадиган бўлсак, федерал ҳукумат статистикасига кўра уйсизлар сони даҳшатли эканлигини кўрамиз. АҚШ уй-жой ва шаҳарсозлик департаменти ҳисботида кўрсатилишича, Кўшма Штатларда ҳар кечада 553000 уйсиз одам кузатилади. Тинчлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги даъволар ҳам ёлғон. Чунки ижтимоий тармоқлар, сунъий йўлдош каналлари ва хабарномалардаги ёлғонлардан ҳам инсоннинг сочи оқариб кетади. Улар ўзларини тинчлик ва севги-муҳаббатни ёқловчи одамлар деб таърифлашади. Агар биз бироз ортга назар ташласак ушбу қуруқ даъво эгаларининг биринчи жаҳон урушида қандай йўқотишларга дучор бўлганини кўрамиз. Чунки ҳарбийлар ва тинч аҳоли орасидаги ярадорлар ва ўлганлар сони 37 миллион кишини ташкил этди. Бу билан бу уруш иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг қонли урушга айланди. Иккинчи жаҳон уруши эса, тарихдаги энг қонли ҳарбий урушлардан бири бўлди. Бу урушда қурбон бўлганлар сони 60 миллион кишига етди. Бу ўша пайтда бутун дунё ахолисининг 2.5 %дан ортигини ташкил этган. Бу ўринда хавфсизлик соҳасига, иқтисодий ва ижтимоий вазиятга оид бошқа кўплаб бузғунчиликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар даъво қилаётган эркинлик қани?! Роҳат-фарогат, тинчомонлик қани?! Буларнинг барчаси уларга тобе бўлган оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ёлғонлардир. Аммо асл ҳақиқат бундан тамоман фарқ қиласи. Европага кўчиб келганлар ҳаёт кечиришни жуда қимматга тушишини, кенг тарқалган бузғунчиликни, юқори солиқларни ва булардан бошқа кўплаб ҳолатларни кўриб ҳайратга тушишди. Буларнинг барчасидан кейин емирилиб бораётган ушбу ҳазоратдан қуламаган бирон нарса қолдими?!

Инсон фитрати, иффати, ахлоқи ва ҳаёсини, ҳатто энг оддий ҳуқуқларини поймол қилган ушбу баҳтсиз ҳазоратнинг ер юзига ҳукмронлик қилишига ишонадиганлар ҳали ҳам борми?! Бугунги кунга қадар улар ўнлаб қарорларни чиқаришдики, бу қарорлар гомосексуаллика, тийиксиз эркинлика, қонуний равища гиёхванд моддаларни истеъмол қилишга, шунингдек, фоҳишаликка, болалар ва аёлларни зўрлашга рухсат беради. Ушбу ҳазоратнинг қулаб бораётгани аниқ кўриниб қолди. Ғарб аренасида ҳаяжонли, эътиборни тортувчи сарлавҳалар билан кўплаб китоб ва тадқиқотлар пайдо бўлди, уларда Ғарб ҳазоратининг қулаб йўқ бўлиб кетиши ҳақида сўз боради. Уларнинг баъзилари Ғарбнинг қулашига оид сарлавҳалар билан

чиқарилган бўлса, бошқалари Ғарб жамиятларининг маънавий ва ахлоқий таназзули... оила муассасасининг емирилиши... барча турдаги жиноятларнинг тарқалиши... замонавий режимларнинг зўравонлик ва ички тартибсизликларга қарши тура олмаслиги... ўз жонига қасд қилувчиларнинг кўпайиши... замонавий фалсафанинг инсон онгига ташланаётган кескин қараш ва фикрларга дош бера олмаслигига бағишлиган махсус боблар доирасида айни шу мавзуни муҳокама қиласи.

Ғарб ожизликни ва касалликни бошдан кечираётган бўлишига қарамай, бошқа ҳазоратларга қарши курашни давом эттироқда ва бошқа давлатларга қарши янги курашларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Ғарб билан Россия ўртасидаги кураш. Бу – қадриятлар кураши эмас, балки, нуфузга эга бўлиш ва моддий манфаатларни кўлга киритиш учун курашишдир. Ғарбнинг Хитойга қарши кураши ҳам, қадриятлар учун кураш эмас, балки савдо урушидир. Ғарб билан Ислом ўртасида қадриятлар ва турмуш тарзи билан боғлиқ курашнинг бўлиши шубҳасизdir. Бутун Ғарб ҳазорати, Европа, Америка ва бошқа давлатлар ҳазорати ер юзида инсон учун хавфсиз, тоза ҳаётни бино қилишда бутунлай муваффакиятсизликка учради. Ичкарида ёки ташқарида бошланган урушлар алангаси туфайли одамлар орасида кўркув ва ваҳима тарқалди, инсоният фожиалари тобора кучайиб бораверди. Америка ёки Европа расмийлари томонидан берилган барча въдалар бажарилмади. Аянчли воқелик гўё «Ким ўзини кутқара олса, қутқарсин», деб айттаётгандек бўлди.

Капитализм ва унинг даҳшатли ўсиши, демократия ва унинг баланд овозли оммавий ахборот воситалари инсон учун хавфсизликни рўёбга чиқармади, роҳат-фароғат олиб келмади, қашшоқлик ва касалликларни бартараф этмади. Бундан ташқари, бутун ер юзида ўғирлик, қотиллик, фаҳш ишларнинг кенгайиши, гиёҳвандлик, адолатсизлик тарқалиши, хавфсизлик йўқолиши, босқинчилик ва талончилик каби турли кўринишдаги жиноятлар кўпайди. Ер юзида фасод (бало-офтатлар) юз берди ва унинг хавфи кучайди. Бугунги инсон унга таҳдид солаётган ҳақиқий хавф остида яшамоқда. Инсон бу хавф қаршисида деярли фалаж аҳволга келган. Унинг кучини ҳавои-нафси фалаж қилган. Шунинг учун кўзлар кўр, қулоқлар эшитмайди, гўё ҳеч ким уни кутқариш ҳақида ўйламаётгандек! Гўё ҳамма чўкиб кетгандек! Ер юзининг чор атрофидан уни уйғотиш ва огоҳлантириш учун фақат бир овоз «Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар», деган такбир садолари янграйди.

Биз бошдан кечираётган ушбу ҳолат бошида нима билан тузатилган бўлса, ўша нарса билангина тузатилади. Яъни, Росулуллоҳ ғуломнинг уқоб байроби сояси остидаги рошид Халифалик давлатида Ислом билан бошқариш... Ислом рисолатини етказишида Росулуллоҳ ғуломнинг тариқатларига эргашиш... Фақат Исломга асосланган уюшмани ташкил этиш орқали тузатилади. Исломга асосланган бу уюшма Умматга таъсири ўтказиб, унинг орасидаги куч эгаларидан нусрат сўрайди. У Аллоҳ Таоло унга нусрат келтириб, Ислом давлати барпо бўлгунига қадар шу асосда фаолият олиб боради. Уммат аҳволининг тузатилиши фақат шу асосда амалга ошади, ёлғиз шу асосда Уммат уйғонади ва Ўзининг олдинги азизлигига, рошид Халифаликка қайтади. Халифалик ичкарида Исломни татбиқ этади, уни даъват ва жиҳод орқали бутун оламга ёяди. Ҳаким ва Азиз Аллоҳнинг Ўзи унга ёрдам беради.

﴿إِنَّا لَنَصْرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُولُونَ الْأَشْهَدُ﴾

*«Албатта Биз пайгамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз»* [Фоғир 51]

Эй мусулмонлар, инсониятни бузғунчи капиталистик низомдан қутқариш сизнинг бурчингиздир. Сизлар инсонлар учун чиқарилган, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган энг яхши Умматсиз. Сиз бу сифатингиз билан бутун инсониятни қутқаришга, уларни капитализмга ибодат қилишдан ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга, капитализм зулмидан Ислом адолатига, дунё торлигидан дунё ва охират кенглигига олиб чиқишга қодирсиз. Эй Парвардигор, Ўзинг ваъда қилган нусратингни тезлаштири. □

# **ФАРБНИНГ ШИДДАТЛИ ҲУЖУМИ ИСЛОМ УММАТИНИ ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ БАРПО ЭТИШДАН АСЛО ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ**

**Холид Мұхаммад**

Ислом Умматига ва мусулмонларга қарши Америка ва Фарб бошчилигидаги капитализм олиб бораётган шиддатли ҳужум ҳеч кимга янгилик эмас. Капитализм ортидан коммунизм, иудизм ва бошқа динларнинг мусулмонларга қарши катта уруш очганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Яҳудийлар Росууллоҳ ﷺ га ва у Зотнинг улуғ саҳобаларига азалдан хийла-найранглар ишлатишган. Бирок бу хийла-найрангларнинг барчаси фош бўлган. Мусулмонларга қарши қаратилган шиддатли ҳужум даъват бошланган кунлардан бошлаб, то бугунгача асло тўхтамади ва тўхтамайди ҳам. Сабаби, Ислом ёлғиз Аллоҳга ва У нозил қилган шариатга иймон келтиришга асосланган диндир. Ислом – динга даъват қилишга, Аллоҳнинг динини жиҳод йўли билан ёйишга ва инсонларни Аллоҳнинг динига олиб киришга асосланган диндир. Шундай экан, бу динга бошқа эътиқод эгалари қарши чиқишлиари, у чақираётган ҳақиқатга ҳар-хил уйдирма ва бўхтонлар билан қарши чиқишлиари табиийдир.

Мана шуларга қарамай, Ислом худудлари (экспанцияси) кенгайиб, мусулмонлар юртлари Шарқда Индонезиядан, Фарбда Мағриб юртларигача, Шимолда Европа қитъасининг ичкарисигача, Жанубда эса, Африка қитъасининг ўртасигача чўзилиб етди. Мусулмонларнинг бошқа дин ва бошқа эътиқодлар билан тўқнашиши натижасида Ислом Умматига бўлган душманлик ортиб борди. Ушбу душманликнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиш:

1 – Мусулмонларнинг эътиқодларидаги барқарорликни бузиш учун уларнинг эътиборини исроилиёт ва Росууллоҳ ﷺ га қарши тўқилган ҳадисларга тортиш. Ҳақиқатда эса, ҳадис ва фикҳ уламолари бу ишни ўз қўлларига олиб, уларнинг барча хийла-найрангларини чиппакка чиқардилар. Бунга кўшимча мусулмонларнинг ўzlари ҳам ҳеч бир шубҳаси йўқ бўлган ақидаларини маҳкам ушладилар ва унда сабот билан турдилар.

2 – Вақти-вақти билан Ислом давлатига қарши уюштирилган ҳарбий юришлар. Мусулмонлар ақидаларида кучли бўлганликлари, фидоийликни ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишни яхши кўрганликлари ҳамда ҳақ устида сабот билан турганликлари боис уларнинг барча ҳужумлари муваффақиятсиз бўлди. Дарҳақиқат, мусулмонлар бу ҳаётнинг алдов эканини ва охиратнинг эса, барқарор эканини англаб етдилар. Мана шу

Фарбнинг шиддатли хужуми Ислом Умматини Халифалик давлатини барпо этишдан асло қайтара олмайди сабабларга кўра, мусулмонлар ўз чегараларини мустаҳкам кўриқлашар, давлатларини мудофаа қилишар ва моллари-ю жонлари билан жиҳод қилишар эди.

3 – Душманлар мусулмонларнинг ҳарбий қудратини, уларни ҳарбий жиҳатдан мағлуб эта олмаслигини тушуниб, ҳижрий 625 йилда Кипрдан Ливанга яширин жамиятлар орқали миссионерлик ҳаракатларини (гурухларини) жўнатиш йўлига ўтишди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мусулмонлар кучли ва ўз эътиқодларига содик бўлгани туфайли бу жамиятлар тезда муваффақиятсизликка учради.

Ислом давлатига қарши адоват ва фитна турли шакл ва усуулларда давом этди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيُصْدِّوْا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُعَلَّبُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг ўйлидан тўсиши учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра маглуб бўлурлар» [Анфол 36]

Кофир Фарб 17-асрда саноат соҳасида уйғониш авжиға чиқкан бир пайтда Европада таҳсил олаётган талabalар учун таълим марказларини, айни пайтда фитна ўчоқларини яратди. Берлин, Париж ва Салоникидаги бундай марказларнинг Ислом давлатига ва мусулмонларга қарши тил бириктируви ошкора эди. Истанбулда ҳам шундай марказ ташкил қилинди. Лекин унинг тил бириктируви яширин эди. Ушбу марказлар мусулмон талabalariiga ўз таъсирини ўтказа олган. Уларда туркийлик, арабийлик деган миллий наъраларни қўзгата олган. «Бирдамлик ва тараққиёт партияси», «Туркия ёшлари партияси» каби турк миллатчилиги асосланган партияларни ташкил этишга муваффақ бўлган. Шомда ва бошқа мусулмон юртларида эса, араб миллатчилиги асосида партиялар тузишга эришган. Усмоний Халифаликнинг охирларида «Бирдамлик ва тараққиёт партияси» ҳокимиятни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Уларнинг биринчи жаҳон урушига иттифоқчиларга қарши Германия томонида туриб кириши ҳамда жиноятчи Мустафо Камол, Оли Сауд ва Иорданиядаги Бану Ҳошимнинг тил бириктируви натижасида иттифоқчилар Усмоний Халифаликни, бинобарин, 1300 йил хукм сурган Халифалик давлатини қулатишга эришишди.

Халифаликнинг ағдарилиши мусулмонлар устидан даҳшатли зилзиладек бўлди. Англия ва Франция бошчилигидаги

Гарбнинг шиддатли ҳужуми Ислом Умматини Халифалик давлатини барпо этишдан асло қайтара олмайди итиифоқчилар Сайкс-Пико шартномаси ва жиноятчи Мустафо Камолнинг фитнаси орқали Ислом оламини 50га яқин арзимаган давлатларга бўлиб ташлашга муваффақ бўлди. Мусулмон юртлари куфр миллати бўлмиш Англия, Франция, Италия ва бошقا мустамлакачи босқинчилар тарафидан бутунлай истило этилди. Коғир Гарб мусулмонларнинг тушунчаларини ўзгартириб, уларни ақидаларидан чалғитиши учун уларнинг юртларига сакоғий, ижтимоий, сиёсий ва ҳазорий мухитнинг барчаси устидан ўзининг фикрий тизими билан кириб келди. Лекин, афсус ва надоматлар бўлсинки, ҳеч қанча вақт ўтмай Ислом оламидаги мусулмонлар коғирларнинг зарбаларига жавоб қайтара бошладилар, янги мустамлакачиликка қарши инқилоблар бошланди. Бу инқилобларда бир неча усувлар қўлланди. Айримлар бъязи бир мамлакатларда бўлиб ўтган сайловларни бойкот қилдилар, айримлари қурол кўтардилар, айримлари эса, уларга қарши туриш учун сиёсий курашни зиммаларига олдилар. Савол туғилади: Мустамлакачилик ўзига қарши кўрқинчли оммавий босим остида Ислом дунёси мамлакатларини шу қадар осонлик билан тарк этадими?

Куфр боши Британия ва унга эргашган бошқа мустамлакачи давлатлар айрим мусулмон фарзандларини сотиб олишга ва уларнинг садоқатини таъминлаш учун уларни мусулмон юртларига ҳоким қилиб тайинлашга муваффақ бўлди. Мана бугун биз ўшаларнинг зулми ва қаҳри остида азоб чекмоқдамиз. Шундай қилиб, мустамлакачи давлатлар қарийб бир аср давомида бизларнинг мол-мулк ва бойликларимизни сўриб келмоқда. Шунингдек, улар ўзларининг малайлари ва хоин ҳукмдорлари ёрдамида исломий ёндашувлардан ва эътиқодимиздан узоқ бўлган, инсон қўли билан яратилган-вазъий конституцияни қўйишга муваффақ бўлдилар. Ислом давлати эса, ҳар бири ўз воеига кўра монархия, республика ва салтанат кантонларига бўлениб кетди. Лекин, мустамлакачилик шу билан кифояландими?! Аллоҳ Таоло марҳамат қиласи:

﴿وَلَنْ تَرَكُنَّ أَنْتَ لِلَّهِ مُهُودٌ وَلَا الْأَنْصَارَىٰ حَقِيقَةً تَتَبَعُ مِلَّتَهُمْ﴾

**«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар»** [Бақара 120]

Ўтган аср мобайнода мустамлакачи давлатлар бизнинг юртларимизга сотқин ҳукмдорлар ёрдамида Гарб пойдеворига асосланган юзлаб халқаро ташкилот, органлар ва бирлашмаларни киритишга эришишди. Мана бугун покиза муслима аёлларни

Фарбнинг шиддатли хужуми Ислом Умматини Халифалик давлатини барпо этишдан асло қайтара олмайди ечинтириш учун CEDAW конвенцияси етиб келди. Болалар иффатини булғаш учун болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш уюшмалари, гомосексуаллар уюшмалари орамизга кириб келди. Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллах.

Милодий 1924 йили коммунизм ўзининг тушунчаларини бизнинг юртларимизга олиб кириб, айрим мусулмонларнинг фикрини ўзгартира олди. Кейинчалик эса, у барбод бўлди. Америка ва Ғарб ҳам хоин ҳукмдорлар ёрдамида чириган капитализмни жорий қилди ва у нисбий муваффакиятга эриши. Кейин Америка мусулмонларнинг тушунчаларини ва эътиқодларини ўзгартириш учун Ислом оламига ўзининг фикрий, сакофиий, сиёсий ва медиа тизими билан кириб келди. У шу билан қаноатланмади. Афғонистонни қарийб 20 йил истило қилди ва муваффакиятсизликка учради. Ироқни босиб олди ва муваффакиятсизлик ҳамон унинг қисмати бўлиб қолмоқда.

Мусулмонлар хаётидаги ҳар бир каттаю-кичик нарсаларга аралашди. Инша Аллоҳ, у бу ишларда ҳам муваффакиятсизликка учрайди. Улар Фаластиндаги яхудий вужудини қарийб 70 йил кўллаб-қувватладилар. Фаластин халқига зулм ўтказдилар. Ислом оламининг юрагига бу ташландик вужудни экиб олганларидан кейин Фаластин ҳаёт майдонига қайтмаслиги учун экин ва наслни вайрон қилдилар.

Шунингдек, ўтган асрларда ушбу аччиқ ва аламли воқеликдан қутилиш учун диний ва миллий партиялар пайдо бўлди. Аммо улар муваффакиятсизликка учради. Чунки улар Ислом Умматини бошқариб кетиш учун истиқболли ва аниқ тасаввурга эга эмас эдилар. Ва ниҳоят, Азҳар мударриси, Фаластин фарзанди, улуг олим шайх Тақијуддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ майдонга чиқди. У киши ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида Ҳизб ут-Тахрирга асос солди. Дарҳақиқат, бу олим Умматни аламли, аччиқ воқедан халос этиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган. Ўнлаган китоблар ёзди. «Муқаддиматуд дастур», «Бошқарув низоми», «Иқтисод низоми», «Ижтимо низоми» ва бошқа кўплаб асарлар шулар жумласидандир. Шайх Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ мустамлакачи кофирга ва Ислом Умматининг кўксига ханжардек санчилган хоин ҳукмдорларга қарши курашиб учун Ислом ақидасига асосланган, зиммани покловчи (фаолият олиб борувчилардан гуноҳни соқит қилувчи) жамоанинг биринчи ядросини шакллантиришга муваффақ бўлди. Мана шу Ҳизб буғунга келиб пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифаликни барпо этиш орқали Исломий ҳаётни қайта бошлаш

Гарбнинг шиддатли ҳужуми Ислом Умматини Халифалик давлатини барпо этишдан асло қайтара олмайди учун исломий ва ғайриисломий 50дан ортиқ давлатда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ресулуллоҳ ﷺ марҳамат қилганлар:

«لَا تَرَأْلُ طَائِفَةً مِنْ أُمَّيَّ يُقَاتِلُونَ عَلَى الْحَقِّ طَاهِرِينَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

«Умматимдан бир тоифаси ҳақ устида ғолиб бўлиб турадилар. Қарши чиққанлар уларга зарар етказа олмайди. То Аллоҳнинг амри (қиёмат соати) келгунига қадар, улар ғолиб бўлиб қоладилар».

Бошқа бир ривоятда «... уларни ёрдамсиз ташлаб қўйғанлар...», дейилади. Бас шундай экан, биз ҳам мана ўша Ресулуллоҳ ﷺ мақтаганлар қаторида бўлишни ва Ҳизб ут-Тахрир ана ўша мадҳ этилган тоифадан бўлишини Аллоҳдан сўраймиз. Ҳизб аъзолари хар қандай азоб-уқубат, таъқиб, қамоққа олиш ва қатл этишларга қарамай сабр ва матонат билан турмоқдалар. Улар Умматни уйғотиш ва пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифаликни барпо этиш учун Аллоҳнинг йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан кўрқмаган ҳолларида фаолият юритмоқдалар.

Эй Ислом Уммати фарзандлари! Ресулуллоҳ ﷺ мана бу сўзларини эшитмаганмисизлар?!:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةٍ، لَقِيَ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةً لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُقُوقِهِ بَيْعَةً، مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким Аллоҳнинг тоатидан қўлини тортса, Аллоҳга ҳужжатсиз йўлиқади. Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, у жоҳилият ўлимини топади».

Сизларга хору зорлик етарли бўлмадими?! Ресулуллоҳ ﷺ сўзларидан насиҳат олмайсизларми? Жоҳилият ўлимини топишга розимисиз? Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Рошид Халифаликни барпо этиш учун Ҳизб ут-Тахрирга суюнчик бўлиб, нусрат ато этилган тоифадан бўлишни истамайсизми?

Аллоҳим! Бизларни мана шу тоифани шоҳидларидан ва унинг аскарларидан қилгин!

Аллоҳим! Сен бутун оламлар Парвардигорисан. Ўзинг бизларга Рошид Халифаликни кўришни насиб эт!

Сайидимиз Мұхаммад ﷺга Аллоҳнинг дуоси ва саломи бўлсин!

﴿وَاللَّهُ عَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибdir (яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишини қилишибдан ҳеч ким манъ қила олмайди). Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар» [Юсуф 21] □

**ПОКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ҚИСҚАРТИРИШ  
ХИНДИСТОННИНГ НУФУЗЛИ МИНТАҚАВИЙ КУЧ  
СИФАТИДА ЮКСАЛИШИГА ИМКОН БЕРИШДИР**

**Мұхаммад Салжук – Покистон виляоти**

Халифалик давлати йүқлиги сабабли мусулмонлар ўз куч-кудрати ва сиёсий қарапшарини бой бердилар. Милодий 1924 йилдан кейин бошига тушган күплаб оғатлар гирдобида Ислом Уммати ажнабийлар тажовузидан ўзини химоя қилиш қобилиятини йўқотди. Бундан ҳам ёмони, Халифалик давлати парчаланиб кетганидан кейин ташкил топган миллый давлатлар Фарб иттифоқлари ёки Совет Иттифоқига сингиб кетди. Бу эса коғир мустамлакачи давлатларга мудофаа соҳасини тўлиқ назорат қилиш имконини берди. Покистон, Эрон, Туркия ва Миср каби йирик исломий юртлар ўзларининг мудофаа тизимини Америка ёки НАТОнинг устунлиги ва принципларига мос равишда тартиблаштирди. Натижада исломий юртлар бир томондан Фарб коалиция тизимининг Совет Иттифоқига қарши ишини осонлаштиришган бўлса, бошқа томондан минтақада бир-бирлари билан рақобатлашиш билан овора бўлишди. Бу ракобат деколонизация деб аталадиган нарса билан бошқарилди. Ўз навбатида, малай хукмдорларга минтақалардаги исломий ресурслардан фойдаланишни чеклаш вазифаси юкланди.

Британия исломий хинд ярим оролини иккига бўлиб ташлади. Мана шу бўлиннишдан Покистон билан Ҳиндистон орасида чиққан рақобат иккала давлатнинг катта қуролли кучларга эга бўлишига ва Жанубий Осиёда бир-бирига қарши туриш учун улкан мудофаа харажатларини ажратишга олиб келди. Покистон таъсис этилганининг дастлабки кирқ йилида Фарб коалиция тизимининг бир қисмига айланган бўлса, Ҳиндистон гўёки, Совет Иттифоқи билан иттифоқчи бўлиб кўринса-да, аслида у Британия таъсири остида эди. Совуқ уруш тугаганидан кейин глобал стратегик манзара ўзгарган сари Жанубий Осиёдаги минтақавий ҳарбий вазият ҳам ўзгара бошлади.

Ҳиндистон билан Покистоннинг мудофаа харажатлари тенденцияларини таҳлил қилиш ва таққослаш жуда муҳимдир. Нега Покистон мудофаага камроқ маблағ сарфлаётганининг сабаби ва бу нарса қувват ахлига хатар туғдиришини тушунишимиз ҳам зарурдир. Қўйидаги далиллар иккаласининг стратегияси ва баёнотларига асосланади ва Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳарбий салоҳиятда номутаносиблик кучайиб

бораётганини кўрсатади. Биз бундан вазиятни янги модел остида қандай ҳал қилиниши ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Куч эгаларига алоқадор ушбу муҳим мавзу ҳақида кўпроқ фикр юритиш зарурдир. Зеро, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо этишда мусулмонлар мана шу куч эгаларидан нусрат сўрайдилар.

### **Американинг совуқ урушдан кейинги кун тартиби**

Американинг глобал кун тартиби Совет Иттифоқидан сўнг Европада ўз таъсир доирасини кучайтириш ва 1991 йилдан кейин Осиёда бирон бир супер кучнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилди. Совуқ уруш даврида Америка Совет Иттифоқини тўсиб қўйиш ва изоляция қилиш учун Хитой билан иттифоқ тузди. Шунга қарамай, Хитойнинг Осиё ва Тинч океани минтақасида рақобатчи бўлиши мумкинлигидан хавотирланиб, унинг юксалишига тўскинлик қилиш ва назорат қилиш учун уни эркин бозор глобал ташкилотларга қўшишга харакат қилди. Американинг дунёдаги гегемонлигига таҳдид солиши мумкин бўлган иккинчи таҳдид бу – исломий юртларнинг кучли Халифалик давлати остида бирлашиши, айниқса бутун дунёдаги Ислом Уммати Фарбнинг мустамлакачилик қадриятларини инкор этиб, исломий ҳаёт тарзига қайтишга интилишидир. Америка ва Farb разведкаси буни диққат билан кузатиб турибди. Шунинг учун Жанубий Осиё минтақаси 90-йилларнинг ўрталарида Американинг диққат марказига айланди.

Милодий 1947 йилда хинд-мусулмон яримороли бўлиб юборилганидан бери Жанубий Осиё сиёсати табиий равища Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги рақобат орқали белгиланадиган бўлди. Совуқ уруш давридаги минтақавий стратегиядан фарқли ўлароқ, Америка ўзининг қуролли кучлари билан Покистонни кучайтиришга энди муҳтоҷ бўлмай қолди. У Хитойнинг юксалишига карши ва минтақада Халифалик барпо бўлиши хавфига қарши туриш учун Ҳиндистонни ўзининг стратегик ҳамкори сифатида танлади. Чунки Халифалик давлати Покистон, Бангладеш, Афғонистон ва Марказий Осиёни бир кучли исломий давлатда албатта бирлаштиради. Америка ўзининг минтақавий мақсадларига эришиш учун 2001 йилдан 2021 йилгача «Терроризмга қарши кураш» номи билан Афғонистондаги урушаётган пуштун қабилаларига қарши йигирма йил уруш олиб борди ва Америка бошчилигидаги НАТО Афғонистондаги ҳарбий иштирокини йигирма йил давомида сақлаб турди. Лекин, Толибон

харакати бошчилигидаги пуштун қабилаларининг кучли каршиликлари остида, ўзининг мавжудлигини сақлаб қола олмади.

Покистон армиясини заифлаштириш ва унинг ресурсларини йўқотиш мақсадида ички хавфсизликка эътибор қаратган ҳолда Америка Покистон раҳбариятидаги малайлари орқали Покистон армиясини Дюранд чизиги ичкарисида ва унинг нариги томонида пуштун қабилаларига қарши уруштириб қўйди. Американинг Исломга қарши йигирма йиллик урушидан Покистоннинг заарлари 150 миллиард долларга етди. Уруш оқибатида 82000 жангчи ҳалок бўлди, 3,5 миллион киши бошқа жойга кўчирилди. Покистон раҳбарияти атайлаб ўз саъй-харакатларини Ҳиндистоннинг анъанавий таҳдидидан узоқлаштириди, бу эса Ҳиндистоннинг Хитойга қарши ўз ҳарбий имкониятларининг ривожланишини осонлаштириди.

### **Исломга қарши уруш ҳамда Покистон қуролли кучлари учун бюджет маблағларининг оз ажратилиши**

Покистон қуролли кучларида, айниқса ички разведка (ISI) сафларида Америкага нисбатан ишончсизлик ҳар доим мавжуд бўлиб келган. Бу Американинг Покистон ичида Покистон қуролли кучлари сонини ва уларнинг бюджетини қисқартириш бўйича харакатларига тўсқинлик қилди. Бироқ Покистон армияси қабилалар минтақасига аралашгач, Америка аста-секин бюджетга кириб бора олди. Буни ташқарида эмас, балки мамлакат ичкарисида Исломга қарши кураш амалиётлари талабларига мувофиқ, армия харажатларини рационализация қилишни баҳона қилди. Покистон ҳарбий харажатларини қисқартириб, Исломга қарши урушга эътиборини кучайтирган бир пайтда, бошқа томондан Ҳиндистон ҳарбий харажатларини ошириди.

Маълумотларга кўра, ушбу (2000-2010) даврда Ҳиндистон ҳарбий бюджети сезиларли даражада ошган ва бу Покистонга нисбатан ўсишда давом этмоқда, шу билан бирга Покистон қабилалар минтақасида Исломга қарши урушда фаолликни кучайтирган.


### **Генерал Бажванинг ҳарбий доктринаси ва унинг Покистоннинг ҳарбий харажатларига таъсири**

Генерал Қамар Жавед Бажва (2016-2022 йиллари) армия бошлиги лавозимида ишлаган даврда Покистон Қуролли Кучлари харажатларни энг катта қисқартиришни бошдан кечирди. Генерал Бажва (терроризмга қарши уруш) тугашига қарамай, қисқартиришни давом эттириш учун Американинг иқтисодий хавфсизлик ёки геоиқтисодиёт ҳақидаги афсонасини тарғиб қилди.

Бу Ҳиндистонда мусулмонларга қарши радикал Ҳиндутва партияси ҳукмдориятни қайтадан эгаллаб, Нарендра Моди бош вазир этиб тайинланган бир пайтга тұғри келди. Ҳиндистондаги Бхаратия Жаната партияси ҳукумати АҚШнинг кетма-кет маъмуриятлари кўмагида Покистонга нисбатан фаол ва тажовузкор ёндашувни қўллади. Дипломатик жабхадаги адовати билан бирга, Моди ҳукуматининг Покистонга қарши ҳарбий душманлиги ҳам кучайди. Ушбу аниқ кўрсаткичларга қарамай, генерал Бажва босиқлик сиёсатига амал қилди ва Ҳиндистон билан қуролланиш пойгасига интилмайдиган «Юксак армия» тузишга чақирди!

Бажва ҳарбий доктринасининг асосий шарти иқтисодий хавфсизликни – геостратегик ва геосиёсий иқтисоддан воз кечган ҳолда – Покистоннинг стратегик тафаккурининг марказига кўйишидир. Бу ёндашув эса, бир неча жиҳатдан Покистон учун ҳалокатлидир:

**Биринчидан:** Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳарбий харажатлардаги тафовут Покистонни Ҳиндистон ҳарбий салоҳиятига сифат жиҳатидан тенглаштириб бўлмайдиган даражада ошиб кетди. Бажва-Имрон режими Покистоннинг мудофаа бюджетини кетма-кет икки йил (2019-2021) музлатиб қўйди ва бошқа йилларга нисбатан бир оз кўпайди. Бу давр мобайннида Ҳиндистон ўзининг ҳарбий харажатларини ошириша қўйидаги жадвалда кўрсатилганидек, нафакат одимлар ташлашга, балки сакрашларга эришди:



Худди шундай, Бажва-Имрон режими ядервий ва ракета дастурига харажатларни музлатиб қўйди ва Покистон Ҳиндистонга

қараганда камроқ ракета синовларини ўтказди, бу Бажва ҳарбий доктринаси бўйича Хиндистон билан вазминлик ва нормаллаштириш сиёсатининг бир қисми эди.



**Иккинчидан:** Хиндистоннинг қурол импорти билан Покистон импорти ўртасидаги тафовут кенгайиб бормоқда. Бу эса Хиндистоннинг Покистонга қарши жанговар қобилиятини яхшиланганини англатади. Америка Кўшма Штатлари ва бошқа Гарб етказиб берувчилари Хиндистонга совук уруш давридаги қурол эмбаргосини тугатиб, ўзларининг қурол-яроғ савдосини йўлга кўйдилар. Қуйидаги жадвалда Хиндистон Покистонга караганда ўртacha тўрт баравар кўп импорт қилишини кўрсатади. Хиндистон 2017-2021 йиллар орасида дунёда энг йирик қурол импортчиси бўлиб қолди.

YEAR	PAKISTAN (\$M)	INDIA (\$M)
2014	8,655	50,914
2015	9,483	51,295
2016	9,974	56,638
2017	11,461	64,550
2018	11,732	66,258
2019	10,388	71,469
2020	10,376	72,887
2021	11,305	76,598

**Учинчидан:** Американинг Афғонистондан чиқиши Покистондаги қарор қабул қилувчиларга армия йўналишини ўзгартириш ва асосий эътиборни терроризмга қарши курашдан анъанавий ҳарбий доктринага қаратиш имконини берди. Бироқ генерал Бажва бошчилигидаги АҚШ томонидан қўллаб-куватланган раҳбарият анъанавий ҳарбий доктринага эътибор бермай, бекарор иқтисодий вазиятни баҳона қилиб, терроризмга қарши кураш ташкилотларини кучайтириди.

Бунинг акси ўлароқ, Покистоннинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, у чекланган бюджетга қарамай, кучли ва ядровий армия куришга муваффақ бўлди. У Ҳиндистонни қийин ахволга солиб қўйишга ҳамда маъқул харажатлар сарфлаш билан Афғонистонда Совет Иттифоқини мағлуб қилишга муваффақ бўлди. Ҳарбий харажатларни музлатиб қўйиш – у аслида қаттиқ босимларга мослаштирилган пайтда қискартирилади – Покистоннинг жанговар салоҳиятига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, Халифаликни барпо этиш ва минтақани унинг остида бирлаштириш заруриятга айланди. Зоро, ёлғиз Исломий бошқарувгина босиб олинган мусулмон ерларини озод қилиш учун ҳарбий сафарбарлик (мобилизация) вазифасини бажара олади.

### **Олдинга юриш ва янгича қараш**

Покистонлик қарор қабул қилувчилар ҳамда энг аввало Нусрат аҳли Покистоннинг жанговар салоҳиятини камайтириш Уммат ва минтақага фойда келтирадиган бирор геосиёсий ўзгартиришга олиб келмаслигини тушуниши керак. Қолаверса, Қўшма Штатлар ёки Хитой ўртасида танлов қилиш орқали ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлмайди. Зоро, бу иккала глобал куч ҳам мустамлакачи бўлганлиги сабабли улар фақат бизнинг манфаатларимиз ва устуворликларимиз ҳисобига ўз манфаатлари ва устуворликларини илгари суриш учун интилади. Бизлар бугун мухтоҷ бўлаётган нарса маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган, глобал характерга эга бўлган дадил бир қарашдир. Исломимиз бизга золим бошқарувни илдизи билан йўқ қилиш ва инсониятга раҳмат бўлган Аллоҳнинг динини тарқатиш учун кураш олиб боришни фарз қиласи.

Покистон қуролли кучлари исломий даъватни даъват ва жиҳод орқали етказиш учун ёркин қарашдаги Ислом билан ва давлат сифатидаги Халифалик билан жиҳозланган бўлиши керак. Бу Фарб хукмронлик қилаётган амалдаги ҳарбий моделни жиҳод учун бюджет ажратадиган исломий моделга тубдан ўзгартириш деганидир. Исломдаги ҳарбий ақида-доктрина урушни

душманларимиз майдонига кўчиради ва шу тариқа исломий юртларимизда хориж томонидан қўллаб-кувватланаётган жангларга барҳам беради. Покистон, агар Исломни татбиқ этадиган бўлса, бизлар айттаётган бу ўзгартеришларни бошқариш учун керакли маблағга ҳам, имкониятларга ҳам эга. Исломнинг судхўрликни тақиқловчи хукмига бўйсунган ҳолда у харажатларнинг катта қисмини (45 фоизга яқинини) ташкил этувчи судхўрлик тўловларини тўлашни дарҳол тўхтатиб қўя олади ва бу маблағлар ҳарбий ва саноат соҳасини ривожлантиришга сарфланади. Бу бизнинг саноат базамизнинг кенгайишига, жаҳон миқёсида рақобатбардош ҳарбий ва саноат секторининг шаклланишига олиб келади. Покистонга «Ҳарбий Бажва доктринаси» керак эмас, бу бизнинг қуролли кучларимизни молиялаштиришни ва шу тариқа жанговар имкониятларни қисқартиришга олиб келди. Аксинча, биз Исломнинг жиҳодий ақидасига муҳтожмиз. Давлатимиз ақидаси Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик давлатидир. Бу – Ислом юртларини бирлаштиради ва бунинг учун дунёдаги энг замонавий ва ҳайбатли воситаларни ва ресурсларни сафарбар қилади. Бунинг учун Холид ибн Валид, Султон Мұхаммад Фотиҳ ва Султон Типу кабилар етакчилик қиладиган кўшинни сафарбар қилади. У кўшин нафақат босиб олинган Сринагар ва Ақсони озод қилади, балки Вашингтон, Лондон, Париж, Москва ва ҳоказоларни Исломга бўйсундиради. Шунда Уқоб байроғи бошлар узра ҳилпираб, умматимиз илгаригидек, ўз дини билан буюк бир Умматга айланади.

وَيَوْمٍ يُقْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٤٥﴾ بَصَرَ اللَّهُ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَسِيمُ

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У кудрат ва раҳм-шафқат эгасидир» [Рум 4-5] □

## МУСУЛМОН ОИЛА ВА «ЖОДУГАРЛАР БОЛҒАСИ»

Аҳмад ҳожи Муҳаммад

Барча мусулмон юртлари Фаластин, Сурия, Ироқ, Яман, Афғонистон ва бошқалар каби ҳарбий урушлар нишони эмас. Аммо бу – мамлакатнинг қолган қисми бошқа турдаги урушлардан омонда, дегани эмас. Агар куфр билан Ислом ўртасидаги уруш битта шаклда, яъни қиличу милтиқ билан бўлади деб ўйласангиз, эҳтиёт бўлинг! Сиз бошқа турдаги жангнинг қурбони бўлишингиз ҳам мумкин. Росууллоҳ ﷺ амр этдилар:

«جَاهِلُوْا الْمُشْرِكِيْنَ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ وَالْسِّتِّنِكُمْ»

**«Мушрикларга қарши молингиз, жонингиз ва тилингиз билан жиҳод қилинглар».** Бу ҳадисни Абу Довуд Анас ибн Молик رض дундан чиқарган.

Бу шуни англатадики, урушнинг шакллари хилма-хил бўлади. Унинг энг хавфлиси фикрий ва ақидавий уруш бўлиб, у ўз курбонларини душман қўлидаги аскарга ва душман лойиҳасининг содиқ хизматкорларига айлантиради. Шунда нодон аскарлар ҳамма ёққа тарқаб кетади ва иш душман фикри билан заҳарланган ва унинг атамаларини қўллайдиган манқуртларга топширилади.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَوَسْوَسَ إِلَيْهِ الشَّيْطَنُ قَالَ يَئَادُمْ هَلْ أَدْلُكَ عَلَىٰ شَجَرَةِ الْخَلْدِ وَمُلْكٍ لَا يَبْلِي﴾

**«Сўнг шайтон унга вассаса қилиб: «Эй Одам, мен сенга абадият дараҳтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?» деди»**

[Тоҳа 120]

Бошқа бир оятда бундай деди:

﴿فَوَسْوَسَ لَهُمَا الشَّيْطَنُ لِيُبَدِّيَ لَهُمَا مَا وُرِيَ عَنْهُمَا مِنْ سَوْءَاتِهِمَا وَقَالَ مَا نَهَمْكُمَا رَبُّكُمَا عَنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ إِلَّا أَنْ تَكُونَا مَلَكِيْنِ أَوْ تَكُونَا مِنَ الْخَلَدِيْنِ وَقَاسَمْهُمَا إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ النَّصِّحِيْنَ﴾

**«Сўнг шайтон уларни беркитилган авратларини очиб юбориш учун вассасага солди ва: «Парвардигорингиз фақат фаришталарга айланмаслигингиз ёки (жсаннатда) абадий яшаб қолмаслигингиз учунгина сизларни бу дараҳтдан қайтарди», деди. Ва уларга: «Албатта мен сизларга холисларданман», деб қасам ичди»**

[Тоҳа 120]

Шундай қилиб, шайтон ўша дараҳтга «абадият дараҳти» деган гўзал, жозибадор, мафтункор исм қўйиб, агар ундан есалар, битмас, туганмас фариштага айланни қолишини айтиб, устига

устак, Аллоҳ Таоло уларни бу дараҳтдан ейишни тақиқлаб күйганини ҳам эътироф қиласи:

﴿مَا نَهِيْكُمَا رَبُّكُمَا عَنْ هَذِهِ الْشَّجَرَةِ﴾

«Парвардигорингиз ... сизларни бу дараҳтдан қайтарди!»

[Аъроф 20]

Бироқ Одам ва унинг аёлини ўзига жалб қилиш мақсадида бу тақиққа мафтункор иборалар қўшади ва инсон табиатан яхши кўриб, боғланиб қоладиган орзулар: фаришта муҳаббати ва абадият истагини кўнгилга солади. Оқибатда бундай итоатсизликни инъом қилиб, ва уни мана бундай сифатлар билан безайди. У иккаласига бу дараҳтдан ейишнинг оқибати

﴿إِلَّا أَن تَكُونَا مَلَكِيْنَ أَوْ تَكُونَا مِنَ الْخَالِدِيْنَ﴾

«Фақат фаришталарга айланмаслигингиз ёки (жаннатда) абадий яшаб қолмаслигингиз учунгина» [Тоҳа 120]

дейди ва бундай соҳтакорлик ва безаб кўрсатишларга

﴿وَقَاسَمَهُمَا إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ النَّاصِحِيْنَ﴾

«Ва уларга: «Албатта мен сизларга холисларданман», деб қасам ичди» [Тоҳа 120]

иборасини қўшади.

Бу васвасани яхши билган Иблиснинг маъсият тузогига тушириш учун тутган биринчи йўли эди. Бунинг учун у ихлосли, раҳмдил маслаҳатчининг либосини кийди. У яхшиликни хоҳловчи, яхшиликни Одам Атога ёки Одам Атони яхшиликка етказувчи хайриҳоҳ кийимини кийди ва бу малъун исмларни айлантириб, сифатларни ўзgartиришга муваффақ бўлди.

Мана бугун ҳам коғир мустамлакачи Ғарб ўша шайтоннинг холислик либосини кийиб олган. Унинг издош ташкилотлари, режимлари, таълим ва оммавий ахборот воситалари эркинлик ва камситишнинг барча кўринишларини рад этиш даъвоси орқали бир қатор жарангдор иборалар остида хавфли атамаларни такрорлашмоқда. Агар бу ибораларни мазлум кимса эшитса, бу жимжимадор сўзлар эгасини халоскорим, деб ўйлайди. Агар уларни аёл киши эшитса, менинг муаммоларим ечими албатта шунда, деб ҳис қиласи.

Бу мунозаралар остида улар «Гендер» атамасини такрорлашмоқда, демак, бу нимани англатади ва бу қисса қачон бошланган??

Милодий 1949 йилда француз ёзувчи аёли Симоне де Бовуар томонидан «Бошқа жинс» китоби нашр этилди. Бу китоб дунёдаги феминистик ҳаракатни таъсис этган дастур ҳисобланади.

Бу ерда мухим нарса шундан иборатки, Симон ўз китобида аёл эркак дунёсида аёлга айланишини таъкидлар экан, бундай дейди: «Инсон аёл бўлиб туғилмайди, аксинча, аёлга айланади. Бу шуни англатадики, аёл улғайгач, ундаги аёл органларининг мавжудлигигина эмас, балки у яшайдиган жамият уни аёлга айлантиради...». Шу тариқа у биринчи бўлиб «гендер» тушунчасини назарий асослашга йўл очди.

Сиз бу сўзларни уйдирма ва бемаънилик деб ҳисоблашингиз мумкин, лекин охиригача кузатиб борсангиз, бу уйдирмага эргашувчилар кўпайиб кетаётганини кўрасиз, Аллоҳ асрасин. Бу атама биринчи марта милодий 1994 йилда Қохирада ўtkазилган ахоли бўйича конференция ҳужжатида 51 жойда пайдо бўлди, кейин у 1995 йилдаги Пекин аёллар конференциясида очик шартлар билан иккинчи марта кўтарилиди. У халқаро конференцияларда кенг қўлланилди. Машхур Пекин халқаро конференциясининг инглизча версиясида бу атамага таъриф берилмаган ҳолда 254 марта тилга олинган. Консерватив мамлакатларнинг босими остида унга таъриф бериш учун ишчи гурухлар тузилди ва «Таърифлар қўмитаси» бу атамага таъриф бермасликка қарор қилди.

Шундай қилиб, бу бизни ушбу «гендер» атамасининг ҳақиқий моҳиятини билишга етаклайди. Бу чалғитувчи, ноаниқ атамадир. Бу эса унинг ортидаги ҳақиқий мақсадлар бўйича кўплаб баҳс-мунозараларни келтириб чиқарган...!! Айтиш мумкинки, гендер атамаси: эркак ҳам, аёл ҳам эмас, балки жамият нормалари ва инсон танлови билан белгиланадиган учинчи жинсга ишора қиласи ва бу ерда унинг жинсий аъзоларининг эътибори йўқ. Чунки инсон аъзолари жиҳатидан эркак ёки аёл бўлишининг у амалга ошириши мумкин бўлган ҳар қандай жинсий фаолиятни танлашига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Гендер атамаси бўйича, у ўзининг жинсий ўзлигини танлаши мумкин. Эркак киши аёл бўлишни танлаши ва аёл ўз хоҳиши ва шахсий танловига асосланиб эркакка айланиши мумкин. Демак, аёл – жамият унга ўша аёллик ролини бергани учунгина аёл, эркак ҳам жамият унга бу ролни бергани учунгина эркакдир. Бу Аллоҳнинг махлукотларни яратиши ҳақида, динда ва тўгри урфда келганидек, аёллик ва эркакликка қарама-қаршидир. Чунки инсон ё эркак ёки аёл бўлади. Бу илоҳий иродадир. Чунки

Аллоҳ инсонни ё эркак ёки аёл қилиб яратган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنَّهُ خَلَقَ الْرِّجَالَ وَالْأَنْثَى﴾

**«Ва албатта У зот эркак-аёл жуфтларни яратгандир»**[Нажм 45]

Демак, аёллик илохий ирова бўлиб, бу фитрат (инстинкт) талабларидан биридир. Шундай қилиб, гендер атамасидан хотинчалиш ёки ўзини аёл деб ўйладиган эркак ёки ўзини эркак деб биладиган эркакшода аёл келиб чиқиши табиийдир. Шунга кўра, гендер тушунчаси Фарб етиб келган ҳайвонийликнинг энг аниқ тасвири бўлиб, у оила учун жуда хавфли бўлган мақсадларни амалга ошириш воситасидан ўзга нарса эмас.

Уларнинг терминологиясига кўра, ҳар бир инсон бир жинс-гендер бўлиб, эркаклар ёки аёллар ўртасидаги ноодатий тақиқланган жинсий алоқа гендернинг гендер билан бўлган алоқасидир, шу боис нима учун бу алоқаларга эътиroz билдириш керак. Бошқа томондан, ҳамма бир жинс деган нарсани рўкач қилиб, эркаклар ва аёллар ўртасида тўлиқ тенгликни ёйишни мақсад қилишади. Шунинг учун улар ҳаёт майдонларида сиёсий гендерлик, иқтисодий гендерлик, ижтимоий гендерлик ва бошқа турдаги гендерликлар бўлишини талаб қилишади. Улар ҳатто эркак билан аёл ўртасидаги лафзларда ҳам тенгликни талаб қилишди ва Инжилнинг Янги Аҳднинг тузатилган нусхасини нашр қилдилар, унда улар эркак ва аёл олмошларини бекор қилдилар, Улар, шунингдек, 1997 йилда Яманда «Гендер тили» номли конференция ўтказдилар.

Агар сиз гендер атамаси ва унинг бадбўй маъноси ҳақида эшитсангиз, бундай дейсиз: «Мен Аллоҳдан бу ифлосликни қабул қилаётган кимсалардан паноҳ беришини сўрайман?...». Ажабланарлиси, гендер, феминизм, тана мустақиллиги атамаси ва оилани бузадиган барча атамалар аслида бир гояга бориб тақалади. Афсуски, мана шу умматнинг кўпчилик фарзандлари буни онгсиз равишда тақрорлаяптилар! Хўш, у холда улар асосланган гоя нима? Агар биз уни синдирисак, уларнинг режаларига асосларидан путур етказадиган гоямиз нима?... Шу масалага бошдан тўхталиб ўтамиш:

1482 йилда Европада, аникрофи Германияда, роҳиблар Генрих Крамер ва Якоб Шпренгер томонидан ёзилган ғалати китоб ва файриоддий роман пайдо бўлди. Ушбу китоб черков учун икки аср давомида аёлларни қийнаш бўйича расмий маълумотнома сифатида қабул қилинган. Икки аср давомида ўн минглаб бегуноҳ

аёлларга нисбатан зулм ўтказилди, уларга ёлғон айловлар қўйилиб, қириб ташланди. Аёллар хибсга олинишидан тортиб то ўлдирилишгача энг оғир қийноқ ва азобларга солинар эди. Улар яланғоч ҳолга келтирилар, танасидаги хол ёки доғ каби ўзлари иддио қилган шайтон билан бу аёл ўртасида қандайдир алоқа борлигини очиб берадиган белгилар қидирилар эди. Бу аёлни боши билан қўллари бўйини ўраб турган бир бўлак ёғочга тикиб, кишанланган ҳолда олиб келинар эди. Олиб келинган пайтда судъяларга у аёлнинг юзи эмас, балки орқаси қаратилган бўлиши керак эди. Уни ҳукм қилишдан олдин унинг айбисизлигини синаб кўришади. Чўктириш усулини қўллайдилар. Кўл оёқларига тош боғлаб, дарёга улоқтирадилар. Агар у сув юзига қалқиб чиқиб қолса, демак, у шубҳасиз жодугар бўлади ва у оловда ёқилиб, дарҳол ўлдирилади, яъни унга ҳукм чиқарилишидан олдин ундан кутулишади, агар у қалқиб чиқмаса, унда ҳам унинг тақдири бир хил бўлади, яъни ўлади.

Кино ижодкорлари ва кинематографлар қўрқинчли фильмларни суратга олишда ҳамон шу китобга таяниб келишади. Айниқса, 2006 йилда суратга олинган, китобнинг айни номини олган «Жодугарлар болғаси» фильмни фикримизнинг исботидир.

Ҳа, гарбликлар аёлларга шундай қарашади. Бирор киши бу одатлар беш аср олдин бўлган ва қадимийdir деб даъво қилмаслиги учун, мен 1804 йилда қабул қилинган ва Наполеон қонуни сифатида танилган фуқаролик қонунини эслатиб ўтмоқчиман. Унда бундай дейилади: «Аёл эркакка фарзанд кўриш мақсадида берилади. Аёл бизнинг мулкимиз ва биз унинг мулки эмасмиз». Турмушга чиқсан аёлнинг қонунчиликда жисмоний шахс сифатида ҳеч қандай иштироки йўқ. Чунки вояга етмаганлар, жиноятчилар ва ақли заифлар учун аҳвол қандай бўлса, у ҳам худди шундай барча конуний ҳуқуқлардан маҳрум қилинган!»

Гарбнинг қонли ва шафқатсиз меросига ва унинг аёлларга нисбатан паст қарашларига жавобан, биз мамлакатимизда кўплаб номлар остида эшитадиган феминистик ҳаракат деб аталадиган ҳаракат шаклланди. Хотин-қизлар озодлик марказлари, аёллар имкониятларини кенгайтириш ташкилотлари, CEDAW (Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция) гурухи ва бошқалар вужудга келди...

Унинг келиб чиқиши XVIII асрга тўғри келади, феминизм атамаси биринчи марта 1880 йилда француз аёли Хебертин Оклар томонидан киритилган бўлиб, у ўзининг La Citoyenne газетаси орқали аёлларни озод қилиш ва уларга ўз ҳуқуқларини бериши

талаб қилган. Чунки бу нарса Франция инқилобида вайда қилинган эди. У эркаклар хукмдориятини танқид қилди, чунки ўша пайтдаги аёллар бу хукмдориятдан таҳқирлаш, хўрлаш ва камситишдан бошқа нарсани кўрмаган.

Мусулмон мамлакатлариға олиб кирилган кўплаб Farb атама ва foялари сингари, бу атама дастлаб Misrga ўтган асрнинг 20 чи йиллари бошларида «Феминизм» номи билан киргизилган ва кейин бошқа миңтақаларга тарқатилган. Унда биз гапирган Farb мероси билан араблар мероси ва мусулмонлар сақофати ўртасидаги фарқлар ҳисобга олинмаган. Чунки феминистик ҳаракат аёллар тарихига соф Farb нуқтаи назаридан қараган. Шу сабабли Farb тарихи, унинг аёлларни таъқиб қилиши ва уларни ёвузлик ўчоги ва иллат манбаси сифатида кўрсатиши инсоният тарихига айланди. Одатдагидек, Farb ўз меросидан бошқа ҳар қандай меросни ва ўз сақофатидан бошқа ҳар қандай сақофатни четга сурибгина кўймасдан, ҳатто бекор ҳам қилди. Аёлларни озод қилишдан олдинги даврни аёллар қуллиги даврига, янгиланиш даврини эса, аёллар озодлиги даврига боғладилар. Улар бу озодликни инсоният тараққиётининг энг муҳим белгиси ва халқлар юксалишининг бир ўлчови сифатида қабул қилдилар. Мустамлакачи Farb ва феминистик ҳаракатлар халқ эртакларида сиртлоннинг одамлар билан қиладиган ишини қилди, чунки у думига бавл қилади, кейин уни ўзининг курбонига ташлайди, қарабсизки, у ўзи билмаган ҳолда унинг ортидан эргашиб кетаверади. Farb ҳақиқий сиртлондир, шунинг учун унинг феминистик ҳаракатлар ифлослиги билан сизларни кўмиб ташлаб, оиласларингизни бузиб юбориб, қизларингизни ўғирлаб кетишидан эҳтиёт бўлинг.

1919 йилда инглизлар Misrни тарқ этсин, деб талаб қилган намойишлар бўлиб ўтди ва Сафия Зағлул бошчилигига аёллар намойиши бошланди ва аёллар Қаср Нил олдида босқинчиликка қарши ҳайқириқлар билан чиқиши ва бирдан улар хижобларини ечиб, ерга улоқтиришдида, унга ўт қўйишиди. Бу намойиш босқинчиликни қоралаш учун эмасмиди? У ҳолда хижобнинг бунга нима алоқаси бор эди?! Нега Ҳуда Шааравий ва Сафия Зағлул каби бу шахслар курашувчи, пешқадам ва оммага ўрнак қилиб кўрсатилди?! Бу ишлар ортида мусулмон мамлакатларини гарбластириш режалари ва Гладстоннинг кўрсатмалари турганига шубҳа йўқ. Негаки, у бундай деган эди: «Агар биз Исломни йўқ қилмоқчи бўлсак, мусулмон аёлларнинг хижобини ечиб, у билан Куръонни ўраб қўйишимиз керак».

Ушбу қурбонлик ғоясига күра, нафақат мусулмон аёллари, балки бутун инсоният аёллари бизни бошқараётган капитализм ва демократия оловида ёнмоқда. Европа аёллари бошдан кечирған қора тарихдан сүңг ва ўз ҳуқуқларини әркак ҳукмдориятидан олишни даъво қиласынан феминистик ҳаракатлар құзғолонида аёллар ишга солинганидан сүңг, улар бечора аёлни ўз танаси ва ҳәтида ёлғиз ўзи ҳал қилувчи қарор әгаси бүлмагунча озод бўлолмаслигига ишонтиришди. Шунда у жисмонан мустақил бўлиб, танани хоҳлаган кишисиға бера олади, хоҳлаган кишисидан, ҳатто эридан ҳам ман қила олади, агар эрининг яқинлашишига рози бўлмаса, турмуш ўртоғим зўрлади, деган даъво билан уни қамата олади. Улар бечора аёлни эркинлик бу ўзини әркаклар қучоғига отиши ҳамда тажриба майдони ва роҳатланиш нишонига айланишидир деб ишонтира олишди. Шунингдек ҳазорат ва давлат унга барча ҳуқуқларини тақдим этяпти деб қаноатлантира олишди. Бечора аёл Ислом ҳар бир мусулмон аёлга унинг барча ҳуқуқларини сақлаб қолган ҳолда кафолатлаган хавфсизлик ва оиласиб барқарорлик неъматидан маҳрум бўлганини бир неча йиллар ўтиб билади.

Масалан, бугунги кунда аёлларга нисбатан уларнинг эркинлигини порнография билан боғлашдан кўра каттароқ жиноят йўқ. Улар унга турмуши сабабли у әркакка қул бўлиб қолади, чекловлар ва танглиқка дучор бўлади ва у «ўз ҳәтини никоҳдан узокроқ тутиши лозим» деб алдашди.. Карабсизки, улар унинг ҳамма әркакларга қул бўлишини ва ҳамма фойдаланиши учун арzon-гаров матога айланишини истаётган бўладилар. У харидорларни жалб қилиш учун дўконлар олди-сотдисида, стюардесса сифатида, рекламада, фильм ва сериалларда, рақсларда ва ҳоказоларда қўлланилади. Аёлларга нисбатан бундай қараш капиталистик тузумдан келиб чиқкан. Шунинг учун биз Фарбнинг муслима аёлга эътибор қаратиб, уни мазлум, қолоқ, эркинлиги таъминланмаган, деб иддио қилаётганини, ўзини аёлга унинг ҳуқуқини берувчи, муслима аёл шаръий либоси билан қолоққа айланиб, ўз фикрини билдиришдан ҳам маҳрум деб даъво қилаётганини кўрамиз. Ажабланарлиси шундаки, айримлар уларга ишониб, онаси, синглиси ва қизи бўлмиш муслима аёлни ҳар бир ахлоқсиз ва беҳаё қишининг кулгиси ва ўйинчоги қилиб қўйишни, муслима аёлнинг ўзини зийнатлаб, хижобини ечишини хоҳлашмоқда. Чунки капитализм тузуми муслима аёлларнинг гўзалликларини кўрсатишини, рўмолларини ечишини истайди, гўё

бу ҳазорат (цивилизация) яланғочлик ва эркакларнинг қучоқлари орасида кезиб юришдан иборатга ўхшайди!

Эй покиза ва иффатли муслима синглим, сендан хавотирланаман деган кимсалардан эҳтиёт бўл ва уларнинг сақофатини уйингга киришига йўл қўймаки, Умму Омирни (сиртлоннинг лақаби) уйига қўйган кишига ўхшаб қоласан. Чунки у овчилардан қочган сиртлонга уйидан бошпана берди, уни ҳимоя қилиб, паноҳ бериб сут ичирди. Лекин у ухлаб қолгач, сиртлон унинг қорнини ёриб, ичакларини еди ва унга хиёнат қилди. Сиртлонларни уйингизга олиб киришдан эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт. Ҳа, чунки уларнинг режаси гаразли ва сиёсий, гарчи улар унга инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқлари ташкилотлари деган кийимни кийинтирган бўлсалар ҳам.

1998 йилда АҚШ давлат департаментининг Ямандаги инсон ҳуқуқлари амалиёти ҳақидаги ҳисоботида эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларга оид шаръий ҳукмлардан ҳайратда қолиши ва улар бу ҳукмларни танқид қилишни бошладилар ва улар муслима аёлларга нисбатан чекловлар инсон ҳуқуқларига зид, деган баҳонада уларни ўзгартироқчи бўлишди. Ҳисоботда айтилишича, аёллар қонун, ижтимоий анъаналар ва дин томонидан ўрнатилган кўплаб чекловларга дучор бўлмоқда. Масалан, эркакларга тўртта хотин олишга рухсат берилган ва қонун аёлдан эрига «бўйсунишини» талаб қиласи ва у билан бирга шартномада кўрсатилган жойда яшаши, никоҳ мажбуриятларини бажариши шарт ва унинг рухсатисиз уйдан чиқмаслиги керак... Ҳисоботда яна бундай дейилади: «Ислом қонунлари эркакнинг насроний ёки яхудий аёл билан турмуш қуришига рухсат беради, лекин мусулмон аёлга Ислом ташқарисидан турмуш қуришига рухсат берилмайди». Бу ерда Америка мусулмон аёллар учун нимани хоҳлаётгани кўриниб турибди. У «эркакларга қандай бўлса аёлларга ҳам ўшандай талабларни» хоҳлайди. Яъни аёл тўртта эрга турмушга чиқиши, кофирга турмушга чиқиши ва эркаклар каби изнисиз ёки маҳрамсиз сафарга чиқишини хоҳлайди. Бу ишлар (эркак ва аёл ўртасидаги teng ҳуқуқлилик) асосида олиб борилади. Бу уларнинг бизнинг аёлларга хоҳлаган ва улар чақираётган аёл эркинлигидир. Чунки бу уларнинг чириган цивилизациясининг асосидир.

Энди бизнинг Ислом ҳазоратимизга келсак, у уларнинг ифлос терминологиясини умуман тан ҳам олмайди ва ҳеч қачон тенглик масаласини муҳокама қилмайди. Зоро, Ислом инсон муаммоларини

инсон сифатида ҳал қилиш учун келган, аёл ҳам эркак каби бир инсондир. Росууллоҳ  саҳих ҳадисларида:

«إِنَّمَا النِّسَاءُ شَفَاقٌ لِلرِّجَالِ»

**«Аёллар эркакларнинг ярми»,** дедилар. «Имом Хаттобий «Маолимус сунан»да ушбу ҳадисни шарҳлаб, «аёллар эркакларга ўхшашдир, улар кабидир, гўё улар эркаклардан бўлингандир», дедилар. Ислом аёлларни рози қилиш учун эмас, балки уларга ҳам эркаклардан фарқсиз эътибор бергани учун ҳақиқий ва самарали рол берган. Биз буни Ислом тарихида даъват бошланишида, давлат қуришда, жиҳодда, илм-фанда, сиёsatда, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришда гувоҳи бўлдик. Эҳтимол олтита саҳих китобларда бевосита ёки билвосита ривоят қилган саҳоба аёлларнинг умумий сони бир юз ўн беш нафарга яқин эканини билмассиз... Милодий 859 йилда Марокашда ташкил этилган дунёдаги энг қадимги университетга (Гиннеснинг рекордлар китоби таснифига кўра) Қаровиййин университети асосчиси Фотима бинти Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Фиҳрий Қайравония номли аёл асос согланини билмаслигингиз мумкин.

Хурматли синглим, муҳтарам биродарим, тарих китоблари ва интернет саҳифаларини варақласақ, Шом хоними, илм ҳомийси ва мактаблар қурувчisi Фотима бинти Нажмиддин Айюб ҳақида ўқиймиз. Ёзувчи ва Дамашқ шайхаси Оиша Бауния эса кўплаб китоб ва тўпламлар ёзган бўлиб, улардан энг машҳури «Фатхул Мубин фи мадҳил Амин» китобидир. Суютий грамматикачи ва тилшунослар қаторига киритган математик, шоира ва грамматикачи Лубна Куртубий эса Халифа Ҳакам Мустансирнинг котибаси бўлган ва халифа унга қаттиқ ишонган. Агар яна-да кўпроқ ва батафсил гапирмоқчи бўлсақ, бизга ўнлаб, юзлаб мақолалар керак бўлади. Муслима аёл бугунги кунгача ҳақиқий ролга эга бўлиб кельмоқда. Мана, унинг инқилобимизда ва барча мусулмон мамлакатларидағи сиёсий ҳаракатлар ва жамоатчилик фикридаги иштирокига бир назар ташланг.

Хулоса: Мусулмон оилани мустамлакачи Гарбнинг фитналаридан ва оилани бузиш режаларидан фақат ва фақат Ислом давлати ва мусулмонлар ҳазоратигина қўриклай олади... Ислом давлати тез кунларда қад кўтаришини Аллоҳдан сўраб қоламиз. □

# **МАФКУРАВИЙ КУРАШ, ИСЛОМГА ҚАРШИ МАКР-ХИЙЛА КИЛИШ ҲАМДА ХАЛИФАЛИКНИ БАРПО ЭТИШ ҲАРАКАТИГА ЗАРБА БЕРИШ БҮЙИЧА МУСТАМЛАКАЧИ ҒАРБНИНГ УСУЛЛАРИ**

**Мұхаммад Яманий**

Европа илм-фанни ва инсонпарварликни никоб қилиб, миссионерлик йўли орқали Ислом оламига қарши мустамлакачилик урушини бошлади ва бунинг учун катта бюджет маблағлари ажратди. Булар сиёсий разведка ва сақоғий мустамлакачилик доиралари мусулмонлар юртларига яхшилаб ўрнашиб олишлари учун эди. Токи улар Ғарб мустамлакачилиги авангардларига айлансин. Шундай қилиб, ушбу мустамлакачилик учун кенг майдон пайдо бўлиб, унинг қархисида Ислом олами эшиклари ланг очилди ва аксар исломий юртларда миссионерлик жамиятлари ёйилди. Уларнинг катта қисми Англия, Франция ва Америка жамиятлари бўлиб, улар орқали Британия, Франция ва Америка таъсири кириб келди. Дарҳақиқат, ушбу жамиятлар миллатчилик ҳаракатларини бошқарар ва мусулмонлар орасида таълим-тарбия йўналишларига ҳукмронлик қиласар эди. Бу нарса биринчидан, исломий давлатга барҳам бериш учун арабларни ундан ажратиш учун бўлиб, улар бунда муваффақият қозонишиди ва мақсадларига эришишди. Иккинчидан эса, мусулмонларни ўзлари ундан бошқасини билмайдиган ҳақиқий робита-Ислом робитасидан узоклаштириш эди.

Дарҳақиқат, бу жамиятлар бир қанча жирканчли ролларни бажаришди. Бугун биз аламларини тотаётган заифлик ва таназзул айни ўшалар қолдирган излардир. Улар мусулмонларни Исломни тушунишдан атайлаб чалғитишиди. Чунки улар мусулмонлардаги куч-кудрат манбасини излаганларида, уни Исломдан топдилар ва исломий ақида улардаги қувватнинг ягона манбаи эканини пайқашди. Шу сабабдан, мустамлакачи коғир Ислом оламига бостириб кириш йўли ҳақида бош қотириб, сақоғий юришни бунинг энг яхши йўли сифатида кўрди. Улар ўн олтинчи аср охирида Малтада йирик миссионерлик марказини ташкил этишиди ва 1625 йили уни Шом юртларига кўчиришди. Лекин улар одамлар томонидан бўлган кувгин, қаршилик ва тўқнашувлар туфайли катта қийинчиликларга дуч келишиди, бироқ сабр-тоқат билан 1773 йилгача, яъни миссионерлик ва миссионерлар изи бутунлай йўқ қилингунича туришди. 1834 йилда эса улар яна қайтишди. Ушбу миссияга фаол киришган кимса американлик машхур (Эли Смит) бўлади. У рафиқаси билан бирга Байрутда қизлар мактабини

очгандан кейин унинг олдида майдон кенгайди. Бу кимса ўз ҳаётини хусусан Байрутда ва умуман олганда Шом диёрларида фаолият қилиш учун бағишилади.

<b>Ал-Ваъй:</b> Миср камоқхоналарида ҳам бошқа исломий юртлардаги қамоқхоналарда бўлгани каби зулм ва коррупция кенг тарқалган ва ошкор этилмаганлари бундан-да ёмон! Бу хабар эса бутун Уммат учун ўз хукмдорларига қарши чиқишиларига туртки бўймоғи даркор. Биз Аллоҳ Субҳанаҳудан бу режимларни илдизи билан йўқ қилишимизга муваффақ айлашини сўраймиз. Зеро, Умматнинг қамоқлар ташқарисидаги аҳволи ичкаридаги аҳволидан қолишмайди.		
<p><b>Саудия Арабистони ўқув дастурларидан босқинчи яҳудийларга қарши материалларнинг олиб ташланганини бутун иброний оммавий воситалар олқишилади</b></p>		
<p>Бугун босқинчи яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш босқичига чиқилаётган бир манзарада, иброний оммавий ахборот воситалари Саудиядаги ўқув дастурларига киритилаётган ўзгартиришларни кузатишда давом этмоқда. Ақсо масжидининг ёқилишини айбламаслик ва 1967 йил уруши Яқин Шарқ тинчлигини назорат қилиш мақсадида бошланган деб билиш кабилар айни ўзгартиришларнинг муҳимлари саналади. «Едиот ахронот» газетаси муҳбири Итамар Айхнер бундай даъво қилади: «Мұхаммад ибн Салмон амалга оширган инқилоб у ҳокимиятга келгандан буён мактаб адабиётларини ислоҳ қилишда ва мазмунини ўзгартиришда ўз аксини топди. Масалан, яҳудийларнинг «шайтонга сифинувчи маймун ва тўнғизлар», «табиатан хиёнаткор халқ», «Исломнинг ашаддий душманлари» каби сўзлар олиб ташланди. Шу билан бирга, Исроилга қарши ёзилган материаллар ҳам йўқ қилинди, жумладан, Исроилнинг ўз худудини Мисрдаги Нил дарёсидан то Ироқдаги Фурот дарёсига қадар кенгайтиришдек ғаразли режалари, тил биректирувлари ва ғоялари борлиги, буларни амалга ошириш учун у аёллардан, гиёҳванд моддалардан ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши кабилар» ҳаммаси олиб ташланди».</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
«Арабий 21» томонидан таржима қилинган ушбу мақолада мухбир қүйидагиларни қўшимча қилди:		
<p>«Исройл янги тадқиқотлариға кўра, Саудия Арабистони ўз ўкув дастурларида сўнгги беш йил ичида бу йил кўп ўзгартиришлар қилди, мактаб дарсликларидан Исройл ва антисемитизм соҳасида ижобий қадамлар ташлади. Ҳизбуллоҳ ва Ҳусийлар, Ихвонул Муслимин каби Эрон томонидан қўллаб-қувватланувчи ташкилотларга қарши мавзуларда ҳамда гендер tengлиги масаласида ҳам мамлакат кўп ютуқларга эришди. Ушбу тадқиқотда сўнгги беш йил ичида 301та ўкув дарслиги таҳлил қилинди. Энг муҳим ўзгаришлар, жумладан, яхудийларга нисбатан салбий муносабатни ўзгартириш, дарсликлардан деярли барча антисемитизм материалларини олиб ташлаш, яхудийларнинг Фаластинда жойлашишига қарши қўшиқларни олиб ташлаш ва сионистларнинг Фаластин заминидаги иддаоларини рад қилишга оид дарсликларни йўқ қилишдан иборат бўлди. Ҳатто ўрта таълим учун тарих дарслигидаги фаластиналарга оид биринчи қўзғолоннинг ижобий натижалари ҳақидаги дарслик ҳамда Исройл соҳта демократик вужуд сифатида тилга олинган сўзлар, китобларнинг бирида Исройлнинг 1969 йилда Ақсо масжидини ёқиб юборишига оид айблов, булар ҳам дарсликлардан олиб ташланди».</p>		
Мухбир яна қўшимча қилди:		
<p>«Саудия таълим вазирлиги мактаб дарсликларидағи Исройлга оид бир неча атамаларни ўзгартириди ҳамда сионист душман ёки яхудий душман атамалари ишғолчи Исройл атамасига алмаштирилди». «IMPACT-se» (Мактабларда тинчлик ва маданий бағрикенгликни мониторинг қилиш институти)нинг ижроий директори Маркус Шифф – мактаб дарсликларидағи ҳар бир ислоҳот муҳим эса-да, бироқ бу мусулмон юртларидағи сунний мазҳабнинг етакчиси бўлган Саудия учун алоҳида аҳамиятлидир, деди. Унинг ўринбосари Эрик Агасси қўйидагиларни таъкидлади: «Ибн Салмон амалга ошираётган бу ўзгаришлар мисли қўрилмаган жасорат бўлиб, истиқболли ишлардан дарак бермоқда. Чунки бу оддий бир мамлакат эмас, унинг дарсликлари бутун дунё мусулмон жамоаларига тарқатилади, уларни масжидлар ва бошқа таълим масканларида ўн миллионлаб ўқувчилар ўрганишади».</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Биз яхудийларга бундай деймиз: исломий юртлардаги бу хукмдорларга бўлган сенларнинг умидинг саробдир,</p>		

<p><b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b></p>	<p>قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ»      «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зудм қилимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»</p>	<p><b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b></p>
<p>муносабатларни нормаллаштириш уринишинг ҳам хомхаёлдир, бундан бошқа нарса эмас. Ахир, кўрмадингми, Уммат сенларга нисбатан ҳукмларини асло ўзгартирмади... ҳалқаро вазият шамоли эса сенларга қарши эсмоқда, эртанги кун кутаётган киши учун жуда яқиндир.</p>		
<p><b>Тунис янги бош вазири Аҳмад Ҳашаний ким? Сиёсий Исломга душманми?!</b></p>		
<p>Кутилмаганда Тунис президентлиги бош вазира Нажло Будинни ишдан олиш ва ўрнига Аҳмад Ҳашанийни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарди. Бу ўзгариш Тунис иқтисодий ва молиявий инқизозга гувоҳ бўлиб, бъязи асосий товарларни етказиб беришда узилишлар давом этаётган бир пайтда содир бўлди... Кейинроқ Тунис президентлигининг «Facebook»даги расмий сайтида Ҳашанийнинг президент Қайс Сайд олдида конституциявий қасамёд келтираётгани акс этган видеоролик тарқатилди. Ушбу янги бош вазирнинг инаугурация маросими туширилган видеода Қайс давлат ва жамиятда фуқаролар тинчлигини сақлаш учун енгib ўтиш керак бўлган катта муаммолар борлигини таъкидлади.</p>		
<p>Бу Ҳашаний деганлари ҳуқуқшунос бўлиб, пойтахт Тунисдаги ҳуқуқ ва иқтисод фанлари факултетини 1983 йил битирган. Бош вазирлик лавозимига тайинланишдан олдин Тунис марказий банкининг юридик масалалар бўйича бош менеджери бўлиб ишлаган, сўнг айни банкнинг собиқ директори Шозли Аярий даврида нафақага чиқарилган. Ҳашаний ижтимоий тармоқларда ўзига тегишли аккаунтлари орқали давлатнинг илмоний бўлиши ва демократия ҳамда эркак-хотин teng ҳуқуқлилиги тарафдори сифатида танилган. У, шунингдек, фейсбуқдаги ўз номи ва сурати кўйилган аккаунтида кўплаб постлари орқали ўзининг сиёсий исломий ҳизбларга душманлигини намоён этган ва бунинг муқобили ўлароқ, президент Сайдни 2019 йилда Қартож саройига келишидан олдинги сайлов кампаниясида кўллаб-куvvatлаган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Шундай қилиб, ҳукмдорлар Исломга очик душманчилик қилишда бир-бирларидан қолишмаяпти. Фарб Тунис аҳлини шу аҳволга согандан кейин бу ҳукмдорлар уларни кутқариш ва тўғри сиёсат билан бошқариш, нормал турмуш тарзи билан таъминлаш қўлларидан келмагани камлик қилиб, яна шу Фарбни дўст тутишяпти, унинг сиёсати ва кўрсатмаларини бажаришяпти... Устига-устак ҳатто Исломга душманлик қилишда</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
		катьй туришибди. Яъни иллатни иллат билан муолажа қилишга уринишаپти.
	<b>Озарбайжоннинг Истроилдаги элчиси яхудийларнинг энг қўзга кўринган раҳбарлари билан учрашиб, яхудийлар билан биродарлик алоқалари ўрнатилишини эълон қилди</b>	
	Озарбайжон икки томон ўртасида 30 йиллик дипломатик муносабатлардан сўнг ўтган март ойида Тель-Авивда ўз элчихонасини очди. Таъкидлаш лозимки, босқинчи вужуд Ozarbayjon билан муносабатларни янада ривожлантиришга интилмоқда. Маълумки, Ozarbayjon Oсиё қитъасида стратегик мавқега эга давлат бўлиб, уни Эрон билан узун чегаралар боғлаб туради. Эрон Ozarbayjonni босқинчи вужуднинг қўшни давлатлар ерлари орқали агрессив операцияларни амалга оширишига қулайлик яратадиганликда айблаб келади. Ozarbayjon билан «Истроил» ўртасидаги муносабатларнинг охиргиси Ozarbayjon элчиси Мухтар Мамедовнинг АҚШдаги йирик яхудий ташкилотлари раҳбарлари Ассоциацияси бош директори Уильям Дарофф билан учрашиши бўлди. Учрашув якунида Мамедов яхудий ташкилотлари билан давом этаётган ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, улар билан шериклик алоқаларини кенгайтиришга умид қилишини айтиб ўтди. У Ozarbayjon раҳбариятининг яхудий халқи билан қўп асрлик ўзига хос қардошлик муносабатлари анъанаси доирасида бутун дунёдаги яхудий етакчилари билан ўзаро ҳамкорлик сиёсатини амалга ошираётганини таъкидлаб, ўз раҳбариятининг асл башарасини фош қилди. Бундан олдин Ozarbayjon президенти Илҳом Алиев Мюнхендаги хавфсизлик саммити чоғида Европа раввинлари ассоциацияси президенти Пинхас Гольдшмидт билан учрашди. Бундан ташқари, ноябр ойида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган йирик конференция арафасида Европа раввинлари ассоциациясининг юзлаб аъзолари Бокуга боришлири ҳамда маҳаллий синагогларни зиёрат қилиб, бутун Ozarbayjon бўйлаб яхудий жамоалар билан учрашишлари кутилмоқда. Айтиш мумкинки, босқинчи давлат билан Ozarbayjon ўртасидаги бундай сиёсий мувофиқлашув ва хавфсизлик муносабатларини ҳамда ҳарбий келишувларни фаоллаштириш ортида «Истроил»нинг Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида ўз нуфузини кучайтириш ва янги роллар излаш истаги ётибди. Бу муносабатлар расмий даражадаги кўплаб учрашувлар, ўртадаги икки томонлама	

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَحْفَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зудм қилимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
муносабатларни истиқболларини	ривожлантириш мухокама қилиш, уларни оддий иқтисодий муносабатлардан стратегик муносабатлар даражасига кўтариш масалаларига тўладир.	ва мустаҳкамлаш
<b>Ал-Ваъй:</b> Бу хукмдорларнинг ўз динлари, Умматлари ва масалаларига бўлган навбатдаги хиёнатларидир.		
<b>Саудия билан «Исроил» ўртасидаги қуёш энергияси соҳасидаги шартнома «ноёб ҳамкорлик»</b>		
Иброний оммавий ахборот воситалари Риёз билан Тель-Авив ўртасида расмий алоқалар йўқлигига қарамай, Саудия Арабистонининг марказида «Исроил» компаниялари, энергия тармоғида яхудийларнинг янги сармояси борлигини ошкор қилди. «I24NEWS» веб-сайти хабарида айтилишича, «Исроил»нинг «SolarEdge» номли қуёш энергияси компанияси билан Саудиянинг «Ajlan & Bros Holding (ABH)» номли компанияси ўртасида саудияликларни қайта тикланадиган ва ақлли энергия билан тъминлашга қаратилган қўшма ҳамкорлик доирасида ошкора кўринишда ҳамкорлик бошланган.		
Сайтда иддио қилинишича, бу қўшма иш «саудиялик компанияга ушбу ўн йилликнинг охиригача саудияликларнинг нефтга боғлиқлигини камайтиришга ёрдам бериш учун амалга оширилмоқда ва бу икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар мавжуд эмаслиги эътиборидан, бу ҳамкорлик ноёб ҳисобланади». «SolarEdge» қуёш энергияси компанияси «Саудия заминида, пойтахт Риёзда маҳаллий компания ташкил этишини ҳамда мамлакатдаги компаниялар ва муассасаларни қуёш энергияси ишлаб чиқариш, сақлаш, бошқариш тизимлари, шунингдек, қуёш энергияси ишлаб чиқарилувчи жойларни режалаштириш ва ушбу энергияни узатиш бўйича маслаҳатлар тақдим этишини эълон қилди». Ушбу яхудий компаниясининг бош директори Цви Ландо айни лойиҳани қўйидагича изоҳлади: «Биз ҳамкорликни давом эттириш ва Саудиянинг «Vision 2030» сари юришини қўллаб-кувватлашдан фаҳранамиз. Компаниямиз тоза энергияга ўтиш жараёнини глобал миқёсга етказишга интилмоқда. Биз Саудиядаги маҳаллий заводларга қазилма кўмирлардан тоза қуёш энергиясига тезроқ ўтиш учун зарур ёрдам тақдим этмоқдамиз».		
<b>Ал-Ваъй:</b> Бу Саудия режими «Vision 2030» деган нарсани ниқоб қилиб олиб, ҳеч бир гунохни қолдирмай қиляпти... Инша		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Аллох, бу Саудлар оиласи ҳам, бошқа ёмонлик ҳукмдорлари ҳам бутунлай йўқ бўладиган кун албатта келади.		
<b>Саудия ва (Исроил) ўртасида давом этаётган муносабатларни нормаллаштириш музокаралари</b>		
<p>(Исроил)нинг «12-канал»и Саудия валиаҳди Мухаммад ибн Салмон ва (Исроил) бош вазири Бинямин Нетанияху ўртасида телефон сўзлашувлари бўлиб ўтганини эълон қилди. Икки томон ўртасидаги сўзлашув Баҳрайн воситачилигида амалга оширилган. Кейинги босқичларда ҳам муносабатларни нормаллаштириш бўйича музокараларни давом эттириш учун Баҳрайн воситачилигида Саудия томонидан талаб этилганлиги айтилди. Кўшма Штатлар Риёзга музокараларга киришиш борасида босим ўтказмоқда. Риёз эса сўзлашув Баҳрайн воситачилиги остида бўлишини талаб қилган. Америка миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Жек Салливан аввалроқ, Вашингтон Саудия ва (Исроил) ўртасида «тўлиқ нормаллашув бўлишига интилаётгани»ни айтган эди. Саудия Арабистони Жидда шаҳрида бўлиб ўтган 32-араб саммити тугаганидан бир неча кун ўтиб пайдо бўлган бу хабарга Саудия Арабистони изоҳ бермади. Саудия Арабистонининг «Абраҳам» иттифокига қўшилиш эҳтимоли ҳақидаги гап сўзлар биринчи бор янграётгани йўқ. Бу ҳақда Нитанияхунинг ўзи ўтган йили 20 апрелда Американинг CNBC телеканалига берган интервюсида «Саудиянинг Сурия режимига нисбатан қилаётган ҳаракатлари Исроил билан муносабатларни нормаллаштиришга хисса қўшмоқда», деган эди. Ўшанда у Саудия етакчиларининг (Исроил)ни «хавфсизлик, тинчлик ва фаровонликка эришиш» учун араб оламининг ажралмас ҳамкори деб билишларини таъкидлаб, «Риёз биз билан ҳамкорлик қилишнинг фойдасини жуда яхши билади» деган эди. 2020 йилда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Файсал ибн Фарҳон: «(Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш охир оқибат содир бўлади» деган эди. У яна: «Тинчлик минтақа учун стратегик зарурат ва Исроил билан нормаллашув бунинг бир қисми», деб қўшимча қилган эди. Саудия валиаҳди 2018 йил Американинг «Атлантика» журналига берган интервюсида: «(Исроил) халқи ўз ерида тинч яшаш ҳуқуқига эга», деганди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу Саудиянинг кўпдан буён эгаллаб келаётган позициясидир. Бироқ буғунга келиб у янада очиқ-ойдин тус олди. Чунки хўжайини Америка ўз стратегиясини қофозга ўрамай очик</p>		

эълон қиласиган бўлиб қолган... Хусусан, мусулмонлар ва уларнинг Фаластин масалаларига нисбатан ҳамда ҳазорат ва ҳаёт қонуни бўлмиш Исломга қарши кураш масаласида.

### **Амирликларниг шахслар ва телефонларни кузатиш бўйича илк эътирофи...**

#### **Халфан Тамим: Биз уларни хорижда ҳам кузатиб боряпмиз...**

Бирлашган Араб Амирликлари одамларни айрим ҳолатларда кузатаётгани, телефонларига жосуслик қилаётгани ва сухбатларини ёзib олаётганини биринчи марта тан олди. WAM расмий ахборот агентлигига тарқатилган давлат бош прокурори, маслаҳатчи Ҳамад Шамсининг баёнотида «Давлат худудидаги барча муассасалар фуқароларнинг, юртда доимий яшовчи ва вақтинча яшовчи шахсларнинг конституциявий ва қонуний хуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериб, бунга содик қолади», дейилди. Шамси «Мамлакат муассасалари ва хавфсизлик органлари томонидан кўриладиган барча чоралар қонун доирасида ва ижтимоий агентлик вакили бўлган прокуратура назорати остида амалга оширилади. Бу чоралар шахснинг давлат қонунига қарши чиққанлиги исботланган пайтда телефонини кузатиш, сухбат ва ёзишмаларни ёзib олиш кабилардан иборат», деди. Шамсининг таъкидлашича, бу чоратадбирлар «фақатгина прокурорнинг рухсати билан амалга оширилади». Дубай полицияси бошлиғи ўринбосари Даҳи Халфан бу баёнотга изоҳ бериб, «Ҳеч ким қонундан ташқари назоратга олинмаслиги табиий масала... Ким ўзини ўзи назорат қилмаса, албатта уни қонуний йўл билан тийиб қўйилади», деди. Фаоллар эса Халфанинг, Бирлашган Араб Амирликлари расмийлари хорижда юрган фуқароларни ҳам кузатиб бораётган эканини эълон қилган видеосини тарқатиши. Унинг сўзларига кўра, гиёҳванд моддалар олди-бердисига рухсат берилган мамлакатларга борадиган ёшларни кузатиш учун Амирликлар зобитлари у ерларга юборилади. Унинг қўшимча қилишича, ҳамма билиши керакки, «биз уларни ҳамма жойда кузатамиз ва қайтиб келишгач, тўлиқ текширувдан ўтказамиз». Амирликлар прокурорининг бу баёноти билан Даҳи Халфанинг изоҳи Абу Даби расмийлари Кўрфаз туристлари яшайдиган меҳмонхона хоналари ичкарисига жосуслик камераларини ўrnataётганликда айбланиши ортидан янгради.

**Ал-Ваъй:** Булар – рувайбиза ҳукмдорлари дўзах сари йўл тутган, (Исройл)нинг энг катта иттифоқчисига, Исломнинг эса

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
биринчи душманига айланган Амирликлардир. У ўзининг барқарор принципига монанд, ҳамма нарсада, ҳатто дўзахга йўл олишда ҳам биринчи бўлишни хоҳлайди. Аллохнинг ўзи сақласин.		
<p style="text-align: center;"><b>«Янги дин» пайдо бўлаётганидан огоҳ этиш... Сунъий интеллектнинг қандай алоқаси бор?</b></p>		
<p>Тарихчи Ювал Ной Харарининг таъкидлашича, дунё Chat GBT каби сунъий интеллект дастури билан яратилган «янги дин» ёқасида турибди. У айни дастур «иловаларининг тилларни «ўзлаштириш» орқали янги чегараларни ошиб ўтганини, инсоният маданиятини тузишда ушбу тиллардан фойдаланишга қодир бўлгани»ни таъкидлади. Ўзининг энг кўп сотилган (Sapienc) китоби билан танилган академикнинг айтишича, «Chat GBT» каби дастурлар муқаддас матнларни ёзиш орқали одамлар эътиборини жалб қилиши мумкин. Академик, сунъий интеллект дастурларини ташкил этиш ишини тезлаштиришга чақирган ва бу иловалар хавфли қуролланиш пойгасига кирганини айтган. У яна: «Биз яқин келажакда катта эҳтимолда матнлари ноинсоний интеллект билан битилган тарихдаги энг биринчи секта ва динларни кўрамиз» дея кўшимча қилган. У шунингдек, сунъий интеллект одамларни бошқариш, манипуляция қилиш ва жамиятни қайта тузиш босқичига кирди, деб кўрмоқда. Унинг кўшимча қилишича, «Баъзи фитна назариялари тахмин қилганидан фарқли ўлароқ, сиз одамларни бошқариш ёки манипуляция қилиш учун уларнинг миасига чипларни жойлаштиришингиз шарт эмас. Зеро, минг йиллар давомида шоир ва сиёсатчилар одамларни манипуляция қилиш, бошқариш ва жамиятни қайта тузиш учун тил ва ҳикоядан кўп бора фойдаланишган. У сунъий интеллект назоратдан чикиб кетмасидан олдин тезроқ ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлаган. У яна, ҳукуматлар ҳар қандай инқилобий сунъий интеллект воситаларига тўлиқ ишонч хосил қилмасларидан туриб, уларни дарҳол омма олдида очиқ нашр этилишига йўл қўймасликлари лозимлигини ургулаган. Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллект стартапи компания сунъий интеллект соҳасида ёзма ахлоқий қадриятлар тўпламини яратганини ва «Claude» деб номланган мулоқотга мўлжалланган маҳсус «чат» модели орқали унинг хавфсизлигини таъминлаганини айтди. «Anthropic» деб номланган бу компания «Google» компаниясига эгалик қилувчи «Alphabet» томонидан кўллаб-қувватланади. Ушбу маълумотлар турли манбалардан, жумладан, БМТ инсон ҳукуклари декларацияси ва</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Apple компаниясига қарашли маҳфий маълумотлар базасидан олинган.		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бугун бутун олам шундай бир мисли қўрилмаган илмий инқилобларга гувоҳ бўлмоқдаки, ўша инқилобчилар ҳаётни истагандек бошқаришга қодирмиз, деб ўйладиган бўлиб қолишиди... Бизнинг уларга айтар сўзимиз: Бу гурух олами кечасло бўлмаган бир ҳалокат сари олиб кетмоқда. Бироқ, Ислом ва мусулмонлар эса оламни сиротул мустаким томон олиб кетмоқда. Инша Аллоҳ, эртага дунё бошқарувини ва етакчилигини қўлга олгач, уни бутун инсоният учун дунё ва охират яхшилигига олиб борадилар.</p>		
<p><b>Даҳшатли рақамлар... Америкадаги қонли ҳужумларда 14000дан ортиқ одам, жумладан 93 боланинг ҳалок бўлиши</b></p> <p>Америка Кўшма Штатларидаги қуролли зўравонликларни архивлаш билан шуғулланувчи «Зўравонлик қуроли архиви» жамғармаси жорий йил бошидан бери қуролли ҳужумлар туфайли ҳалок бўлганлар сонини эълон қилди. Жамғарманинг айтишича, ўтган тўрт ойда мамлакат бўйлаб қуролли амалиётларда 14600 киши ҳалок бўлган. Унинг изоҳлашича, жорий йил бошидан бери Кўшма Штатлар 199та оммавий қуролли ҳужумга гувоҳ бўлган. Айни пайтда Анадолу агентлиги, ҳалок бўлганлар орасида 521 ўслирин ва 93 ёш бола Америкада қуролли зўравонлик қурбони бўлганини хабар қилган. Британиянинг Би-Би-Си радиоси хисоботига кўра, ўтган уч йил ичida Америкада 600та – кунига ўртacha икки мартадан – оммавий қуролли ҳужум бўлган. Веб Сайт, Кўшма Штатларда «оммавий отишма»нинг ягона таърифи йўқлигини таъкидлайди. Маълумотлар базаси архиви оммавий отишмани «Тўртдан ортиқ одам яраланган ёки ҳалок бўлган воқеа» деб таърифлайди. Маълумотлар, яшаш манзиллари ва жамоат жойларида содир бўлган отишмаларни ўз ичига олади. 2017 йил Лас-Вегасда содир бўлган энг қонли ҳужум 50дан ортиқ одам ҳалок бўлишига ва 500дан ортиқ киши жароҳатланишига сабаб бўлган эди. Бироқ отишмаларнинг аксариятида ўлдирилганлар сони 10тадан кам бўлган. Дунё бўйлаб тинч аҳоли қўлидаги қуроллар сонини хисоблаш қийин бўлсада, Швецарияда жойлашган «Survey Arms Small» тадқиқот лойихасининг сўнгги маълумотларига кўра, 2018 йилда Кўшма Штатларда 390 миллион дона қурол муомалада бўлган. Кўшма Штатларда ҳар 100 нафар аҳолига 120.5 ўқотар қурол тўғри келган бўлса, 2011 йилда ҳар 100</p>		

<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ <i>«Мұмиллар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»</i>	<b>ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ</b>
<p>нафар ақолига 88 үқотар қурол түгри келган. Ушбу күрсатгич дунёнинг бошқа мамлакатларида қайд этилганидан сезиларли даражада юқоридир.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Қонли хужумлардаги бу жиҳат Фарбнинг бузук ҳазорати билан чамбарчас боғлиқ. Бундай ишларни рухий, инсоний ва ахлоқий қадриятларга асосланған юксак ҳәётий тушунчалардан маҳрум бўлган одамлар амалга оширади... Бу Фарб ҳазорати деворининг ичидан ҳам, ташидан ҳам қулаганига далилдир. □</p>		
<p><b>Ал-Ваъй</b></p>		

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

﴿وَعَلَمَ عَادَمَ الْأَسْنَاءَ لُكَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَتَيْتُكُمْ بِأَسْمَاءَ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِينَ﴾

«Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!»» [Бақара 31]

**Шаъровий ушбу оятни тафсир қилас экан, шундай дейди:**

Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло бу ояти карима билан фаришталарга раддия билдириди. Чунки У зот Одам ﷺга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. «Кл» сўзи ихотани ифодалайди. Ихотанинг маъноси ушбу исмлар ҳақида барча нарсаларни билишдир. Бу ерда дарҳол бир савол туғилади; Аллоҳ субҳанаҳу ва Таоло модомики, «барча номларни», барча исмларни, деяётган экан, яратишдан бошлиб то қиёматгача бўладиган нарсаларнинг исмларини ҳам Одам ﷺга ўргатдими? Унда, Одам ﷺ яратилганидан асрлар ўтиб келадиган ихтиро исмларининг ҳукми қандай бўлади?

Биз айтамизки, Аллоҳ Таоло Одам ﷺга барча исмларни ўргатиб, уни фаришталардан устун қилиб қўйганида, паст мартабали маҳлукига олий мартабали маҳлуқидан ажратиб турадиган имтиёз берган бўлади. Масалан, Одам ﷺ лойдан яралган маҳлук. Фаришталар эса, нурдан яралган. Инсоннинг қудрати паст мартабалига юкори мартабалиницидан кўра кўпроқ нарса бера олмайди. Лекин бу ишни ёлғиз Аллоҳ Таологина қила олади. Бу билан бизга эслатадики, бизлар қўлга киритаётган нарсаларга ўз кучимиз билан эмас, балки Аллоҳнинг қудрати билан эришмоқдамиз. Шунинг учун Аллоҳ Таоло подшоҳ ва пайғамбар бўлган Сулаймонга ўзидан кейин ҳеч кимга керак бўлмаган салтанатни берганини ва бошқа маҳлуқотлардан ажратганини кўрамиз. Худхуд Сабаъ юритидан келар экан, Сулаймонга бундай деди:

﴿أَحَطْتُ بِمَا لَمْ تُحِظِّ بِهِ وَجِئْتُكَ مِنْ سَبَبًا بَيْقَيْنِ﴾

«Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (юритидан) аниқ бир хабар келтирдим» [Намл 22]

Қандай қилиб заиф ва ожиз бир күш Сулаймон ﷺ билмаган нарсаларни билади. Ҳолбуки, Сулаймон инсонларга ва жинларга хукмронлик қиласиган подшоҳ ва пайғамбар эди. Чунки Аллоҳ Таоло ўз маҳлуқотининг ғуурланишини ёмон кўради. Шунинг

учун әнг пастни әнг олийдан ажратиб турадиган аломатни келтиради. Токи, уларнинг барчаси ўзларидағи қобилиятлар Аллоҳдан эканини билсингелар. Шунинг учун Мусо ﷺ әлчи ва пайғамбар бўла туриб, Ҳизрдан ўрганди, ҳолбуки, у бир солиҳ банда бўлиб, Мусога ўргатадиган киши эмас эди. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло биз борлигини билмайдиган нарсаларни яратди. Фаришталар эса, бу нарсаларнинг исмларини Одам ﷺ дар ўргандилар. Баъзилар буюк яратувчининг Одам ﷺ га қай услубда таълим берганини сўрашади. Холиқнинг таълим бериши маҳлуклариникидан фарқ қиласи, чунки Холиқ илхом бериш орқали ўргатади. Одам ﷺ нинг қалбига коинотдаги барча нарсаларнинг исмларини солиб кўяди.

Демак, биринчи кўриниш яъни Одам ﷺ нинг фаришталар билан бўлган ҳолатида Аллоҳ барча нарсаларни яратди ва уларнинг исмларини Одам ﷺ га илҳомлантириди, унинг қалбига солди. Шудалил биланки, бу нарсаларнинг исмларини Одам ﷺ билган пайтда фаришталар билмаган эди. Мана шу ерда тўхталиб ўтиш лозим: нутқ эшлиши маҳсули, тил шароит (мухит) маҳсулидир. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Одам ﷺ исмларни ўргатди, бу илм Одам ﷺ Аллоҳ Таолодан эшиитмаса хосил бўлмайди. Одам ﷺ Аллоҳ Таолодан эшиитгани учун сўзлади. Сиз масалан Лондонда қолдирилган бир араб болани олиб келсангиз, у инглиз тилида равон гапираётганини ва араб тилидан бирор сўзни ҳам тушунмаётганини кўрасиз. Бунинг акси ўлароқ, араб юртларида қолдирилган инглиз болани арабча сўзлаётгани ва инглизчадан ҳеч нарсани тушунмаётганини кўрасиз. Демак, тил на ирсият, на жинс ва на муҳит, балки инсон эшитиб, сўзладиган тақлид экан. Агар инсон бирор нарсани эшиитмаса, соқов бўлади, у битта ҳарфни ҳам айта олмайди.

Одам ﷺ ушбу исмларни сўзлаётган экан, у Аллоҳдан эшиитган бўлиши аниқ. Ажабланарлиси шундаки, Аллоҳ Таоло Одам ﷺ га ўргатган усул инсоният шу кунгача амал қилиб келаётган усулининг ўзидир. Чунки сиз болага ишларни айтиб ўргатмайсиз, балки ишни исмларни ва нарсаларни ўргатишдан бошлайсиз. Сиз унга: Бу коинот, бу тоғ, бу денгиз, бу қуёш ва бу ой деб ўргатасиз. Бола нарсаларнинг исмларини ўргангач, ишларни ўрганади ва мана шундан кейин таълимда илғорлайди... Шундай қилиб, биз нутқнинг биринчи пайдо бўлиши ҳақида билиб оламиз. Одам ﷺ га исмларни ўргатиши Аллоҳ Таолонинг қурдати буюклигидандир. Бу ерда биз иккита саволга жавоб бериш учун тўхталамиз. Биринчиси: Агар Аллоҳ Таоло Одам ﷺ га барча нарсаларнинг

исмларини ўргатган экан, уларнинг орасида дунёдаги янги ихтиrolарнинг номлари ҳам бўлганми?

Биз айтамизки, Одам бошида ўзига керакли исмларни ўрганиб, улардан ердаги ҳаёти эҳтиёжларида фойдаланган бўлса, замон янгилангани сари Одам нинг болалари ўша олдинги исмлар ва ўзлари ўрганган исмлардан фойдаланишган. Борликдаги тил туркумига кирган барча номлар ўзидан ўзи пайдо бўлган эмас, балки улар одамлар сўзлаш ва ёзида фойдаланаётган тилдан келган. Оламдаги бошқа нарсалар ҳам худди шундай. Агар уларни аслига қайтарсангиз, уни Аллоҳдан эканини билиб оласиз. Масалан, инсониятни аслига қайтарсангиз, энг биринчи инсонни Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло яратганини биласиз. Агар илмни ўз аслига қайтарсангиз, ҳар бир илм муаллимга мухтож. Биз сизга айтадиган нарса... биринчи муаллимга ким таълим берган. Илм Аллоҳ Таоло таълим берган муаллимдан бошлангани ўз ўзидан равшан эмасми? Ўша зот биринчи муаллим бўлган. Шундай экан, Одам га исмларни ўргатган Аллоҳ субҳанаҳу ва Таолодир. Одам эса, ўз болаларига ўргатди, улар ҳам болаларига ўргатишди ва ҳоказо.

Иккинчи савол қўйидагича: Агар Аллоҳ Таоло сўзлашни ўргатган муаллим бўлса, хўш нима учун ер юзида тиллар бир-биридан фарқ қиласи ва нима учун тилларнинг ҳар хил турлари бор? Биз айтамизки, тарих даврларининг хилма хиллиги ва инсоннинг ер юзида тарқалиши ҳар бир гуруҳ инсонларни битта тилга эга бўлиши учун ўзининг гуруҳига яқинлашишга мажбур қилган. Ҳар бир тил қадимги тилдан олинган. Масалан француз, инглиз ва италиан тиллари лотин тилидан олинган. Иброний ва сурёний тилларнинг эса, араб тилига алоқаси бор. Битта тил соҳиби бўлган араб дунёси сўзлашадиган лаҳжалар бир-биридан фарқ қиласи. Ҳатто Жазоир ёки Мағриб халқлари лаҳжаси Миср ёки Суданникидан фарқ қиласи. Лекин арабча сўзлашар эканмиз, бир биримизни тушунамиз. Бу тилларнинг барчасининг асли Қуръон тили яъни араб тилидир. Бироқ араблар бошдан кечирган тарихий заифлик даврларида араб юртлари бир-биридан ажralиб кетди ва ҳар бир жамият тилни ижтимоий жиҳат сифатида қабул қилди. Шунинг учун турли лаҳжалар ўртасидаги бир-бирини тушуниш йўқолиб бормоқда.

Аллоҳ Таоло Одам га барча нарсаларнинг исмларини шундай ўргатди, сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб деди:

﴿أَنِّيُّونِي بِاسْمَكَ هَوَلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

*(Агар Халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!).* Бошқача айтганда Аллоҳ Таоло Одам ғалабани илмда устувор қилди ва унга фаришталарга бермаган илмни берди. Сўнг Одам ғалабани уларга ўзлари билмаган нарсаларнинг исмларини ўргатди. Бу Аллоҳ Таолонинг қудрати нақадар чексизлиги ва У зот коинотда хоҳлаган нарсасини қилишига далилдир. Юқорида айтганимиздек, энг пастни энг юқоридан устун қилиб қўйиш фақат Аллоҳнинг қўлидан келади. Яна-да тушунарли бўлиш учун мисол келтирамиз: Фараз қилайлик, заиф бир киши оғир юкни кўтармоқчи бўлади... лекин кўтара олмайди. Агар унга ёрдам берадиган кучли инсон бўлса, у бу юкни кўтариш учун унга ўзининг кучидан бера олмайди. Аммо юкни кўтаришига ёрдам беради. Ушбу заифни кучли қила оладиган ва уни шу юкни кўтаришга қодир қилиб қўядиган зот Аллоҳ Таолодир. Чунки инсон бошқа бир инсонга ўз кучидан бера олмайди. Лекин ёлғиз Аллоҳ Таоло заифни кучли ва кучлини заиф қилиб қўйишга қодирдир.

Аллоҳ Таолонинг:

﴿إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِي﴾

*(Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса),* деган сўзига келсак, фаришталар нурдан яратилган ва буюрилган ишнигина бажарадиган бўлсалар, ёлғон гапиришлари мумкинми? Биз айтамизки, Аллоҳ Таолонинг:

﴿أَنْبُوْنِي بِأَسْمَاءٍ هَوْلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَدِيقِي﴾

*(Агар халифаликка биз ҳақдормиз, деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!),* деган сўзининг маъноси шуки, сизлар ҳодисаларни таққослаяпсиз, яъни фойибни айтапсизлар демоқчи. Фаришталар инсонни ер юзида ундан олдин яратилган жинларга таққослашди... Аллоҳ Таоло эса сизлар бу таққослашингизда адашдингиз, агар ўзингиз хабар топган файб ҳақида рост бўлсангиз, файбни фақат Аллоҳгина билади, демоқда. Таққосланашгаётган икки тараф бир-бирига мос келиши керак. Бу фаришталарни ҳақорат қилиш эмас, балки уларни тўғрилаш эди. Яна бу бизга фаришталарнинг ғайбни билмаслиги ҳақида хабар бериш эди. Улар таққослашган ёки ғайбга ҳукм чиқаришган пайтда тавфиқдан четлаб кетишли. Чунки ёлғиз Аллоҳ Таологияна ғайбни билгувчидир. Фаришталарни ушбу сўзни айтишга ундаған нарса уларнинг Аллоҳни қаттиқ яхши кўришлари ва Унинг борлиғида фасод тарқалишини ёмон кўришлари эди. □

## ИСЛОМ ШАРИАТИДА ҒАЙРИМУСУЛМОНЛАР ҚОНИНИ ТЎКИШНИНГ ҲАРОМЛИГИ

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейдилар:

«مَنْ قَتَلَ مُعَاهِدًا لَمْ يَرْحِ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنْ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ أَرْبَعِينَ عَامًا»

«Ким муюҳид (шартнома тузилган коғир давлат фуқароси)ни ноҳақдан ўлдирса, жаннат ҳидини ҳидламайди. Жаннат хиди кирқ йиллик масофадан тарагиб туради». Бухорий ривояти.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейдилар:

«أَلَا مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُعَاهِدًا لَهُ ذَمَّةُ اللَّهِ وَذَمَّةُ رَسُولِهِ؛ فَقَدْ أَخْفَرَ بِذِمَّةِ اللَّهِ؛ فَلَا يُرْحِ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنْ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ سَبْعِينَ خَرِيفًا»

«Огоҳ бўлингки, ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбари хифзи химоясида бўлган муюҳидни ўлдирса, у Аллоҳнинг химоясига хиёнат қилган бўлади ва жаннат ҳидини ҳидламайди. Жаннатнинг хиди етмиш кузлик масофадан келади». Термизий ривояти.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ шундай дейдилар:

«مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُعَاهِدَةً بِغَيْرِ حَقِّهَا لَمْ يَرْحِ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ وَإِنْ رِيحَ الْجَنَّةِ لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ مِئَةِ عَامٍ»

«Ким муюҳидни ноҳақдан ўлдирса, жаннат ҳидини ҳидламайди. Жаннат хиди юз йиллик масофадан келиб туради». Табароний «Авсат»да чиқарган.

Абу Бакра ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ марҳамат қиладилар:

«مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُعَاهَدَةً بِغَيْرِ حَقِّهَا، فَقَدْ حَرَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ أَنْ يَشْمَ رِيحَهَا»

«Кимки муюҳидни ноҳақдан ўлдирса, Аллоҳ Таоло унга жаннат ҳидини ҳидлашни ҳаром қилади».

«مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُّعَاهِدَةً بِغَيْرِ حَقِّهَا أَمْ يَرْحُمْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، فَإِنَّ رِيحَ الْجَنَّةِ لَيُوحَدُ مِنْ مَسِيرَةِ مائةِ عَامٍ»

«Кимки муюхидни ноҳақдан ўлдирса, жаннат хидини хидламайди. Жанинат хиди эллик йиллик масофадан таралиб туради». Имом Аҳмад ўз «Муснад»ида чиқарган.

Сафвон ибн Сулайм саҳобалар ўғилларининг бир нечтасидан, улар эса оталари Динядан ривоят қилган ҳадисда Росулулоҳ ﷺ айтадилар:

«أَلَا مَنْ ظَلَمَ مُعَاهِدًا، أَوْ انْتَقَصَهُ، أَوْ كَلَفَهُ فَوْقَ طَاقَتِهِ، أَوْ أَخْذَ مِنْهُ شَيْئًا بِغَيْرِ طِيبٍ نَفْسٍ، فَإِنَّا حَاجِجُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Огоҳ бўлинг, кимки муюхидга зулм қилса ёки обрўсини тўкса ёки тоқатидан ортиғини юкласа ёки рози қилмасдан бир нарсасини олса, қиёмат куни мен унинг душманиман». Абу Довуд ривояти.

Абдуллоҳ ибн Жаррод ривоят қилган ҳадисда Росулулоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ ظَلَمَ مُعَاهِدًا مُؤْرِقاً بِذِمَّتِهِ، مُؤْدِيًّا لِجُرْبَتِهِ، كُنْتُ حَصْمُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Ким ўз зиммасига иқрор бўлган ва жизяни адо этаётган муюхидга зулм қилса, мен уни қиёмат кунидаги душмани бўламан». Абу Нуайм «Маърифатус Саҳоба»да чиқарган.

Фирдавснинг Муснадида Умардан қуйидаги марфуъ ҳадис ривоят килинган:

«أَنَا حَصْمٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَنِ الْيَتَيمِ وَالْمُعَاهِدِ، وَمَنْ أُخَاصِمُهُ أُخَاصِمُهُ»

«Албатта мен қиёмат куни етим ва муюхидни ҳимоя қилиб хусуматлашаман. Мен ким билан хусуматлашсам, уни енгаман». Саховий «Мақосид»да келтирган.

Абу Бакрнинг қизи Асмоъ айтади: Пайғамбаримиз ﷺ давларида онам менга яқин бўлишни истаб келди. Шунда мен Росулулоҳ ﷺдан силаи раҳм килаверайми, деб сўраган эдим, у киши: «Ха» деб жавоб берди. Ибн Уяйна айтади: Ушбу ходиса ҳақида Аллоҳ Таолонинг:

﴿لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقْتِلُوكُمْ فِي الدِّينِ﴾

«Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган кимсалардан (уларга яхшилик қилишиларингиздан ва уларга адолатли бўлишиларингиздан) қайтармас»

[Мумтаҳана 8]

ояти нозил бўлди.

Умму Салама ривоят қилар экан шундай дейди: Росулуллоҳ вафот этишидан олдин менга шундай васият қилдилар:

«اللهُ اللَّهُ فِي قِبْطٍ مِصْرُ، فَإِنَّكُمْ سَتَظْهَرُونَ عَلَيْهِمْ، وَيَكُونُونَ لَكُمْ عِدَّةً، وَأَعُوْنَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ»

«Миср қибтийларига яхшилик қилинг. Сизлар яқинда улар устидан ғалаба қиласизлар. Шунда улар сизларга Аллоҳ йўлида ёрдамчи бўладилар». Табароний «Ал Кабир»да чиқарган.

Абу Зар Росулуллоҳ дан шундай ривоят қилади:

«إِنَّكُمْ سَتَفْتَحُونَ مِصْرًا، وَهِيَ أَرْضٌ يُسَمَّى فِيهَا الْقِيرَاطُ، فَإِذَا فَتَحْتُمُوهَا فَاحْسِنُوا إِلَيْهَا، فَإِنَّهُمْ ذِمَّةٌ وَرَحْمًا»

«Сизлар яқинда Мисрни фатҳ қиласизлар. У шундай жойки, у ерда қийротни кўп гапиришади. Агар у ерни фатҳ қилсангиз, аҳлига яхшилик қилинглар. Чунки уларнинг хаққи бор ва улар билан бизнинг ўртамиизда қариндошлик бор». Чунки Ҳожар онамиз ўшалардан бўлган. Бошқа ривоятда: «Уларнинг хаққи ва сихри бор», деганлар. (Чунки Мория онамиз улардан бўлган). Имом Муслим ўз «Саҳиҳ» тўпламида чиқарган. □

## АФГОНИСТОНДА ИККИ ЙИЛЛИК ҲУҚМРОНЛИКДАН СҮНГ ТОЛИБОН ҲАРАКАТИ... ТАЖРИБА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИМИ?

Толибон ҳаракати 2021 йилнинг 15 июлида Афғонистон ҳуқуматини эгаллади. Бугун унинг ҳуқумат тепасига икки йил тўлди. Толибон ҳаракати давлат ишларини бошқариша, турли диний, сиёсий, иктиносий платформаларда ҳамда минтақавий ва ҳалкаро муносабатларда жиддий муммомларга дуч келаётгани ҳакида кўплаб мақолалар, тадқиқотлар ва хисоботлар ёзилди... Кейин уларга баҳо бериш тақдим этилди. Ўтган март ойида «Амирликлар сиёсат маркази» чикарган хисоботда куйидагича келади: «Мамлакатнинг ёрдамларга қарашлигини, у ердаги яшаш минимумига асосланган иктиносидётни ҳамда саноат базаси йўқлигини эътиборга олганда Афғонистонда гуманитар инқироз чуқурлашади. Ижтимоий-иктиносий тартибсизликлар ижтимоий шартноманинг барбод бўлишига, шунингдек, кўшни давлатларга ва кўшни бўлмаган бошқа давлатларга бошпана қидириб чиқиб кетувчилар тўлкини кучайишига олиб келади».

Хисоботда кўшимча килинища, «Толибон ҳаракатининг вакиллик ҳуқуматини тузишдан бош тортиши Афғонистонда сиёсий зўравонликнинг кучайишига олиб келиши мумкин ва ҳаракат томонидан унга қарши кўзғолонларни бостириш учун репрессиявчилар кўрилиши мумкин. Шунингдек, ҳаракат ўз зўравонликларининг кўн кисмини этник озчиликларга қаратиши мумкин...». Хисоботга кўра, «Толибон ҳаракатининг Афғонистондаги хорижий террорчи гурухларни, хусусан, Ал-Қоида ва ИШИДни жиловлай олмаслиги минтақа тинчлиги ва хавфсизлиги учун катта муаммо бўлиб, Жанубий ва Ўрта Осиё минтақаларида бекарорликка олиб келиши мумкин». Хисоботда яна айтилишича, Афғонистонга кўшни давлатлар, хусусан, Марказий Осиё, Эрон ва Туркия бетарафлик ҳолатидан чиқиб, Толибонга қарши бўлган гурухларга яширин ёки ошкора ёрдам кўрсатишни бошлаши истисно қилинмайди. Бу эса мамлакатда минтақавий ракобатни кучайтиради ва фуқаролар урушининг қайтишига йўл очади».

**Ал-Ваъй:** Бундай хисоботлар улар ҳакида гапирилаётган мамлакатлар сиёсатига ўзига хос яширин аралашувни ифодалайди. Чунки улар маслаҳатчи сифатида намоён бўлади. Лекин, айникиса, Амирлик давлати айтаётган нарсасининг аксини мақсад килади ва шунга ҳаракат қилади. У Исломга қарши курашаётган давлатлар рўйхатида биринчи ўринда туради ва аксилинкинг давлатлардан биридир. Шунинг учун бу давлат ва унинг «Амирликлар сиёсат маркази» номли институти ушбу хисобот соҳиблари бўлиб, Толибон учун яхшиликни хоҳламайдилар ва уларга тўғри маслаҳат бермайдилар. Шунингдек, Афғонистондаги Толибон бошқарувига оид ҳалкаро тадқиқотлар ҳам борки, улар Толибоннинг фаолиятини баҳолайди ҳамда унинг ютуқ ва муваффакиятсизликларини айтади... Улар коғир Farb тушунчаларини ва стандартларини мезон килиб олган. Масалан, Толибонни аёлларга зулм килиш ва диний ҳукмларни давлат қиличи билан татбиқ қиласиган қатъий диний сиёсат олиб бориша айблайди. Шунингдек, Толибонни афғон ҳалқининг турли қисмларига нисбатан муросасозлик ва кенгғикрлик билан мумомала кильмасликда ҳамда Афғонистондаги омсавий ахборот воситаларини тарьеб килишда айблайди ва ҳоказо...

Биз Толибондаги биродарларимизга шундай насиҳат қиласимиз: Биринчидан уларнинг бошқаруви факат шаръий тушунчаларга асосланиши, уларнинг давлати киёмат куни Аллоҳнинг олдида ўз бурчларини оқлайдиган исломий давлат бўлиши... Кўзғолонларга қарши давлатлар, жумладан Кўрғаз давлатларидан эҳтиёт бўлишлари, Farbнинг хеч қандай яхшилик келтирмайдиган бузук тадқиқотлари насиҳатларини олмасликлари. Шунингдек, гарчи бошида Исломий давлатни эълон қиласаларда, ўзини шунга тайёрлаб бориши, Исломий давлат барпо этилган кунда унга кўшилиши. Аллоҳнинг изни билан у албатта барпо этилади. Чунки, бу ҳақда Ресулуллоҳ ﷺнинг хушхабари бор:

«مَنْ تَكُونَ خَلَفَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ»

«Сўнгра пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади». □

## (ИСРОИЛ) АМЕРИКАНИНГ ҚУЛАШИДАН КЕЙИНГИ КУННИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ХИТОЙГА ЭШИКНИ ОЧИШГА ЧАҚИРМОҚДА

Босқинчи ҳукумат бош вазири Бинямин Нетаняху Хитойга ташриф буюрмокчи. Куттилаётган ушбу ташриф арафасида (Исроил)да ҳам қарши, ҳам кўллаб-кувватловчи позициялар намоён бўлди. Биринчи гурухга кўра, бу ташриф Кўшма Штатлар билан ўрнатилган муносабатларга зарар келтиради ҳамда энг катта ва ягона дўстни алмаштириш ҳисобланади. Иккинчи гурух эса, бундай хавотиirlарни ўринли эмас, деб ҳисоблади. Уларнинг даъво қилишича, (Исроил)нинг Хитой билан яқинлашуву Эрон таҳдидларини нейтраллаштиришга олиб келиши мумкин. «Айни пайтда америкаликларнинг орқамизда туришда давом этишига ҳеч ким кафолат бермайди. Тўқсонинчи йилларда Совет Иттифоқи қулаганидан сўнг, бунинг натижасида Кўшма Штатларнинг Яқин Шарқдаги нефть ва газни назорат қилувчи, аммо муваффакиятсиз ва холдан тойдирувчи урушларга кирган бир қутбли тузилма сифатида юксалиши ортидан АҚШнинг қулаши ҳакида гапириш конуний (жўяли) кўринади...», дейди улар. Бу гурух яна куйидагича қўшимча қилади: «Яқин Шарқка қилинган улкан мудофаа экспортидаги иктисадий манбаатни истисно қилганда, энди Кўшма Штатлар учун (Исроил)га катта опа ва сўзсиз тарафдор бўлишида ҳеч қандай манбаат қолмади... Тель-Авивни тубсиз жарликка тушириб қўядиган конуний тўнтириш америкаликлар учун сўнгги тормоз бўлиши, бир кун келиб улар бизга: бас етар, деб айтишлари мумкин. Агар бизда умумий манбаатлар ва қадриятлар бўлмаса, Тель-Авивнинг хатолари туфайли Америка яхудийлари унинг ортида турмаса, у ёлғиз колиши ва америкаликлар кетиши мумкин». Байден ва Нетаняху ўртасидаги ҳозирги кескин муносабатлар мухитида, шунингдек, Нетаняху Вашингтонга ташриф буюришга таклиф этилмаган бир вазиятда «Едиот Ахронот» газетаси ҳарбий мухбири Йоси Иегошуа «Арабий21» ахборот агентлиги таржима қилган хисоботда шундай дейди: «Нетаняхунинг Хитойга ташрифи унинг Ок уйга таклиф килинишига сабаб бўлмайди, аксинча, газаб уйғотади. Шунинг учун буни тактик жиҳатдан ёмон вакт деб ҳисоблаш мумкин. Агар бу ерда АҚШ маъмуриятини хавотирга солаётган бир нарса бўлса, бу (Исроил)нинг «таянчларга нисбатан турланиши»га доир риторикаси, яъни Кўшма Штатларни ракиблари билан, айнича, Хитой билан яраттиришга уринишидир. Чунки бу у билан бўлган алоҳида муносабатларни ҳавф остига қўяди... Биз, албатта, зарар кўришимиз мумкин ва бу ҳаракат ўзига хос салбий шошқалокликдир». У ўз сўзини куйидагича яқунлади: «Америка-(Исроил) ҳавфсизлик муносабатларига зарар етади. Яъни бу иш тўрт миллиард долларга яқин йиллик ёрдам бюджетига, бизлар фойдаланиб келаётган Америка ҳарбий саноати технологияларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Айнича, Эронга ҳужум қилиш ҳакида гап кетганда бу зарар катта бўлади. Шуниси аниқки. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида (Исроил)га тўлиқ сиёсий ёрдам бераётган Кўшма Штатларсиз бунга эришиб бўлмайди». Бундан ташқари, Вашингтон билан кучайиб бораётган кескинлик (Исроил)нинг ҳозирги ўзгарувчан стратегик ҳолатини янада ёмонлаштиради. Шунингдек, жангавор самолётлар, аниқ мўжалга олуви чуроллар борасидаги мухим келишувларга тўскинилк қиласди. Эҳтимол, яхудий босқинчилари америкаликларнинг (Исроил) ҳавфсизлик ва ҳарбий тузилмаларига карши қўшимча чоралар кўришини кутишаётгандир. Бундан ташқари, Нетаняхунинг Америка қулаганидан кейинги кунни кутиб, Хитойга эшикни очишга бўлган (исроил)ча қақиравига жавобан Америка томонидан унга нисбатан шахсий чоралар кўрилиши ҳам ажаб эмас.

**Ал-Ваъй:** Бу хабар яхудийлар орасида ҳавфсираш, кўрқоқлик ва бошқаларни ёқтираслик унсурлари чукурлашиб бораётганини кўрсатади. Шунинг учун улар ҳавфхатарни бошқалардан кўра тезрок ҳис қилишади. Бу хабар яна Американинг қулашини кутиш сиёсий давлатларнинг сахна ортидаги мухокама мавзуси бўлиб қолганини таъкидлайди. □